УзССР Давлат китоб палатаси
ОПЛ

Тинчлик, иқтисодий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ГАЗЕТА 1956 ИИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

1983 йил — 26 СЕНТЯБРЬ, № 39 (2727). ДУШАНБА

Бугун оқшом Тошкентда В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг VII конференцияси тантанали равишда очилади.

Георгий МАРКОВ

АДИБ МАСЪУЛИЯТИ

САҲОВАТЛИ қадим ўзбек тупроғига қадам қўяр эканман, ўзимда алоҳида бир масъулият ҳиссини туяман. Ахир, бу ўлкада лутф айтмаган, сўз қадрига чуқур етмаган киши йўқ. Ахир, бу юртда ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Фаробий, ал-Бухорий, ал-Беруний, Ибн Сино, Улуғбек сингари буюк алломалар, даҳо сўз санъаткори Алишер Навоий; Лутфий, Отойи, Бобур, Нодира, Маҳзуна, Увайсий, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат қардошлик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик қарор топди, Тошкент Шарқда машъал бўлиб қолди. Бу Ленин зиёсидан, Коммунистик партия изчил амалга ошириб келаётган ленинча миллий сиёсат тантанасидандир.

Бугун Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг VII конференциясига тўпланар эканмиз, бундан чорак аср аввал нақадар улуғ ишни бошлаганимизни чуқур қониқиш билан ҳис қиламиз.

Совет ҳукумати Владимир Ильичнинг ташаббуси билан биринчи бўлиб Тинчлик ҳақида декрет қабул қилган эди. Тинчлик учун кураш Совет ҳукумати ташқи сиёсатининг негизи бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари ҳаракатчилигининг муҳим фазилатларидан бири шуки, у тинчликка катта ҳисса қўшмоқда. Демак, ҳар бир соф виждонли адиб ҳам тинчликни сақлаб қолишда масъулдир. Қаламмиз, яхши китоб ёзиш учун ҳам тинч шароит керак. Шунинг учун ҳам, ҳозирги кунда тинчликни сақлашдан ҳам муҳим вазифа йўқ.

Маълумки, киши қалбига ва онгига ёзувчининг юрак сўзи кучли таъсир қилади. Адабиёт иши умумпартиявий умумдавлат ишининг таркибий қисми дейишимизнинг сабаби ҳам ана шунда. Чиндан ҳам, прогрессив жаҳон адабиёти, жумладан, Осиё ва Африка мамлакатлари тараққийпарвар адибларининг асарлари тинчлик учун курашда катта роль ўйнамоқда, адолат ким томонда эканини кўрсатиб бермоқда, империалистларнинг кирдикорларини фош этмоқда.

Эллигинчи - олтмишинчи йиллардан бошлаб жаҳон тинчлик тарафдорлари сафига Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмаси келиб қўшилди. Ушбу уюшмага 1958 йили Совет Ўзбекистони пойтахти — Тошкентда асос солинганидан бери унинг фаолиятида совет адиблари актив қатнашиб келмоқдалар. Эндиликда бу уюшма фаолияти жаҳон тараққиётида муҳим омиллардан бири бўлиб қолди. У халқлар ўртасида дўстлик ва тинчлик учун, миллий озодлик ва мустақиллик учун, ижтимоий тараққиёт учун, ирқчилик, миллий камситилиш, сионизм, империализм, янги мустамлакачиликка қарши курашмоқдалар. Бунда Назим Ҳикмат, Юсуф ас-Сибоий, Сажжод Зоҳир, Николай Тихонов, Ғафур Ғулом, Ойбек, Мухтор Авезов, Берди Кербобоев, Мирзо Турсунзода катта ҳисса қўшган эдилар. Ҳозирги кунда Алекс Ла Гума, Шароф Рашидов, Мирзо Иброҳимов, Расул Ҳамзатов, Александр Чаковский, Сарвар Азимов, Чингиз Айтматов, Файз Аҳмад Файз, Субҳас Мукержи ва бошқалар қизғин фаолият кўрсатмоқдалар.

Коммунизм ва тинчлик эгизак тушунчалардир. Тинчлик ишига хизмат қилган киши коммунизм тантанасига ҳисса қўшган бўлади. Коммунизм эса инсониятнинг порлоқ ва аниқ келажагидир. Лекин ҳозир дунё қалқиб турибди. Ер шарининг анча нуқталарида уруш учқуни кўринянти. АҚШ империалистлари бошлиқ урушқоқ тўдалар зўр беріб қуролланишга ружу қўймоқда, «даҳанаки жанг»ни авж олдирмоқда. Лекин жаноб Рейган ва унинг шериклари шуни билиб қўйсинларки, инсоният карвони ўз йўлидан порлоқ коммунизм сари дадил одимлайверади, тафаккур тантана қилади, эзгулик ғолиб чиқади. Шундай бўлишида адиблар ҳам, албатта, масъулдирлар, чунки улар оммага тўғри сўзни етказишга, уни олижаноб идеаллар руҳида тарбиялашга даъват этилгандирлар.

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмаси бу икки қитъа халқлари ижтимоий- сиёсий ва маданий-адабий ҳаётида катта ўрин тутиб, ҳаётбахш таъсир кўрсатмоқда, халқларни янги, озод турмуш қуришга чорламоқда. Ўтган чорак аср ичида Бангладеш, Кения, Филиппин, Маврикий, Таиланд, Жазоир, Сомали, Нигер, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда ижодий ташкилотларнинг тузилиши ҳам Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари ҳаракатчилигининг самаралари-дандир. Чет эллик ҳамкасб-ларимиз зўр мамнуният билан қайд этадиларки, совет адабиёти улар ижодига ҳа-

Давоми иккинчи бетда

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг VII конференцияси жаҳон маданий, сиёсий ҳаётида йирик воқеадир.

Мана бир неча кундирки, социализмнинг Шарқдаги машъали Тошкентга конференция қатнашчилари келмоқдалар. Қеча икки қитъа адибларининг катта бир гуруҳи Тошкент аэропортида тантанали кутиб олинди.

Суратда: кутиб олиш пайти.

С. МАҲКАМОВ фотоси

ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ. 1958 ЙИЛ



Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари тараққийпарварлик ҳаракатининг ветеранларидан бири, халқаро «Нилуфар» мукофости лауреати, асарлари Ҳиндистон Адабиёт академияси томонидан тақдирланган Субҳас Мукержи мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни айтди.

РУҲИМИЗДА ТАНТАНА

Мен Тошкентда зиёлилардан аввал ҳам, кейин ҳам бўлганман. Айтишим мумкинки, бу шаҳар менинг кўз ўнгимда гуллаб-яшнади. Мен шаҳрингиз аҳолисининг фақат моддий, маданий жиҳатдангина эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам анча юксалганлигининг гувоҳи бўлиб турибман. Кеча Тошкент хиёбонларини сайр этар эканман. Кўпгина ёшлар билан суҳбатда бўлдим. Улар руҳиятида байрам кайфиятини сезаман. Бу кайфият менга ҳам кўчади. Мен яна бир нарсадан жуда хурсандман: халқингиз ёшлари менинг ватаним — Ҳиндистон тўғрисида кўп нарса билишаркан. Албатта, бизнинг мамлакатимизда ҳали ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар кўп. Ҳинд халқи ҳукуматимизнинг олиб бораётган тинчликсеварлик сиёсатини қўллаб-қувватлайди. Жаҳондаги социалистик мамлакатлар билан алоқимиз Ҳиндистоннинг сиёсий ва маданий равнақини таъминлашда ёрдам беради.

Мен Осиё ва Африка ёзувчиларининг Биринчи Тошкент конференциясида иштирок этган эдим. Мана, энди бу ерда юбилей анжумани ўтаётир. Барча тинчликсевар мамлакатларнинг ёзувчилари учун бу анжуман муҳим аҳамиятга эга. Конференция туфайли жаҳон тараққийпарвар ёзувчиларининг сафи янада кенгайиб, янада мустаҳкамланишига ишонаман. Бу анжумандан сўнг ёзувчиларнинг ижоди ҳар қачонгидан ҳам барқ уриб, яна кўплаб яхши, баркамол асарлар яратилишига шак-шубҳам йўқ.

ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ. 1968 ЙИЛ

ТИНЧЛИК МУШОИРАСИ

ОСИЕ ва Африка тараққийпарвар адибларининг уюшмаси жаҳон халқларининг тинчлик, озодлик, ижтимоий тараққиёт учун кураши авж олган йилларда туғилди. У Шарқ халқларининг ёзувчилари, маданият арбоблари ўртасида замоннинг долзарб ва етилган талабларидан келиб чиққан алоқаларига — характери, йўналиши, кўзлаган мақсадларига кўра тамомила янгича алоқаларга асос солди.

Ҳозир Осиё ва Африка ёзувчиларининг сафлари бундан йигирма беш йил аввалгига қараганда, беҳад кенгайган, мустаҳкамланган ва шулар баробарида у жаҳонда тинчлик ва тараққиёт учун курашчиларнинг энг фаол ҳамда олдинги сафларда турмоқда.

Осиё ва Африка ёзувчиларининг бирдамлик ҳаракати ўз олдига халқпарварлик, инсонпарварлик ғояларини тарғиб қилиш каби улкан эзгу вазифаларни қўяди ва уларнинг ер юзида тантана қилиши учун бутун куч-қувватини сарфлайди.

Ҳамма халқлар — бир халқ. Ҳамма учун тенглик, озодлик, гуллаб яшнаш бирдай азиз ва қимматли. Зотан, инсониятнинг келажаги, бахтли тақдири учун булардан ҳам ортиқроқ, заруррроқ, қадрлироқ нарса йўқ.

Мен дунёнинг кўп мамлакатларида бўлганман, турли қитъалардаги яшаш шароити, удумлари, ирқлари, қарашлари турлича бўлган кишилар билан учрашганман. Уларнинг ҳаммалари учун тинчлик сув, ҳаво, нондай зарур. Балки тинчлик булардан ҳам ортиқроқ зарур. Бинобарин, тинчлик бўлмаган ерда инсониятга сув ҳам, ҳаво ҳам, нон ҳам татимай қолиши мумкин.

Шунинг учун ҳам одамлар шоирларнинг тинчлик ҳақидаги бадиий сўзларини — бу сўзлар қаерда, қайси тилда янграмасин, жон қулоқлари билан тинглайдилар.

Мен Деҳлида, Тошкентда, Олмаотада, Байрутда, Қоҳирада... ҳамма ерда шу ажойиб ҳодисанинг гувоҳи бўлганман. Тинчлик сўзи элчи бўлиб, халқларни бир-бирларига нечоғлик яқинлаштирганлиги, бир-бирларини яхшироқ англашга, англаб туриб, бир-бирларига муҳаббатли бўлишига ўргатганлигини ўз кўзларим билан кўрганман.

Шунинг учун ҳам, Мулк Раж Ананднинг сўзлари ўзбек пахтакорларига, Файз Аҳмад Файзнинг ғазаллари рус ишчисига, Ойбекнинг романлари Покистон ва Эрон заҳматкашларига, Турсунзода достонлари, Муиннинг, Маҳмуднинг, Гебре Мариамнинг оташин сатрлари мўғул, корейс, япон китобхонларига яқин, азиз ва тушунарли.

Адибларнинг бирдамлик ҳаракати тарих ва замоннинг улуғ ҳамда юксак тўлқинларида дунёга келган эди.

Хайрли соатда халқларнинг хайрли ниятларидан туғилган бу ҳаракат тобора кучга тўлишиб бораверади.

Мана, яна азиз дўстлар билан дийдор кўришдик. Яна ўнлаб тилларда Тинчлик сўзи, Дўстлик, Қардошлик, сўзлари баланд пардаларда жаранглямоқда.

Эй, улуғ мушоира — тинчлик мушоираси қатнашчилари, хуш келибсиз, гўзал Советлар диёрига!

ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ. 1978 ЙИЛ

ХУШ КЕЛИБСИЗ! ДОБРО ПОЖАЛОВАТЬ! WELCOME!

За мир, социальный прогресс и свободу народов!

АДИБ МАСЪУЛИЯТИ

Боши биринчи бетда

ётбахш таъсир кўрсатмоқда, маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда. Ўз навбатида жаҳон адабиётининг, жумладан, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг энг яхши асарлари Совет Иттифоқида миллионлаб нусҳада нашр этилмоқда. Бугунги кунгача Осиё ва Африкадаги 53 мамлакат адибларининг 4 минг 417 номдаги китоби мамлакатимизда 67 тилда деярли 200 миллион нусхада босилганини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ўринда Ўзбекистон нашриётларининг ҳам ҳиссаси вақтда эканини алоҳида таъкидлайман. Шуни қувонч билан айтиш керакки, Осиё ва Африка адиблари сафи тобора соғлом фикрловчи, истеъдодли ёшлар билан бойиб бормоқда. Ҳақиқий адиб халқи келажагига, унинг маънавий камолотига, демак, адабиёти ва санъати, фани ва маданияти равнақига лоқайд қараб қололмайди, ўзини масъул деб билади. Бинобарин, ёши ва ижоди улуғ адиб шогирд етиштиришга ҳам масъулдир. Бу ўринда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмаси СССР Ёзувчилар союзи билан биргаликда Тошкент, Рига, Олмаота ва Фрунзе шаҳарларида икки китъа ёш адибларининг учрашувларини эслатиб ўтаман. Мазкур учрашувлар кўнгилдагидек ўтди, кутилган натижаларни берди. Келгусида ҳам ёш адибларнинг шундай анжуманларини ўтказиб туриш фойдадан ҳоли эмас, албатта.

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари ҳаракатчилиги жаҳон миқёсида эътироф этилиб, унинг обрўйи ошиб, мавқеи мустаҳкамланиб бораётир. Лекин ҳали амалга ошириладиган ишлар ҳам кўп. Тошкентда ўтажак VII конференцияда ана шулар ҳақида атрофлича фикр алмашинади, келгуси режалар белгилаб олинади. Ўзини бутунлай она-Ватанига, жонажон халқига бағишлагандагина, унинг дарди, орзу-умидлари билан яшагандагина, адибнинг истеъдоди тўла бўй кўрсатади; ижоди баракали ва самарали бўлади. Бугун тинчлик ва дўстлик шаҳри бўлмиш Тошкентда тантанали равишда очиладиган анжуманимизга ана шундай сўз усталари йиғилганига аминман. Конференция қатнашчилари ва меҳмонларига барча совет адиблари номидан яхши кайфият, ишларида муваффақият, турмушларида бахт-саодат тилайман!

Т. Тарков

Мен бу серқуёш ўлкани севиб қолганман.

Гапни ҳаяжондан бошлаганимнинг боиси бор. Чунки Ўзбекистонга учинчи мартаба ташриф буюришим. Мен Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг VII конференцияси Тошкентда ўтказилишини эшитганимдаёқ қувонганман. Умуман, сизнинг ернингизда, одамларингизда кишини самимий меҳр билан ўзига тортадиган ва бир кўргандаёқ ўзинга мафтун этадиган қандайдир сеҳр бор. Мен ҳар гал Ўзбекистонга келганимда ана шу сеҳрнинг қудратига яна бир карра амин бўламан.

Муин БЕСИСО

Палестина

ҚАРДОШЛИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

23 сентябрда, республикамизда Мўғулистон Халқ Республикаси кунлари бошланди. Мамлакатларимиз ўртасида инқилобий курашлар натижасида туғилган дўстлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Совет Иттифоқи билан МХР ўртасидаги иқтисодий- маданий муносабатлар йилдан-йилга ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда фақат Ўзбекистоннинг ўзи бу мамлакатга юздан ортиқ турдаги саноат маҳсулотлари етказиб бермоқда. Шунингдек, маданий жабҳада қўлга киритилаётган ютуқлар ҳам қувончли. Кўплаб мўғул ёшлари республикамиз ўқув юртларида таълим олмоқдалар. Айниқса, Тошкент хореография билим юртида қардош халқ фарзандлари балет санъатининг классик турларини чуқур эгалламоқда. Ўзбек адиблари билан мўғул ёзувчилари ўртасидаги ижодий алоқалар халқларимизнинг маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўтган йили Мўғулистонда Ўзбекистон кунларининг муваффақиятли ўтганлиги бунинг ёрқин далилидир. Мўғулистон адиблари эса Осиё ва Африка ёзувчиларининг бирдамлик ҳаракатида фаол иштирок этиб, тинчликни мустаҳкамлаш ишига муносиб улуш қўшмоқдалар.

МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХРП Марказий Комитети секретари, «Мўғул-Совет дўстлиги» жамияти марказий кенгашининг раиси Дамдингийн Гомбожав бошчилигидаги Ўзбекистонда МХР кунларига келган делегация иштирокчилари республикамиз ҳаёти билан яқиндан танишмоқдалар. Мўғулистон маданияти намоёндалари совет кишиларига ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар. Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида қардош социалистик мамлакат тасвирий ва халқ амалий санъати кўргазмаси очилди. Унда халқимиз ўртасидаги дўстлик тўғрисида ҳикоя қилувчи ажойиб санъат асарлари ўрин олган. СССР Халқлари дўстлиги музейида эса «Ҳозирги Мўғулистон» фотокўргазмаси намойиш қилина бошланди. Пойтахтимиз кинотеатрларида Мўғул фильмлари кинофестивали давом этади.

МХР кунлари иштирокчилари Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд, Бухоро, Навоий шаҳарларини бориб кўрадилар, меҳнаткашлар билан учрашадилар.

Дожогийн ЦЭДЭВ (Мўғулистон)

* * *

Кўрдим! ағдарилган ҳайбатли дарахт
Қовжираб ётарди
Ночор
тупроқда
Кўрдим! типирларди балиқлар карахт,
Жон берарди сувсиз
қирғоқда.

Менга кундай аён!
Ҳолим не кечар,
Туғилган юртимдан
айрилсам агар!....

* * *

Баландлайди бургут фалакда,
Қулочларин ёйиб беармон.
Осмон шавқи ёнар юракда!
— Қанотларинг бер-чи, бургутжон!

Уммонларнинг тубсиз қаърида
Ўйнаб, яйраб балиқлар шўнғир.
Кўз узолмам сузгичларидан:
— Мен ҳам шўнғий, балиқ, қанот бер!
— Менга қанот битарми, дедим,
Муродимга етарман, дедим!

Лекин менга бургут, балиқ ҳам
Жавоб берди: «Унутма, одам,
Осмонларнинг юксаклигию
Уммонларнинг теранлиги ҳам —
Ўз қалбингда эрур жамул-жам!»

Ойдин ҲОЖИЕВА таржимаси

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

22 сентябрда Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан дўстлик маданий алоқа қилиш жамиятида Мўғулистон Халқ Республикаси делегацияси аъзоларининг Совет Мўғулистон дўстлиги жамияти республика бўлими фаоллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда МХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, маданият министри, Мўғулистон-Совет дўстлиги жамияти Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Дондогийн Цэвэгмид совет халқи билан мўғул халқи ўртасидаги дўстлик, Мўғулистоннинг бугунги равнақи тўғрисида сўзлади.

Учрашувда МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Мўғулистон-Совет дўстлиги жамияти Марказий кенгашининг раиси Дамдингийн Гомбожав ва бошқалар иштирок этдилар.

БИРДАМЛИК

Ҳар қўнғироқ —бошоқ,
Анор донаси,
Пахта чаноғи...
Қаттиқроқ жом чалинг,
Тут дарахтин занглари!

«ПАХТА» сурасидан

ТУПРОҒИНГНИ ЎП

Муин БСИСУ,
Фаластин шоири

ФАРҒОНА водийси узра қуёш икки юз саксон кун нур сочиб туради. Бунда тут дарахтлари ҳали ҳамон Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ёди билан кўз ёш тўкадилар. Уни тош бўрон қилиб азоблаб ўлдирган эдилар... Қўқонда мен уста Қодиржон Ҳайдаровнинг қўлларини кўрдим. Унинг қўллари оғочга жон ато этади. Қувада шаҳар партия комитетининг секретари Мусажон Шербўтаев менга нақ ўзбекнинг тандир нонидай каттакон бир анор билан ханжар совға қилди. Бу ханжар хўроз кўзларидан ҳам тиниқроқ эди, ипак толасига ва ёхуд гўё сувдан қуюлган кескир мугузга ўхшарди.

Ўзбекистон пойтахти бу— шеър, пахта, ипакдир. Бу— ўтган беш йилликда ўн бир йилнинг планини бажариб қўйган йигирувчи қиз Мелихон Абдуллаева. Унинг йигирган ипларидан неча километрлаб газмол тўқилган. Андижонда «Ямпол» совхозининг ёш ишчиси менга пахта тупини тортиқ қилди. То меҳмонхонага келгунимча чаноқлар очилиб оппоқ пахтага айланди. Чаноқлар эмрад қўнғироқчаларга жуда ҳам ўхшаб кетарди.

Наманганда биринчидан қуюлган гаройиб партбилет кўрдим. Унинг устига: «Улуғ Ватан урушида жанг қилган», деб ёзиб қўйилганди.

Тўрақўрғонда менга Волгоградда сержант Павлов уйи ҳимоясида турган Комилжон Турғуновнинг партбилетини кўрсатишди.

... Тошкент вокзалининг перрони хотинлар, чоллар, болаларга тўлиб кетган. Улар гитлерчилар қутуриб ҳужум қилаётган турли шаҳарлардан келадиган поездларни кутишмоқда. Қамалдаги шаҳарлар қум тўлдирилган қоплар билан ўраб истеҳкомга айлантирилган. Улар фашизм йўлида қоядай мустаҳкам турди.

Қамал қилинган шаҳарлар бошида — Ленинград, қаҳрамон шаҳар, оқ ойдин кечалар шаҳри. Ҳозир Тошкент Ленинграддан келиши керак бўлган поездни кутмоқда. Келаётган поезднинг йўловчилари ҳаммаси болалар. Ёнаётган уйлар комидан қутқариб қолинган болалар—келажакда совет кишиларининг янги авлоди бўлиб етишадиган болалар. Шоаҳмад Шомаҳмудов саккиз боланинг отаси. У нонинг қадрини жуда яхши билади. Лекин унинг қалби Тошкентда ёпиладиган барча нонлардан каттароқ. У Ленинграддан келаётган поездни қучоғини очиб кутиб олади ва ленинградлик тўққиз болакайни қайноқ бағрига босади. Энди у ўн етти боланинг отаси.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси шаҳарларида юрган чоғимизда бизга доим худди Шоаҳмад Шомаҳмудов ленинградлик ўз болалари ва набиралари билан йўлда бораётгандек бўлиб туюлади.

Бу — Тошкентга иккинчи келишим.

Олдин, ўн уч йил бурун Тошкентга келган эдим. Ўшанда мен Евгений Евтушенко билан танишган, у менинг шеърларимни рус тилига биринчи марта таржима қилган эди. Бу «Довул» («Ат-табл») деган шеър эди. Мен уни арабча, Евтушенко рус тилида ўқидик.

Тошкент билан шундай шеър орқали танишдик. Самарқанд менга бошқа бир шеър ҳадя қилди. Қадим ривоятнинг чеварасидаги Унинг қаҳрамонлари меъмор ва жонон аёл дудоғи.

Ривоят қиладиларки, «Тамурнинг хотини узоқ сафардан қайтиб келаётган эрини муносиб совға билан қаршилаб олмоқчи бўлибди. У меъморларни чақириб дунёда тенги йўқ бир сарой қуриб беришни талаб қилибди. Саройни етти кунда битириш керак. Меъмору бинокорлар нени тиласалар, бари бажо келтирилади. Ҳамма бу ишни бўйнига олишдан қўрқибди. Фақат бир йигит ўрнидан туриб, дунёда мислсиз саройни етти кун ичида мен қуриб битказаман, деб ваъда бериби. Эвазига унинг биттаю битта тилаги... маликадан.. биттагина ўпич олади...»

Қаср учун бир бўса. Бўса учун бир қасри олий.

Қаср битгач, ваъда ҳам адо этилади... Малика бунга рози бўлади.

Еттинчи кун етиб меъмор саройга малика ҳузурига етиб келади. Қасрий олий битганлигини хабар қилади. Жаҳон жаҳон бўлиб бундай сулув қасрни кўрмаган, томоша қилиб кўзинг тўймайди. Фаворалардан шаффоф сувлар отилиб, тагига зумрад бўлиб тўкилади. Зумрад донолари жонланиб нозанин мадикаларга айланади. Фавворалар атрофи чаноқларга тўлиб кетган. Чаноқлар аста очилиб улардан нақ тустовуқ тухумидай дуру марваридлар сочилади...

Канизак маликанинг олдига икки коса келтириб бирига сув қуйиб, иккинчисига ароқ қуйиб тўлдиради.

—Қара, — деб мурожаат қилади малика меъмор йигитга, —бир косадаги сув иккинчи косадаги ароққа ўхшайди. Хотинлар ҳам бирбирларидан унчалар фарқ қилмайдилар... Канизакларимдан истаганингни танла... Мени эса қўй...

Бироқ меъмор фақат ўзи танлаган яккаю ягона косадан ичиш орзусида эди. Қасрни шунинг иштиёқида қурганди. Ўзга коса, ўзга дудоқлар уни қизиқтирмасди.

Малика қўллари билан дудоқларини тўсиб, меъмор йигитга ёноғини тутди. Меъмор лабларида қотиб қолмиш йилдирим эриди, киприкларига илинган шудринг томчилари қуриди, қонига қўшилган ёмғир ёйилди. Маликанинг лаблари очилди. Меъмор чашма лаззатини тотди. Дудоқларда гўё чарос эзилди.

... 1969 йил менга Тошкентни бамисли гўзал достон каби ҳадя этди. Самарқанд менга меъмор бўсаси ҳақидаги ривоятни берди. Бухоро эса мени чироқларнинг чароғон гулдастаси билан қарши олди. Бухоро!.. Олтин ва туз, ипак ва нозанъмат ортган туяларнинг карвонлари. Туяларнинг бўйнидаги ёнғоқ ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни яратди.

Қўқон шоирлари заминга муҳаббатдан ғазалхон бўлганлар, Муҳаммад Аминхўжа Муқимийнинг даҳмасини кўрганда, бунга яна бир карра ишондим.

Қўқон қиёфасига такрорланмас санъат бағишлаётганларнинг бири Қодиржон Ҳайдаров. Унинг уйи —устахона. Бу ерда неча ўнлаб иқтидорли шогирдларга таълим берган. Шогирдлар ўз усталари каби ёғочдан мўъжиза яратадилар.

1923 йилда Қодиржон Ҳайдаров ажиб мўъжаз хонтахта ясади ва уни отаси васиятга кўра доҳий Владимир Ильич Ленинга совға қилди. Бу санъат мўъжизаси ҳозир Горкида В. И. Ленин уй-музейида сақланади.

Қодиржон Ҳайдаров —Қўқон наққошларининг бобоси.

Мени унга Фаластин шоири деб айтишди. У худди тўлган ойдай чиройли ишланган ёғоч лавҳачани олиб, унга ўз номимни ўйиб ёзди-да, менга тақдим этди.

Йўл. Икки томонимиз қатор кетган тутзор. Марғилонга боряпмиз. Марғилон қурилганига минг йил бўлди. У ҳар йили курраи заминга 26 миллион метр ипак шалоласини беради.

Шараф бўлсин ипак қуртига!

Марғилондан Фарғонага ўтдик. Фарғонани «уйқудаги малак» дейишади. Улуғ Ватан уруши даврида Фарғонада Алексей Толстой яшаб ижод этган. Фарғонадан Ҳамзаободга ўтамиз.

Шоҳимардон... Шоир мақбараси. Мармарга ўйилган қисқа сўзлар:

«Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1889—1929»

Қуйироқда унинг оташин сатрлари:

Тузамиз янги турмушни
замон ичра,
Абадий сўнгра яшармиз
жаҳон ичра.

Душманлар қўлида ҳалок бўлган шоир шундай деб ёзган эди.

Ҳамза ўз шеърларини ишқилобнинг қуёшдек шодликларига бағишлади. Ишчи-деҳқонларни золим бойларга қарши курашга чақирди. Ҳамза мактаблар очди, болаларга китоблар, дарсликлар ёзди. Қўқонда ўзбек миллий халқ театрини яратди ва театр учун пьесалар битди.

Ҳамзанинг пьесасида биринчи озод ўзбек аёли ролини ўйнаётган актрисани эри уриб ўлдирган. Ўзбекистон саҳналарида ўша пайтларида аёлларнинг чиқишлари ўлим билан баравар эди. Театр ёпилиб қолмасин деб, рус аёли унда ўйнашга рози бўлди.

Театр тошлар узра туғилди. Рус актрисасининг овози билан ўзбек шоирининг сўзи бирлашди.

Театр сўнг уловга минди. Шоир Ҳамза Сайёр театр тузди. Ўзи унга муаллифлик қилди, актёр бўлиб ўйнади. Ўзи қўшиқ яратиб, ўзи унга куй басталади. Фидокор шоирнинг овози мусиқа садоси каби портлаб сўнг тинди.

Ҳамза канал очиб сув келтирган Шоҳимардонда, кафтида жонбахш қўшиқ элтиб, болалар қалбини муҳаррар этган Шоҳимардонда, у илк колхоз [illegible]ган Шоҳимардонда, у қишлоқ аҳлини йиғиб газета ўқиган, мусиқа чалган Шоҳимардонда бойлар қуршовида қолди. Улар зулми, ёвузлигидан ҳалок бўлди.

Шоҳимардон адрларида турли — сарғимтир, қора, ялтироқ, ўткир қиррали тошлар кўп. Уларни босиб олишдан кишини ўзини тияди. Эҳтимол, манови бўрининг бошига ўхшаган тош Ҳамзанинг манглайига теккандир. Унинг кўркам чеҳрасини қизил қонига буягандир...

Қувага ўтдик. Анор шаҳри.

Эрталабки об-ҳаво хабарлари. Ёмғир қуйиши кутилмоқда.

Маълумот тўғри чиқди. Кўкнинг сув тўғонлари ўпқондай очилди. Пахта далаларини сув босди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Мусажон Шербўтаев шу кунлари кечаю кундуз пахтакорлар ёнида далада бўлди. Одамлар ҳар бир туп гўза учун кураш олиб бордилар.

Гўза ва одамлар тошқинни енголдилар.

Мусажон Шербўтаев ўзбек нонини синдираркан, мийнида кулиб қуяди.

—Биз фарзанд туғилса, бошимиз осмонга етади. Яна меҳмон келганда ва яна пахта очилганда ҳам бошимиз осмонда.

Тошкентга қайтдик.

Совет диёрининг ажойиб меҳнаткаш кишилари билан унутилмас учрашувлар бизга энг улуғ туҳфа бўлди.

Яна шу учрашувларни, дўстлик ҳароратини соғиниб келдик Ўзбекистонга.

Салом, Ўзбекистон!



Сергей БАРУЗДИН

ЁЗУВЧИ—ФАОЛ КУРАШЧИ

Муҳбиримиз атоқли рус совет ёзувчиси, «Дружба народов» журналининг бош муҳаррири, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Сергей Баруздиндан Осиё ва Африка Ёзувчилари уюшмасининг юбилей конференцияси муносабати билан фикр- ҳисларини билдиришни сўради.

●

«Дружба народов»нинг шу йилги январь сонини биз дунёда тинчликни сақлаш масаласига бағишладик. Журнал саҳифаларида барча адабиётларининг вакиллари, социалистик мамлакатларнинг ёзувчи, шоир ва публицистлари, Ғарбий Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси тараққийпарвар адабиётлари арбоблари жаҳонда уруш хавфини бартараф этиш, доимий тинчликни барқарор қилиш, инсоният маданиятини сақлаб қолиш, бу оламшумул вазифани амалга оширишда адиб сўзининг салмоғи ҳақида юрак сўзларини изҳор этдилар.

Поляк адиби Ежи Путрамент: «Ёзув столи олдида ўтказилган ҳар бир соат тинчлик ишига ҳисса бўлиб қўшилиши керак», деди. Зотан, бугунги кунда масалаларнинг масаласи — Ер юзида тинчликни сақлаб қолишдир. Тошкентда ўтажак улкан анжуманда ҳам уруш ва тинчлик проблемаси — замонамизнинг бош масаласини тинчлик фойдасига ҳал этишда икки буюк қитъа сўз санъаткорларининг мавқеи масалалари кенг муҳокама қилинади, тинчлик учун курашнинг самарали йўллари ҳамжиҳатлик билан излаб топилади, деб ўйлайман.

Чинакам ёзувчи ҳамиша она халқининг виждони бўлиб келган. Долғали XX асрда эса бугина кифоя қилмайди. Ёзувчи инсониятнинг виждони бўлиши керак! Сўз санъаткори жаҳондаги барча мазлум халқларнинг эрки ва озодлиги, инсоний ҳуқуқлари учун зулм ва золимларга, турли қиёфадаги мустамлакачиларга, империалистик кучларга қарши курашда фаол иштирок этиши лозим.

Мен халқи каби сахий, дўстларига ҳамиша бағри очиқ ўзбек тупроғида, жонажон Тошкентда кўп бўлганман. Бу диёрда дўстларим кўп. Мен улар билан яна дийдор кўришганимдан беҳад хурсандман. Ишонаманки, икки буюк қитъа адибларининг самимий мулоқотлари, ҳамжиҳатликлари ажойиб самаралар келтиради. Осиё ва Африка ёзувчиларининг VII конференцияси Ер юзида тинчлик ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИДА

Анжуман арафасида Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленнеси секретариатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Осиё ва Африка мамлакатлари VII конференциясини юксак савияда ўтказиш учун махсус комиссиялар аниқ тузилган иш программаси асосида мунтазам ишлаб турибди.

Конференция қатнашчилари уч маршрут бўйича — Самарқанд, Хоразм ва Фарғона областларида бўлишлари ҳам режалаштирилган.

Бугун жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари эътибори дўстлик шаҳри —Тошкентга қаратилган. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг бу конференцияси жаҳон маданий ҳаётида улкан воқеа бўлади, халқлар ўртасида дўстлик ва тинчликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаверади.

Тошкент конференция иштирокчиларини кутиб олмоқда.

С. МАҲКАМОВ фотолари

For peace, Social Progress and Freedom of Peoples!

Агостиньо НЕТО
(Ангола)

БИЗЛАР

Бизлар—
Улкан африкалик томир-томир-ла,
Юз бор содиқ бўлиб, юз бор сотилган.
Шубҳа ўрмонида сарсон, саргардон.
Жўшқин, оч тўлқинли тошқин сингари
Ҳаёт оқимига қарши оқдик биз.

Энди,
Биз марибнинг оҳангларида,
Бутун инсоният синчков кўзида
Биз ўлкан Африка бўлиб боқамиз,
Миллион қалб ва миллион ҳадик ва орзу
Ҳамон тазйиқ дўқи, хавфи бошларда,
Азобдан,
Жафодан қонга бўялиб,
Тап тортмай алам-ла олға борамиз.
Дағал омоч билан бағри тилинган
Бизнинг қонимиз-ла алвон қилинган—
Очлик,
Умидсизлик,
Маъюслик, жаҳолат,
Ўлим
Ҳали ҳоким ерда борамиз дадил.
Инсон кифти,
Гўдак,
Оналар кифти —
Ҳаммаси бўялган қип-қизил қонга...
Қонга бўялса ҳам емириб бўлмас,
Биз—
Томир-томир-ла улкан Африка,
Қора,
Лекин дўстлик тонг отаридай
Ерқин!
Нақ, озодлик қадамисимон
Қудратли ва чанқоқ Африкамиз биз.
Бизнинг фарёдимиз—
Бизнинг там-там орзу жарчимиз.
Бизнинг овозимиз бугунча тарқоқ —
Миллат келажагни ёрқин қўшиғи.
Бизнинг фарёдимиз —
Ҳаётбахш қуёш
Нурида уруғдан ўсган ниҳолдай
Ерга илдиз отиб,

Ердан чиқувчи
Ва ўсиб унувчи севги гимнидир.
Африка фарёди—
Океанни занжирбанд ва кишанланган,
Қонга бўялган ўликлар босган
Замон тонгларининг аччиқ нидоси.
Ҳа, қонга ботса ҳам емириб бўлмас
Улкан Африканинг кескин нидоси.
Ана, бизнинг қўллар,
Бизнинг қулочлар,
Очиқ оламшумул биродарликка,
Бутун ер юзининг келажагига.
Адолат ва дўстлик,
Бахт, тинчлик ҳаққи
Бирлашган қўлимиз нурли кафтида
Гуллар очилмоқда,
Бу шаффоф гулда
Бўйсунмас дарёлар хушбўй лаззати,
Абадий ўрмонлар мағрурлиги бор.
Дилимизда Африкага,
Бутун жаҳонга
Муҳаббат ўсмоқда, олмоқда қудрат.
Бизнинг кўзларимиз,
Қон ва жонимиз,—
Инсонга муҳаббат қонунга кирган,
Келажак ярқираб кўриниб турган,
Қудратига ишонч мустаҳкам бўлган
Инсонпарвар, улкан,
Яхлит Африка томон
Интилади.
Бизлар—
Дўстликда, тинчликда,
Яшаш истаги-ла қудратли, маҳкам,
Ва муҳаббатда
Қонга бўялса ҳам, емириб бўлмас
Африкамиз.
Инсонга, ҳаётга севги бирлаштирган,
Бир бутун ва улкан Африка бўлиб
Тинчлик учун берамиз овоз,
Тинчлик, дўстлик учун кўтарамиз қўл.

ЗУЛФИЯ таржимаси

Абдураҳмон ал-ХОМИСИЙ,
Халқаро Ленин мукофоти лауреати (Миср Араб Республикаси)

ФАРОС

Балиқчилар қишлоғи, унинг ўрнида Искандария шаҳри қад кўтарган, Македониялик Александр бу ёққа фақат жасадлар устидан юриб ўтолган эди.

Мен — Фаросман,
Мисрнинг кўзи.
Асрларнинг инжусиман мен.
Денгизлар бўйида ўз чанқоғини
Қондирмоқчи бўлган ернинг орзусиман мен.

Турурман —
Қадимий оролман, ўйлар парчаси.
Вақт — гулдор яктак,
Тонг унга тикади
Гуллар каштасин.
Кўкнинг кўк жоми
Юлдузли шаробга
Тўлади.
Бошим узра
Байроғим — шамол
Ҳилпирайди, тинмай елади.
Кабутар галалари —
Қайиқлари болаларимнинг,
Улар чексиз қора тўлқинлар узра
Куйлар эди тинчлик яллаларини.
Лекин
Александр кемалари келиб,
Ғаним
Ерга қўйган чоғда оёқларини,
Мисрликлар оловдай ташланди,
Ҳимоя қилгандай ўчоқларини.
Кексалар қўзғолди,
Ҳатто аёллар
Тенгсиз жанг жойига отарлар ўзни.
Шунда тождор шоҳ ҳам англади,
Биз қандоқ севамиз ватанимизни!
Тиззадан қон кечиб,
Зич аскар тўдалар ўтар — ғанимдир...
Сўз нечун?
Мардлар қулаганда, тошлар ҳам жимдир,
Уларнинг мардлиги қошида
Улим-да
Бошини қилган хам...
Ҳа, Александрми?
Бор эди — йўқдир.
Чорламасман унинг соясини ҳам.
Аммо болаларим жасоратлари
Биламан, ўлмайдир,
Ер бўлиб яшагай зафарга.
Уларнинг руҳига шарафлар бўлсин!
Ва шарафлар бўлсин абадий
Суяклар устида турган шаҳарга!

Мирза ТУЙЧИЕВ таржимаси

Мамаду Траоре ДИОП (Сенегал)

СЎЗЛАРИМ СЕНГА, ТОШКЕНТ

Сўзларим сенга, Тошкент.
Кўйларим сенга, Тошкент.
Юрагим сенга, Тошкент!
Юрагимда — оташим,
Юрагимда — гулларим,
Улар сенинг тонгингда
Чаман бўлиб очилмиш.
Бетакрорсан
боғлар маскани
Севиб қолдим табассумингни.
Африканинг қамари мисол.
Юлдуз тўла оқшоминг сенинг,
Ариқларда сувлар шивири,
Нозик,
болаликнинг аллаларидек,
Сабо,
сокин боғнинг навоси,
Мангу шаффоф осмонинг узра,
Узун тунинг,
сенинг таниш тунларинг.
Сен волидам, меҳрибон онам...

Сўзларим сенга, Тошкент,
Кўйларим сенга, Тошкент,
Юрагим сенга, Тошкент!
Қўлинг бер менга,
ўзбек оғайни!
Юрагимнинг оташини ол!
Юрагимнинг гулларини ол!
Қўлингни бер менга,
ўзбек қардошим,
Кўтарайлик битта байроқни!
Куйла, янгроқ куйлагин, ўртоқ!
Сайёрамиз узра
Пролетар гимни янграсин!
Ўзбек ўртоқ,
қўлингни бер менга,

Ер юзида жаннат қурамиз!
Бирга, бирга қурамиз, ўртоқ...
Тепамизда бизларнинг қуёш!
Куйла, янгроқ куйла-да ўртоқ,
Яшасин дўстлик!

Муҳаммад ЮСУФ таржимаси

Асэффа Гэбрэ Мариам ТЭСЭММА
(Эфиопия)

ОЗОДЛИК

Сени тўрт ёндан ғажиб, енгмоққа уриндилар,
Сен эса яшаяпсан—юксаксан бурунгидай.
Сен бир буюк тўлқинсан—кўкка даҳшат солгувчи,
Сен руҳнинг исёнисан—оромларни олгувчи.

Сен жангга кираркансан англаб жароҳатларни,
Сенинг ғолиб нутқларинг енгар жаҳолатларни.
Сенинг меҳринг энг яхши оҳангларни безайдир,
Улар билан ҳадиклар қаерларда кезгайдир!
Улар билан ҳар қандай дард ҳам, алам ҳам жимдир,
Бу нафосат куйидир, бу ором оҳангидир.

Хушомадлар эсганда у қўрқмагай ҳеч қачон,
Номуслар топталганда туролмас бефарқ, бежой.
У синмайди ҳеч қачон, бўйсундирмас қўлини,
Хатар уни кўрганда ўзгартирар йўлини.
Уни енгар на кишан, на зиндонлар захлиги,
На ёввойи тунларнинг зим-зиё бадбахтлиги!
Уни енгиб бўлмайди, у тутқун бўлолмайди.
Озодлик! Сени ҳеч вақт ҳеч ким ўлдиролмайди.

ПУШКИН ҲАЙКАЛИ ҚОШИДА

Мен сенинг қошингга келдим айлаб роз,
Оддий шоир билан сўзлашгин бир оз.

Бизлар бир дарёнинг ўғлонларимиз.
Қондошмиз, томирда исёнларимиз.

Буюк ватанингдан қуйлаб ўтаман,
Сенга нафосатни фидо этаман.

Истайман, шеъринг нинг улуғ жаранги
Байтимга бахш этсин тирик оҳангни.

Ҳаяжоним чексиз, ҳасратим узун,
Менга ўзинг ҳақда гапиргин ўзинг.

Севги, сургун, дард ва армонлар,
Сўнгги йўл, ўлим ва қора осмонлар.

Фақат шеър янграсин, тушунаман мен,
Элга шу азиздир, ишонаман мен!

Сирожиддин САИДОВ таржималари

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари VII конференцияси қатнашчиларидан бир гуруҳи Ўзбекистон пойтахти билан танишмоқдалар.

С. МАҲКАМОВ фотолари

«АФСОНАВИЙ МАМЛАКАТ ЭКАН...»

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг Бош секретари, Халқаро Ленин мукофоти лауреати, Халқаро «Нилуфар» мукофоти лауреати Алекс Ла Гума мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни айтди.

МЕН байрам руҳи билан яшаётган пойтахтингизга рафиқам билан келдим. Рафиқам: «Бу афсонавий мамлакат экан», дейди. Дарҳақиқат, ҳавас қилгулик ватан бу! Инсон туйғулари қадрланадиган ватан бу. Бу ерга яқинда ЮНЕСКО директори Амаду Мохтар М'Боу келиб, юртдошингиз ал-Хоразмий юбилейига қатнашганидан хабарим бор. У меҳмоннавоз шаҳар — Тошкентда ҳам бўлди.

Тошкент — улкан халқаро анжуманлар шаҳри. Бу ерда яна Осиё ва Африканинг тараққийпарвар ёзувчилари йиғилдик. Бизнинг мақсадимиз битта: Ер юзида тинчлик бўлсин, эзгулик барқарор бўлсин, деймиз. Лекин жаҳондаги ёвуз ниятли кишилар ҳамиша ёвуз ниятларини амалга ошириш пайида бўладилар. Бугунги кунда анча мамлакатларда қирғин-барот урушлари бораётгани бунга далил. Аммо биз — тараққийпарвар ёзувчилар бирлашсак, ўз сўзимиз, санъатимиз билан тинчлик ишига катта ҳисса қўшган бўламиз.

Мен Совет Иттифоқи ҳақида китоб ёзганман. Рус тилида нашр этилган. Унда ўз таассуротларимни баён этганман. «Афсонавий мамлакат», деганича бор. Мен Ватанингиз кўркини, Тошкентнинг бугунги жамолини янгича ҳайрат билан кузатмоқдаман.

ALEX LA GUMA

Алекс Ла ГУМА

МЕҲМОНХОНАДАГИ СУРАТ

ҲИКОЯ

Уй ДЕРАЗАСИ арқон тортиб, кир ёйиладиган яланглик томонга очилади. Эшик эса йўлакка олиб чиқади. Мебеллар қўйилган меҳмонхона ёз ойларида ҳам қоронги ва муздек. Тўр пардадан тушиб турган нур яхшилаб артилган курсилар ва буғу терисидан ишланган гиламда жилоланади. Бамбукдан ясалган жавонда рўзғор буюмлари қатори икки тўтининг тулипи ҳам бор. Уй ҳам, ундаги анжомлар ҳам бувимга — бизнинг паноҳгоҳимизга қарашли.

Виктория қироличасига хос бундай оддийлик ва озодалик бувимнинг уйида ҳамиша ҳукмрон. У ўзини жиддий кўрсатишга уринса-да, юмалоқ юзидан ҳамиша самимият ёғилиб турарди. Бувим сочларини битта қилиб турмаклаб оларди.

Меҳмонхонанинг тўридаги зарҳал чорчўпда бобомнинг катта ва хиралашиб кетган сурати осиғлиқ турарди. Унинг сергак кўзлари гўё бизни кузатаётгандек. Оппоқ сочи ялтираб, қалин соқоли оҳорланган ёқасига тегиб турарди. Ана шундай салобатли бобом оламдан ўтганига анча бўлган. Айтишларича, бувим ёшлигида чиройли қиз бўлган. У Кап мустамлакасининг парламент биносида хизматкор бўлиб юрган пайтлари таниқли депутатлардан бири севиб қолган. Лекин бувим шотландиялик дурадгорга розилик беради ва ундан қиз кўради. Уша қиз—менинг онам.

Онам тамаки фабрикасининг ишчиси, отам касаба уюшмаси арбобларидан эди. Мен болалигимдан қўрғошиндан ясалган солдатлар билан «жанг» қилиб, деярли кун бўйи меҳмонхонада, бувимнинг қаровида бўлардим. Бувим (онамдан бошқа ҳаммамиз уни шундай атардик), ўзи хуш кўрмаса-да, мени вижирлайдиган музқаймоқ билан боқарди.

Ўшанда меҳмонхона деворида яна бир сурат осиғлиқ турарди. Қарашлари самимий, бошида оддий матодан тикилган кепка ва эгнида одмигина костюм, бир қўли шиминг чўнтагида. У гўё келажакка ишонч билан боқаётгандек, бир нуқтага тикилган. Ортида эса қандайдир минора худди осиғлик турганга ўхшайди. Бу амакининг бобомдан фарқи шу эдики, оппоқ сочи ва соқолига тегиб турган ёқаси йўқ. Фақат сертук соқоли бўлиб, жуда содда кўринарди.

Мен бу одамнинг кимлигини билмасдим. Лекин сурат меҳмонхонага бекорга осиб қўйилмаганига ақлим етарди. Бунинг устига, уйдагилар унга қандайдир муҳаббат билан қарашарди. Кунларнинг бирида бу амакининг кимлиги, унга эътиқодлари нега бунча баландлигини бувимдан сўрадим.

— Бу суратни сотар олис-олис ўлкалардан, Россиядан олиб келган,—деди ўзининг «тахти» — курсисида ўтирган бувим.

— Жуда керакли одам. Музқаймоқни тўкма, полни ҳозиргина артиб чиқдим!

— Керакли одам, дегани нимаси?! — деб сўраганим эсимда.

— Одамларга яхшилик қиладиган кишини шундай дейишади. Ота-онангдан сўра, улар сенга ҳаммасини яхшилаб тушунтириб берадилар.

Отам аллақандай митингларда қатнашиб, уйда кам бўларди. Шу боисдан онамдан сўрадим. У Ленин рус халқининг турмушини ўзгартиргани, қашшоқлик ва камбағаллиққа барҳам бергани, менинг отам эса Ленининг шогирди эканини айтди.

—Руслар биз томонга келишадими?

— Йўқ, — деди онам. — Лениндан ўрганаётган отанг ва бошқа одамлар мамлакатимиздаги оддий кишиларга келажакнинг ёрқин йўлини кўрсатадилар.

— Вижирлаб турадиган музқаймоқ ўшанда ҳаммага етадиган бўладими?

—Худди шундай! Мўл-кўл бўлади, — деди онам.

Бувимнинг уйида суратдаги ўша оддийгина костюм ва оддий матодан тикилган кепка кийган киши ҳамон келажакка ишонч билан боқиб турарди. Отам инқилобчиларга бош бўлиб митингларда сўзларди. Қўлида қизил байроқ билан қандай қадам ташлагани ҳали ҳам кўз олдимда. Уни кейин қамашди. Қамоқ жазоси тугаб, озодликка чиқадиган куни биз уни кутиб олгани қамоҳхона дарвозаси ёнига бордик. Юзини соқол босиб, ранги аллақандай бўлиб кетганидан дадамни таний олмабман. Фақат соқолини қирдириб, кийимларини алмаштиргач, яна аввалги ҳолатига қайтди.

Уйимизда дадам билан ўртоқлари ўртасида Ленин таълимоти ҳақида гап бориб, доимо тортишувлар бўлиб турарди. Олис юртдаги доно кишининг ғоялари бу ерда, ер юзининг бошқа бир бурчагида мунозараларга сабаб бўлиши ҳақиқатан ҳам ҳайрон қоларли ва ҳаяжонли эди.

Мен улғайиб, мактабни тамомладим. Сурат эса ўша жойида ҳамон осиғлигича турарди. Менинг ҳам митингларга бориш, марш ва намойишларда қатнашиш даврим етди. «Революционер» деган романтик сўз менга жуда ёқарди. Шу боис чарм камзул, Лениннникига ўхшаган кепка сотиб олдим. Кейин комсомолга кирдим. Коммунист бўлиш қанчалик шарафли ва маъсулиятли эканини тушунардим. Отам мени шунга даъват этарди.

Биздан билимга чанқоқ эдик, жинкўчаларда варақа ва брошюралар тарқатардик. Ленин ғояларини одамлар орасида тинмай тарғиб қилардик. Кўп ўтмай комсомол фаоли бўлганим учун Коммунистик партия сафига қабул этилдим.

Мамлакатда миллатчилар ҳокимият тепасига келгач, Компартия қонундан ташқари деб эълон қилинди. Ушанда тенгдошларимдан кўплари ўзларини сиёсий майдондан четга олдилар. Фақат иродаси кучлиларгина танланган йўлларида собит турдилар.

Полициячилар коммунистларни таъқиб қилар, уйларига бостириб кириб, сўроққа олиб кетишарди. Биз китоб ва варақаларни чордоқ ва ертўлаларга яширдик, боғларга кўмдик. Ленин сурати ҳамон меҳмонхонада осиғлиқ турарди. Уйланганимда отамдан тўёна сифатида олган совғаларим орасида ана шу сурат ҳам бор эди. Мен уни янги уйимизнинг тўрига осиб қўйдим. Мени ва хотинимни бир неча марта қамадилар. Бироқ суратга ҳеч ким тегмади. Менингча, портретдаги одам кимлигига полициянинг фаросати етмасди ёки эътибор бершмасди.

Биздан Ватанни тарк этиб, чиқиб кетишимизни талаб қилганларида, энг зарур нарсаларимизнигина олишга тўғри келди. Китоблар, кийим бош ва рўзғор ашёларига қўшиб суратни ҳам бир қутига жойладик.

Мана, ҳозир ҳам отамга 1927 йили, Москвада совға қилинган Ленин сурати меҳмонханамиз деворида осиғлиқ. Ўша сурат, ўша оддий чорчўп, одмигина костюм ва матодан тикилган кепка кийган одам ҳамон келажакка ишонч билан тикилиб турибди. Яқинда тўққиз ёшли ўғлим креслода ўтириб, суратга узоқ ва ўйчан боқиб турди-да, кейин бор овози билан шундай деди;

— Мактабда бизга эркин мавзуда доклад тайёрлаш топширилди. Ҳаёмай навбатим келади.

— Ундай бўлса, қандай мавзуни танладинг? — сўрадим ўғлимдан.

— Ленин ҳақида гапираман, — деди ўғлим.

Жамол ШАРОПОВ таржимаси

Луандино ВИЕЙРА (Ангола)

ҚИП-ҚИЗИЛ АТИРГУЛЛАР

ҲИКОЯ

АЛВИДО, Кинзиньо, алвидо..
Сен тобутда осойишта ётибсан. Кинзиньо, сени ўша ўзинг ғоят ардоқлаган машина ғажиб ташлади...

Ўша, Кинзиньо, ўша, ҳафталардан-ҳафталарга қулоғинг тагида ўзининг бир маромдаги абадий меҳнат қўшиғини айтиб ғўнгиллаган; сен эса жадвал ва циркул ёрдамида бу қўшиқни оппоқ қоғозга қора чизмалар поэмасига айлантиришни орзу қилганинг, худди, ўша машина... Алвидо, Кинзиньо, алвидо...

Кинзиньо, ишчи орзу қилиши мумкин эмас... Унга ҳаёт орзу қилиш учун берилмаган... Бу дунёда ҳамма нарса адабий эмаслиги мутлоқ ҳақиқат. Мавжудлик учун кураш ҳам шундан иборат.

Бироқ, Кинзиньо, сен қалбан ишчи эмас, шоир эдинг... Шоирларни эса машиналарга боғлаб қўймаслик керак.

Энди сен фақирона тобутда ётиб, осойишта маросимни бошлаб бораяпсан... Тобут орқасидан эса сен ҳамиша фақат қувонч бахш этган жуда кўп дўстларинг бошлари эгик, гам-ғуссага тўлган ҳолда бормоқдалар!

Кинзиньо, онанг энди йиғламаяпти, чунки у руҳан кучли... Унинг кўзи олдида неча марта ўғилларини ўлдирдилар. Тўғри, лекин уларнинг ҳеч қайсиси сенингдек қўрқинчли ўлим топмаган эди... Сени эса қуллик асоратига солган, аммо ўзинг ғоят яхши кўрадиган ўша машина тилка-пора қилиб ташлади.

Мен ҳам шу ерда, дўстларинг орасидаман... Бироқ сен биласанки — мен аччиқ кўз ёш тўкмайман! Йўқ! Чунки бундай ўлимлар — келажакдаги озодлик гаровидир. Ҳаётга бошқа одамлар келадилар, машиналар уларни тилка-пора қилолмайдилар. Чунки ўша пайтда машиналар одамларнинг содиқ хизматкорларига айланадилар. Одамлар эса уларни фақат яратиш в қуриш билан шуғулланадилар, холос...

Ва шунда худди сен каби шоирлар машиналарни қуйлай бошлайдилар. Чунки машиналар озодлик қуролига айланадилар. Улар қора тушда оппоқ қоғоз узра машина пайдо бўлганга қадар куйлайверадилар...

Шунинг учун ҳам мен аччиқ кўз ёш тўкиб йиғламайман, йўқ. Табиийки, мен оқ танликлар орасида сенга дўст бўлган ягона одам эмасман — бошқаларнинг эса кўмиш маросимига келишга юраги дов бермаган, албатта. Мен сенга қизил атиргуллар келтирдим. Бу бизлар денгиз қирғоқларида учрашганларимиздаги ёки кенг кўрфазда, Луанда кўрфазимизда, қайиқда сузиб юрган пайтларимиздаги қалбан ҳис қилганим менга нисбатан самимий ва беғубор муносабатларингга эъзозим белгисидир.

Кинзиньо, бир куни бизлар кўрфаздан сузиб ўтаётганимизда океанда бўрон турганини эслайсанми? Ўшанда сен синовчан кўзларинг билан зулмат қўйнидаги хавф-хатарни олдидан пайқаб, мени огоҳлантирган эдинг. Кейин қирғоққа омон-эсон етиб олганимиздан сўнг уйга кетаётганимизда сен менга машиналар, уларнинг чизмаларига бўлган муҳаббатинг ҳақида сўзлаб бергандинг...

Алвидо, Кинзиньо, алвидо...

Онанг тобут орқасидан ғам-аламдан эзилиб бормоқда. У мотам либосида қўрқув билан юзлари тошдек қотган ҳолда бораркан, ўлгинларини эсламоқда... Энди у бутунлай ёлғиз қолди. У сенинг ҳамиша қувончдан чанақаб туришларингни хотирламоқда...

Кинзиньо, сен ҳақиқий шоир эдинг, меҳнат шоири. Ва ҳаётингни бу тиним билмас қайналарга ҳамда машиналарга бўлган меҳр-муҳаббатинг туфайли қурбон қилдинг.

Онанг тобутинг орқасидан бораётиб, сенинг уйга ишдан кейин ҳорғин ва чарчоқ, аммо ҳамиша кўзларинг ёниб кириб келишларингни хотирламоқда.

Мен эса, шўрлик дўстим, якшанба кунлари пляжда, тоза кўйлак кийиб, сувда тўлиб турганча сузишга ўрганаётган қизларни, кема ва сув чанғиларини ушлаб турганларини... Ва Терезага аҳён-аҳёнда тортинчоқлик билан қарашларингни... Ҳа, тишлари оппоқ, қақилдоқ Терезани ҳам эслаяпман... Ва сен ўлдинг, Кинзиньо...

Сени даҳшатли ўлим комига олди.

Қайиқ ўраб кетди сени... Унинг чангдан жигарранг тусга кирган узун қўллари аъзойи баданингни маҳкам чангаллади. Мотор маховиги эса сенинг бош суягингни синдирди. Сен заиф, пар сингари енгил эдинг. Ва сен машина пар каби айлантирарди.

Сенинг катта очилган кўзларингдан, қонга бўялган юзингдан ўзинг муҳаббат қўйган темирни кечирганинг англашилиб турарди. Бироқ, сенинг ўлиминг уни тўхтатолмади. Сен унга бағишлаб достон яратаётган боши урилганда, у салгина тутилиб қолди. Одамлар сени чиқариб олиш учун уни тўхтатдилар. Кейин эса у ўзининг меҳнат қўшиғини кулгаб яна айлана бошлади. Сенинг ўлиминг ўзича ана шундай ҳурматлади.

Машинанинг жигарранг қўллари қип-қизил қонга бўялди... Қип-қизил, менинг сен — ўзининг бирорта ҳам фикрини амалга оширишга эришиб улгурмаган шоир, меҳнат шоирига илк ҳурматим сифатида олиб келган атиргулларим сингари.

Қип-қизил атиргуллар сенга, Кинзиньо!

Камол МАТЕҚУБОВ таржимаси

Ҳикоя қисқартириб эълон қилинмоқда

Vive le progrès social des peuples! Vive la liberté des peuples!

ДИЛКАШ СУҲБАТЛАР

МУХБИР. Ҳурматли Абдулла ака! Дилкаш суҳбатимизни ҳозирги замон ўзбек адабиётидан, шеъриятидан бошласак.

Абдулла ОРИПОВ. Халқ оғзаки ижодида: «Айтсам — ўлдирурлар, айтмасам — ўлам» деган қадимий ибора бор. Ушбу суҳбатга қўшилишдан аввал мен шундай андишага бордим. Аммо бир гуруҳ қадрдон дўстларимиз: озми-кўпми шеъриятда хизмат қилиб юрган экансиз, унга ўз муносабатингизни баён қилинг, дейиши табиий. Мен китобхон сифатида дид ва савиям даражасида баъзи гапларни айтишим мумкин.

Менинг биринчи таассуротим шундан иборатки, бугунги адабиётимиз кўрки ва салмоғи — халқимизнинг тарих саҳнасида тутиб турган ижтимоий-сиёсий мавқеига яраша. Балки, ёмби истеъдодлар буюк бадиий савияларини келажакда намойиш этарлар. Ҳозирча, мен адабиётимиздаги юксак ижтимоий-сиёсий равнақни эътироф этаман. Бу эса катта бир халқ адабиёти учун ҳазилакам ютуқ эмас.

Ўзбек совет адабиётининг кўпгина классикларида ижтимоий-сиёсий идрок ва бадиий етуклик уйғунлашиб кетган эди. Масалан, Ойбек романларини олинг. Мен Ойбек мактабида тарбия кўрганман, бошқа муаллифларни баҳолашда ўша нуқтаи назардан келиб чиқаман. Бу — кўринган ҳар бир ёзувчидан Ойбекни ахтариш деган эмас. Исбот талаб килмайдиган гап шуки, табиат сингари адабиёт ҳам ҳамиша янгиланиб боради. Лекин у ўзининг асосий принципларини сақлаб колади. Хўш, Қодирий ва Ойбек давридан буён роман қурилишида қандай ўзгаришлар юз берди? Шекспир давридан буён, режиссёрлар минг хил мақомга солиб кўришмасин, саҳна қоидаларида қандай ўзгаришлар содир бўлди? Шеъриятда-чи? Унинг ҳам муроду мақсади Инсон боласига хизмат қилиш экан, унда нималар юз берди? Суҳбатимиз мана шу жойга етганда, жиндак баҳсли тус олиши мумкин. Адабиётнинг вазифаси —«На месте шагом марш!» эмас, «Олга!». Фақат битта умумий қоида бор: келаётган янги-янги авлодлар ўзигача бўлган меросни ўта маданиятсизларча топтамасинлар! Маяковский янги оҳангларни иқилобий руҳ билан олиб кирганда ҳам, ҳамиша Пушкинга мурожаат қилиб, унга ҳисоб берган. Ўшандай лирик шеърларни Маяковский ҳам ёзиши мумкин эди. Лекин давр янгича шиддатни, янгича садоларни талаб қиларди. Пушкин декабристларнинг дўсти эди. Шундай ифодалаш мумкинки, 1917 йилга келиб, декабристлар — инқилобчиларга, Пушкин эса —Маяковскийга айланди.

Айрим ёшлар, Ғафур Ғулом кўнглини кенг очиб ёзмаган, деган маънода гаплар қилишади. Ҳолбуки, у жуда мураккаб даврда яшади. Шеър унинг қўлида бир сехрли таёқча эди. Шу таёқча билан у ноғора чалиши ҳам мумкин эди, жаҳонни уйғотиши ҳам мумкин эди. Лекин Давр шуни тақозо этдики, у фақат жаҳонни уйғотди. Шеър — Давр фарзанди дегани шу. Шеъриятнинг ҳам умумий принциплари ўзгармасдир.

М. Китобхонларнинг савияси тўғрисида нималар дея оласиз?

А. О. Биз адабиётимиздаги «ура-ура»чиликдан, схематизмдан бир мунча қутулдик. Лекин ўқувчиларнинг савияси ҳануз чатоқ. Ҳамон офаринбозлик, таги йўқ гапларга эҳтиром китобхонларимизнинг дидини эгаллаб турганидан жуда хафаман. «Сўнгги уруш» деган шеърим чиққач, менга бир хат келди. «Сиз нега бунча ваҳима қиласиз?». деб ёзибди муаллиф. Ахир, ҳозирги пайтда фақат бизнинг мамлакатимиз эмас, балки бутун Ер шари — Она заминимиз қалтис бир вазиятда турибди-ку! Ядро қуролларини чеклаш, нейтрон бомбасини йўқотиш, мудҳиш урушга йўл қўймаслик ҳақида газеталарда ёзиляпти-ку! Ҳалигидек гаплар мавжуд аҳволни англамасликдан келиб чиқади.

Инсоний туйғуларга садоқат, Ҳаёт билан Ўлим орасидаги беҳад кенг ва ўткинчи вақтга муносабат, шундан келиб чиқадиган бағрикенглик ва шафқатсизлик, фақат ўзингнинг эмас, балки дўстингнинг ҳам душманига муросасиз бўлиш, улуғ халқингга ҳурмат ва хизмат — булар ижодкорга қўйиладиган талаблар. Баъзан учрашувларда юракни тирнайдиган саволлар тушади. Менинг назаримда, ҳар бир инсон ўзича бир Ватан. Унинг чегарасини бузиб кираверишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Инсон қалби билан ҳазиллашмаслик керак. Мен бу фикрни бир шеъримда баҳоли қудрат ифода қилганман.

Китобхоннинг савиясини тарбиялаш осон эмас. Аммо мен шу билан боғлиқ айрим муҳим ишларни айтиб ўтайин. Мактабларда ва олий ўқув юртларида эски ўзбек тилини, имлосини ўргатишни қатъий йўлга қўймоқ лозим. Шунингдек, рус тилини, чет тилларни ўқитишни янада яхшилаш керак. Бу — ҳар бир инсоннинг ўз-ўзини таниши учун ҳам зарур.

Ўқувчи савиясини юксалтиришда танқидчиликнинг хизмати катта. Мен танқидчилардан зада бўлган одам эмасман. Уларга хамиша рахмат айтаман. Лекин, афсуски, уларда ҳам баъзан профессионал таҳлил бир четда қолиб, ижодкорни хижолатга қўядиган қиёслаш, талантни ўлчовга солиш, «бухгалтерлик» қилиш ҳоллари учраб туради.

М. Севги ва садоқат мавзусига муносабатингиз шеъларингиздан маълум. Аммо айримлар, муҳаббат деб, садоқат деб, ёшликни хазон қилмаслик керак, дейишади. Бунга сиз нима дейсиз?

А. О. Агар севги ва садоқат мавзуи бундай айнан тушунилса эди, ўзбек адабиётида, умуман, жаҳон адабиётида кўплаб шоҳ асарлар яратилмас эди. Бундай енгил-елпи қаралса эди, Лайли Мажнунга қараб: «Мени кечиргин, Мажнунжон, мен умримни хазон қилмаслигим керак экан, фарзанд-марзанд кўришим керак экан», деб айтган бўлар эди. Ёки устоз Миртемир садоқатли бир бевага қараб:

Сенсиз Ўзбекистон —
Ўзбекистонмас,
Сенсиз кенг жаҳон ҳам—
сира жаҳонмас,
Тошбу!—
деб ёзмаган бўлар эди.

Хўш, садоқатни шундай англаб, уруш пайтида айрим ночор бевалар билан мулоқотда бўлган бригадир ёки раиснинг жирканч ишини оқлашимиз керакми?! Қолаверса, Улуғ Ватан уруши даврида ўз ёрини зор-зор кутган ва умрбод содиқ қолган ўнлаб аёлларнинг бўлганлиги бизнинг ихтиёримиздан ташқаридаги фактку?

Юқоридагидек қараш — муҳаббат ва садоқатга, инсоннинг олий туйғуларига нисбатан беписандликдир.

М. Абдулла ака! Шеъриятда «дард» деган сўз кўп ишлатилади. Сиз бу сўзни қандай англайсиз? Умуман, дард деганда нимани тушунасиз?

А. О. Ҳар кимнинг ўз дарди бор, дейди халқимиз. Дард — оғриқ деган маъноДан ташқари, яна истак, хоҳиш, армон, мурод-мақсад деган маъноларда ҳам ишлатилади. «Дардингни айта қол», дейишади йиғлаётган болага. Мана бундай мисоллар ҳам келтириш мумкин: «Савдогарнинг дарди—пул», «Пулдорнинг дарди — маишат», «Темирчининг дарди—кўмир»...

Арз, ҳасрат, айтиладиган гап деган маънода ҳам келади: «Дард кўп, ҳамдард йўқ», деб ёзади Нозим Ҳикмат.

Ижодкор умуминсоний дардни шахсий дарддек қабул қилиши ёки шахсий дардини умуминсоний дард даражасига кўтариши лозим. Машраб Бобоев: «Ўзбекистон, она юртим, дардингни олай», деб ёзади. Ёки Ўлжас Сулаймонов: «Айланавер, айланайин сендан, она-Ер... Дардингни олай», дейди. Халқ, Ватан, она-Ер дардини олиш — шоирнинг дарди мана шу!

М. Шеър аҳли ичида, мен насрни яхши тушунмайман, шоир кўпроқ шеърий асарларни ўқиши керак, дегувчилар учраб туради...

А. О. Насрни, мусиқани, умуман, санъатни кенг тушунмайдиган ёхуд тушунишни истамайдиган шоирни, агар у ўзини шоир деб ҳисобласа, мен нормал одам деб ҳисобламайман. Нега? Ҳатто бадният кимсалар ҳам (дейлик, нопок йўл билан мол орттирган ўғрилар ҳам), ўз ўлжасини табиат бағрида, улфатлар орасида талон-торож қилади. Яъни, бирор кўл бўйида ёки чинор тагида ҳаловат топади. Унинг қилган иши билан борган жойи орасида ер билан осмонча фарқ бор. У ваҳший ҳайвондан фарқли ўлароқ, ўз хатти-ҳаракатини оқибат гўзал нуқталарга буради. Бу жуда муҳим ҳақиқатдир. Шундай экан, санъатни тушунмаган, унга интилмаган шоирни қандай оқлаш мумкин?

М. Шоирларнинг шеъриятга наср хусусиятларини олиб кириш тажрибасига қандай қарайсиз?

А. О. Омон Матжон, Рауф Парфи, Усмон Азим изланишларидаги каби, бу ишлар эплаб қилинаётган бўлса, табиий ҳол деб қарайман Чунки наср хусусиятлари (ёки саж) халқимиз достонларида қадимдан бор.

М. Сизнингча, насрий асарлар қандай бўлиши керак?

А. О. Ўнг қўл билан ўнг қулоқни, чап қўл билан чап қулоқни ушлаш керак, шекилли. Наср, менинг назаримда, ҳаётга бевосита муносабатда бўлади. Бешафқат наср дегани шундан келиб чиққан бўлса керак.

Мен насрда муаллифнинг дирижёр бўлишини эътироф қилмайман. Наср насиҳатни кўтармайди: халқ қандай гапирса, шундай гапириш керак. Шолохов, Қодирий, Ойбек, Қаҳҳор шу жиҳати билан халққа ёқади. Айрим ёзувчиларимиз ижобий қаҳрамоннинг кайфиятига қўшилиб, салбий қаҳрамонни сўкиб кетади. Муаллиф холис бўлиши керак. Шукур Холмирзаев ижодида бошда шу яхши хусусият бор эди. Насрга қандай юк ортиш керак, назмга қандай юк ортиш керак —буни Асқад Мухтор яхши эгаллаган. Муаллиф қаҳрамонни ёмон кўрса, унга ёмон номлар қўймаслиги керак. Чунки ёмон одам онасидан ёмон бўлиб туғилмайди-ку? Отаонаси бошда унга ҳам яхши номлар қўйган бўлади. Ҳақконийлик шуни талаб этади. Йўқса, ўқувчи унинг номига қараб, салбий қаҳрамон эканлигини, бундан кейинги қилмишлари салбий бўлишини сезиб қолади.

М. Гоголь ўз қаҳрамонларига салбий номлар қўйган-ку?

А. О. Сатирик асарда кўплаб салбий қаҳрамонларнинг алоҳида хусусиятларини очиш учун шундай қилиш мумкин.

М. Сиз ҳасад тўғрисида доим қуйиниб ёзгансиз. Ҳасадгўйларнинг шеърий карикатурасини боплаб чизгансиз. Лекин мен ижобий маънодаги ҳасад тўғрисида сўрамоқчиман: улуғ шоирларнинг асарларини ўқиганингизда ёки таржима қилганингизда, сизда уларга нисбатан ҳасад туйғуси пайдо бўлганми?

А. О. Менингча, ҳасаднинг ижобий маъноси йўқ. У доим қора рангда ёзилган. Ўз истеъдодини, даражасини яхши фаҳмлаган одамда бу туйғу бўлмайди.

Улуғ шоирларни ўқиганимда, менда уларга нисбатан ҳасад эмас, кўпроқ ҳайрат туйғуси бўлган. Данте «Илоҳий комедия»да ҳаётни шундай тадқиқ этганки, уни таржима қилаётганимда шоир эсимдан чиқиб кетиб, мен билан фикрдош эканига суюнганман.

М. Халқ оғзаки ижоди хусусида, бахши-шоирлар тўғрисида нималар дея оласиз?

А. О. Мен нима дейишим мумкин? Ҳозир Алпомишнинг борлигига биров ишонмайди. Лекин турли ёлғоняшиқлар яшаб турганда, нега мард, ҳалол, танти Алпомиш яшамаслиги керак?! Биз Регистонни кўриб қанчалик ҳайратга тушсак, бахши-шоирлардан ҳам шунчалик ҳайратга тушамиз. Улар ҳам қадим замонлардан келаётирлар.

Халқ оғзаки ижодида баён ишонтирмаслиги мумкин, лекин **хулоса** ишонтиради. Унда миллатлар талашмайдилар, фақат умуминсоний туйғулар улуғланади. Халқ оғзаки ижодига беписандлик адабиётдан йироқликдир. Ҳатто айрим ёшлар тақлид қилаётган Гарсиа Лорка шеърлари ҳам испан халқ оғзаки ижоди таъсирида, оҳангларида ёзилган.

М. Ёшлар шеърияти тўғрисида гапириб берсангиз?

А. О. Ҳозирги ёшлар ҳазилакам адабиётнинг меросхўри эмас. Улар шеъриятмаскани — Шарқда яшаётирлар. Мен шеърхон сифатида шоирдан бир нарсани талаб қиламан: мазмунда — ҳаётийлик, шаклда санъат бўлсин. «Шу санъат ўзингда борми?», деб сўрашлари мумкин. Балки, йўқдир. Лекин бу — менинг истагим, армоним.

Бир гуруҳ ёшлар адабиётга гуриллаб кираётир. Уларнинг изланишлари, ютуқларидан қувонаман. Аммо улар ижодида сунъийлик ва сўзга эътиборсизликни кўп учратаман. Қуруқ бақириқларнинг, шалдир-шулдир гапларнинг кимга кераклиги бор? Шунингдек, шеърни крассвордга ҳам айлантирмаслик керак. Маяковский кўпчилик тушунадиган сўзларни, ўзи айтганидек, оддий суҳбат тилини шеъриятга олиб кирди. Бир сўз шеър учун чиройли бўлиши мумкин. Лекин халқ учунчи? Халқ иборалари шеърда яшаб қолиши керак-ку?...

Ёш шоирлар оқ шеър ёзадими, «кўк» шеър ёзадими, бешлик ёзадими, олтилик ёзадими — ихтиёр ўзида. Фақат уқувсизликни услуб деб билмасинлар. Яна бир нарсани унутмаслик лозим: умр қисқа, уни тажрибалар учунгина исроф қилиб қўймаслик керак.

Мен бир хотирамни айтиб берайин. Донецк шаҳрида 500 метр чуқурликка—шахтага тушдик. Шахта раҳбарларидан бири бир темир эшик ёнига келди-да: «Буни сизларга кўрсатмокчи эмас эдим, лекин ёзувчи экансизлар —кўриб қўйинглар», деб эшикни очди. Ҳайҳотки, торгина хонада гўдакларнинг ўйинчоқлари, кўғирчоқлари, чориқчалари ва ... суякчалари ётар эди. Уруш даврида фашистлар болаларни қамаб кетган эканлар... Мана сизга шеъриятнинг дарди. Бундай ҳодисалар қошида унинг майда бўлишга ҳаққи йўқ.

Мен янги китобимнинг номини «Йиллар армони» деб қўйдим. Корректурасини ўқиш жараёнида шундай хижолат бўлдимки, қани энди, илож бўлса-ю, кўплаб шеърни қайта ёзсам. «Йиллар армони» ишланмаган мисраларнинг, ўхшамаган қофияларнинг ва... ёзилмаган шеърларнинг армони ҳамдир.

М. Абдулла ака, шу кунларда «Кузак шамоллари эсдилар яна...» деган сатрингиз тез-тез ёдга тушаверади. Мана шу куз манзарасига мос бирор шеърингиздан парча ўқиб беролмайсизми...

А. О.

... Шабнам шовуллайди
боғлар қўйнида,
Салқин туман ичра
бўзарар тонглар.
Қуёшнинг эринчак
ёғдуларида
Нафис ялтирайди барги
хазонлар.
Ҳар ёнда тўкинлик...
Куздан нишона...
Ҳар ёнда гўзаллик
ёймиш дафтарин.
Сонсиз эгатларга
сочилмиш, ана,
Менинг шодликларим,
эзгу дардларим, —
Менинг она халқим...

Суҳбатни Мирза КЕНЖАБОЕВ олиб борди

Маъруф НАЗАРОВ

ДОЛЗАРБ КУНЛАР

Ўзбекистонда олти миллион тонна учун курашнинг долзарб кунлари бошланди. Пахта терими тобора қизғин тус олмоқда. Мавсум икки зарбдор куч — минг-минглаб теримчилар, сон-саноқсиз машиналарни чорлаяпти. Лекин бу кам. Яна бир эўр куч борки, бу — ҳашарчилардир.

Ўзбекистонда ҳамма пахтакор. Демак, ҳамма баравар оёққа қалқмоғи, ўзини пахтакор, пахтазорни синов майдони деб билмоғи керак. Бундай дейишимизнинг яна бир боиси бор. Ҳосил кутилгандан мўл бўлди. Уни тез, эртароқ саранжом-саришталаб олмоқ даркор. Давлатимиз берган маблаг, ўғитлар, техника ва бошқа имтиёзлар қайтимини қайтариш ҳам кўп жиҳатдан ва асосан йиғим-теримни нечоғли барвақт тугаллашимизга, план ва мажбуриятларни тўла ва ортиғи билан бажаришимизга боғлиқ.

Ҳосил юқори бўлди, деяпмиз. Ҳақиқатда шундай. Чўғи олти миллион тоннадан ошади. Бунинг устига бултургидан роса ўн беш кун эрта пишди. Ҳар ёнда оппоқ пайкаллар... Салмоғини қўяверинг: чаноқлардаги дурдона тарози палласига қўйилди дегунча шайинни ўйнатади. Юқорида айтганимиздек, терим тобора қизғин тус оляпти. Илгор колхозлар, совхозлар ҳали машина терими бошланмай туриб кунига йиллик планнинг икки ярим-уч проценти миқдорида «оқ олтин» тошширишяпти.

Лекин катта хазинанинг эндигина эшиги очиляпти. Пахтанинг асосий қисми чаноқларда турибди. Халқимизда «Чаноқлардагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб» деган нақл бор. Шуни ҳам айтиб ўтмоқчимиз: давр талаби нақлга ўзгариш киритди. Энди «Чаноқдагиси эмас, хирмондагиси ҳам эмас, заводдагиси ҳисоб: Ҳа, давлат пахта тозалаш заводидагиси ҳисоб! Хирмонга тўкилган пахта ифлосланади, ҳусни бузилади, сортига раҳна тушади. Илгари «Қандай бўлмасин, план бажарилса бас» дейиларди. Энди бу фикр эскирди. Планни бажариш —қонун! Мажбуриятни адо этиш бурч! Бироқ, план ҳам, мажбурият ҳам фақат тоза, толаси нур сочадиган момиқ пахта ҳисобига бажарилиши керак. Бунинг ягона йўли дала- бункер-тележка- завод усулидир. Пахтакорларимиз, айникса, ҳадемай уларга кўмакка отланадиган ёрдамчилар мавсум охиригача ана шу акидага тўла амал қилмоқлари даркор.

Бугунги шиоримиз, амалий ишимиз, вазифамиз битта — теримда суръатни дақиқалар сайин кўтаришдан, кўп ва фақат аъло нав дурдона тайёрлашдан, она Ватан хазинасига гард юқтирмай топширишдан иборатдир.

Олот район. Навоий номидаги колхознинг чевар теримчиларидан Ҳамроғул Абдиева билан Замира Ҳотамоваларнинг номи дастлабки кунларданоқ эл оғзига тушиб қолди. Сабаби, уларнинг ҳар бир кунига 250—260 килограммдан пахта теряпти. Теримчи 100 килограмм пахта териш учун камида 20 минг чаноққа қўл урмоғи даркор. Икки юз ёки икки юз эллик килограмм терсачи? Кундалик маррани уч юз килограммга етказсачи? Ҳисоблаб кўринг, ҳурматли газетхон! Жуда оғир, лекин шарафли вазифа! Халқ бахт-саодати, Ватан истиқболи шунга чорлаяпти. Бугун теримга зўр бермасак, эртага роҳатини кўрамиз.

Биз теримчилар ҳақида гап юритдик. Сабаби, улар республикамизда тайёрланадиган 6 миллион тонна «оқ олтин»нинг 2 миллион тоннасини териб беришга даъват этилганлар. 4 миллион тоннасини машина терими бошланишини тоқатсизлик билан кутаётган азамат механик- ҳайдовчиларимиз саранжом-саришталайдилар. Бугун пахта майдонининг байроқдорлари —ҳормас-толмас теримчилар. Уларга ўз зиммаларига олган юқсак мажбуриятларини бажаришларида муваффақиятлар тилаймиз.

ИНСОН ҚАЛБИ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ...

ҲАР ЮРАК ҲАМДАМ

Гўзал таржимондир зангори оқшом,
Ҳар юрак ҳамдам.
Бизнинг мушоира этади давом,
Дўстим, кел сен ҳам!
Мана мусиқадай, севгидай майин,
Даврага киради Панжоб булбули.
Нафис сатрлари ёниқ ўтдайин,
Жасур жаранглайди оналик дили...

Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг машҳур «Мушоира»сидаги ушбу сатрларда «Панжоб булбули» Амрита Притам мадҳ этилади.

Мен «Радуга» нашриётининг йўлланмаси билан Ҳиндистон Республикасига уч ойлик командировкага борганимда, у киши билан учрашишга муяссар бўлдим. Жайпур шаҳрида бўлиб ўтадиган тараққийпарвар ёзувчиларнинг Умумҳиндистон конференциясида қатнашиш учун келган совет ёзувчилари делегациясининг бошлиги Феликс Кузнецов учрашганимизда: «Бугун биз Амрита Притамнинг уйига бормоқчимиз. Агар вақтингиз бўлса, бизга ҳамроҳлик қилиб, у киши билан сўзлашувимизга ёрдамлашсангиз», деди. Мен бажонидил рози бўлдим. Ёзувчиларимиз берган саволларга жавоб берар экан, Амрита Притам Совет Иттифоқида, хусусан, Тошкентда бўлган кунларини мамнуният билан эслади.

Ҳиндистонда Эркин Воҳидовнинг «Муҳаббат», Абдулла Ориповнинг «Юзма юз» мажмуаларидан айрим шеърларни танлаб, деҳлилик шоирлар Ажмал Ажмалий ва Саман Сарҳадий билан ҳамкорликда таржима қилдик.

Эркин Воҳидовнинг «Руҳлар исёни» достонининг насрий таржимасини Ҳиндистонга кетишдан анча илгари, Тошкентда тугаллаб қўйган эдим. Деҳлига боргач, мен уни Совет элчихонаси томонидан урду тилида чиқазиладиган «Совият дес» («Советлар мамлакати») журнали редакциясига топширдим. Шоир Ажмал Ажмалий ҳам шу редакцияда ишлайди, достон у кишига жуда ёқди. Яқин келажакда «Руҳлар исёни» достони ана шу журналда чоп этилади.

Эркин Воҳидов «Барча шодлик сенга бўлсин, бор ситам, зорлик менга...» деб аталувчи ғазалини биз Саман Сарҳадий билан биргаликда таржима қилиб, «Мирут Мела» газетасида чоп эттирдик. Бу газета Деҳлидан чамаси қирқ километр масофада жойлашган Мирут шаҳрида нашр этилади. Газета бош редактори жаноб Азхарул-Исломнинг кейинчалик менга ёзган хатида жумладан бундай дейилади: «Шоир Эркиннинг биргина ғазали ўзбек шеъриятининг бутун гўзаллигини газетхонларимиз кўз олдида намоён қилди. Ўзбеклар ва Совет Иттифоқида яшовчи бошқа халқларнинг миллий маданияти ва анъаналари руслларнинг тазйиқи остида йўқ бўлиб боряпти, деган ёлғон тушунчага берилган кишилар ҳам миллий шеърият анъаналари ўз ўрнида сақланибгина қолмай, гуллаб-яшнаётганининг шоҳиди бўлдилар».

Абдулла Ориповнинг «Ҳолат», «Иҳҳор», «Милтирайди бир митти юлдуз», «У куйлади ёр шаънига маст», Ҳалима Худойбердиеванинг «Сойда янги қиличдай ой порлаётибди», «Бургут», «Муҳаббат» шеърларининг урдуча таржималари ҳам «Мирут Мела» газетасининг саҳифаларидан ўрин олди.

Ҳиндистондан қайтгандан кейин ҳам мен ҳинд шоирлари билан ҳамкорликни давом эттирмоқдаман. Яқинда Ҳамид Олимжоннинг «Водийларни яёв кезганда», «Россия», «Энг гуллаган ёшлик чоғимда», «Жангчи Турсун» шеърларининг, шунингдек, Нормурод Нарзулларев ва Барот Бойқобилов ижодидан бир неча намуналарнинг насрий таржимасини Саман Сарҳадийга жўнатдим.

Менинг энг катта орзуим —урду тилида ҳазрати Навоийдан тортиб, айтайлик, Рауф Парфигача бўлган даврни ўз ичига қамраб олувчи ўзбек шеърияти антологиясини яратишга ўз ҳиссамни қўшишдир. Бу орзу қанчалик реаллигини вақт кўрсатади. Гўзалликка интилувчан, юксак дидли ҳинд халқини ўзбек совет маданияти билан таништиришни биз, ўзбек ҳиндшунослари, ўз муқаддас бурчимиз деб биламиз.

Шароф МИРЗАЕВ,
«Радуга» нашриётининг
Тошкент бўлими редактори



ДУШАН ҚАЙСАР ТУРЛИ ТИЛЛАРДА

Ўзбекистон адибларининг асарларини рус тили, қардош халқлар, жаҳон халқларининг тилларига таржима қилиш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Таниқли ўзбек совет ёзувчиси Темур Пўлатовнинг асарларига қизиқиш катта. Ёзувчининг «Душан қайсарнинг бошидан кечирганлари» романи 1983 йилда ГДРда «Фолк унд вельт» нашриётида (таржимон Ганс Кубарт) босиб чиқарилди. Худди шу асарни Чехословакиянинг «Млада фронт» нашриёти ҳам чех тилида (таржимон Ярмила Фромкова) босмадан чиқарди.

Адибнинг ушбу асарини Москвадаги «Радуга» нашриёти ҳам инглиз китобхонлари учун (таржимон Дадли Хаген) туҳфа этди. Шу нашриёт бундан илгари ёзувчининг «Болалар хори» асарини араб тилида чиқарган эди.



«Ўзбекистон» нашриёти Тошкентнинг 2000 йиллик тўйига муносиб армуғон ҳозирлади. «Тошкент 2000» деб номланган бу рангли фотоальбом пойтахтнинг тарихи ва бугуни хусусида ҳикоя қилади. СУРАТЛАРДА: ушбу альбомдан фотонусхалар.

Por la paz, el progreso social y la libertad de los pueblos!

В. И. ЛЕНИННИНГ «ЛЕВ ТОЛСТОЙ — РУС РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ КЎЗГУСИ» АСАРИ ЯРАТИЛГАНИГА 75 ЙИЛ ТЎЛДИ

РУС РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ КЎЗГУСИ

1908 йилда Россия ўз буюк фарзанди Лев Толстой туғилганлигининг саксон йиллигини нишонлади. Шу муносабат билан Россиянинг очиқ матбуоти саҳифаларида, хорижий мамлакатлар матбуотида Толстой ижодиёти, Толстой таълимотига бағишланган жуда кўп рисола ҳамда мақолалар майдонга келди. Уларнинг кўпчилигида Толстой асарлари ва Толстой таълимотининг моҳияти бутунлай бузиб кўрсатилди.

Мана шундай бир шароитда В. И. Ленин жаҳон ва аввало, рус социал-демократик ҳаракатининг мақсадлари ва туб манфаатлари нуқтаи назаридан улуғ адиб ижодиётининг асл моҳияти, Толстой илгари сурган ва тарғиб қилган ғояларнинг аҳамияти, 1905 йил деҳқон революциясида тутган ўрни ва яна қатор жуда муҳим масалалар тўғрисида йўналиш берувчи мақола билан чиқишни ғоят зарур деб топди.

Толстойнинг саксон йиллиги муносабати билан расмий чор ва либерал матбуоти шунчалар кўп мақолалар эълон қилган бўлишига қарамасдан, уларнинг биронтасида ҳам Толстой асарларини рус революциясининг характери ва унинг ҳаракатлантирувчи кучлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинмаган, бунга ҳатто интилиш ҳам бўлмаган эди.

В. И. Ленин Толстой ҳақида чиққан мақолаларни диққат билан кузатаркан, уларнинг бари мунофиқлик ва сохтагарчилик билан тўлиб-тошиб ётганлигига алоҳида эътибор берди. Толстойнинг номи «худо изловчи буюк шахс», «инсоният виждони» деганга ўхшаш сафсаталар билан ўраб-чирмаб ташланмоқда эди. В. И. Ленин чор матбуотининг бундай сохтагарчилигини кескин тарзда фош қилди. Унинг марксистик илмий-танқидий тафаккур оламида буюк бурилиш ясаган «Лев Толстой — рус революциясининг кўзгуси» деган машҳур асари — марксистик толстойшуносликнинг улуғ дебочаси— мана шундай дунёга келди. Мақола биринчи марта 1908 йилда яширин суратда чиқадиган «Пролетарий» газетасида эълон қилинди.

В. И. Ленин ўз мақоласида чор матбуоти ва унинг сотқин публицистлари Толстойга нисбатан нима учун мунофиқлик ва сохтагарчилик қилаётганлигининг туб сабабларини ўткир нигоҳ билан илғаб олди. Масалага кескин суратда ленинча равшанлик киритди.

Рус либераллари Толстойнинг худосига ҳам ишонмайдилар, унинг чор ҳукуматини қаттиқ танқид қилишини ҳам хуш кўрмайдилар, деб ёзди Ленин.

Ижтимоий тафаккур тарихида биринчи бўлиб Ленин бутун эътиборни Толстой ижоди ва таълимотининг қарама-қаршиликларига қаратди ва ҳаммадан ҳам муҳими, бу қарама-қаршиликларнинг асли ўзи нималардан иборат эканлигини, уларнинг туб келиб чиқиш сабаблари, тарихий илдизларини беҳад теран кўрсатди. Толстой ўз асарларида, бир томондан капиталистик эксплуатациянинг бутун даҳшатларини шафқатсиз танқид қилди. Давлат идораларининг, расмий маҳкамаларнинг ақл бовар қилмас чиркинликларини, деҳқонлар бошига тушаётган сўнгсиз азоб-уқубатларни аёвсиз реализм билан очиб ташлади. Шу билан бирга Толстой ўз ақидаларида худо изловчилик, «дарвишлик» йўлидан борди. Ўз шахсини камолга етказиш устида қайғурди, ёвузликларга қарши зўрлик билан қарши турмаслик таълимотини илгари сурди. Инсониятни разолатдан қутқаришнинг хаёлий рецептларини ўйлаб топишга зўр берди. Буюк адибнинг золимга қарши зўравонлик ишлатмаслик ҳақидаги таълимоти жаҳонда ва Россияда толстойчилик ҳаракатини юзага келтирди. У Толстой таълимотидаги энг заиф қарашларга асосланганлиги учун ҳам кўп ўтмай ижтимоий ҳаракатлар саҳнасида кулгили бир аҳволга тушиб қолди.

В. И. Ленин Толстой шахсига ва унинг қарашлари моҳиятига энг тўғри баҳо берилди. «Россияда буржуа революцияси олдидан миллионларча рус деҳқонларида содир бўлган идеялар ва кайфиятларни ифода қилувчи сифатида Толстой буюк бир шахс, — деб ёзди Ленин. — Толстой — ўзига хос бир кишидир, чунки унинг бир бутун қилиб олинган қарашларининг жами — деҳқон буржуа революциясидан иборат бўлган революциямизнинг хусусиятларини акс эттиради. Мана шу нуқтаи назардан қараганда, Толстойнинг қарашларидаги зиддиятлар — бизнинг революциямизда деҳқонларнинг тарихий фаолияти дучор бўлган қарамақарши шароитнинг ҳақиқий кўзгусидир». (ТАТ, 17-том) Ленин Толстой ижодиётининг барча буюк зуддиятлари тарихий-иқтисодий шарт-шароитлардан келиб чиққанлигини қудратли таҳлил билан ёритиб берди. Толстой «орзу-ҳаваслларнинг хомлигини, сиёсий тарбиясизликни, революцион бўшангликни акс эттирди», деган ҳаққоний, улуғ санъаткорни тўғри тушунишга ёрдам берадиган ажиб бир хулосага келди.

Шуниси диққатга сазоворки, Ленин Толстой ҳақидаги бу буюк мақоладан сўнг бир неча йил давомида яна даврнинг шу долзарб катта масаласига бир неча маротаба қайтди ва ўзининг «Л. Н. Толстой», «Л. Н. Толстой ва ҳозирги ишчилар ҳаракати», «Толстой ва пролетар кураши», «Изоҳбоз» қаҳрамонлар», «Л. Н. Толстой ва унинг даври» сингари асарларини яратди. Уларда доҳий Толстой ижодиётининг янгидан-янги қирраларини очди. Талантнинг ўрни, ижоднинг ижтимоий қиммати ва аҳамияти, тарихий-иқтисодий шароит ва ижоднор каби бениҳоя муҳим масалаларга улуғвор аниқлик ва равшанлик киритди. Ленининг рус ишчилар синфи Толстой асарларини ўрганаркан, ўз душманларини яхшироқ таниб олади, рус халқи ўз инқилобий ҳаракатидаги ожизликлари нималардан иборат бўлганлигини тушуниб етади, деган сўзлари башорат каби жаранглаган эди.

В. И. Лениннинг Толстой ҳақидаги барча мақолалари бошдан оёқ ишчилар синфи бошлаган улуғ озодлик ҳаракатининг муқаррар суратда ғалаба қозонишига ишонч билан суғорилгандир. Бу мақолалар оптимистик қудратининг тенгсизлиги, умидбахшлиги, неча йиллар оша рўй беражак инқилоб ғалабасини олдиндан кўрганлиги ва фавқулодда тарзда худди кўриб тургандай ёзилганлиги билан ҳам ҳайратланарли ҳодисалардир.

Толстой ҳақидаги Ленин асарлари марксистик эстетиканинг ижоднор шахс ва ижодкорликнинг туб масалаларини равшан ёритиш йўлларини кўрсатган, доимо ўз аҳамиятини йўқотмайдиган машъаллардир.

И. УСМОНИЙ

Конференция қатнашчилари пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишишни давом эттирмоқдалар.
Суратда: меҳмонлар Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг кўргазмалар залида.
С. МАҲКАМОВ фотоси

ДЎСТЛИК САДОЛАРИ

Дунё чайқалиб турган, эзгулик билан ёвузликнинг шиддатли тўқнашуви ҳар қадамда кучайган ҳозирги асрда яхши ниятли кишиларнинг тинчликдан азизроқ яна қандай истаги бўлиши мумкин?!

Хаёлим Тошкентда! Мана, Осиё ва Африка ёзувчиларининг биринчи Тошкент анжумани бўлиб ўтганига ҳам беш йил тўлибди. Ўз Ватанини, ҳалқини севган, унинг орзу умидларини куйлаган адиблар яна Тошкентга йиғилишди. Улар бу ерга ягона мақсад — дунёда тинчликни сақлаш, бу йўлда ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик қилиш учун йиғилдилар.

Ўшанда турк адибаси Хадича Суат Дарвиш билан учрашгандик. Ҳамиша ўз элининг ташвиши билан ёнган, юртидаги очлиқнўчлар, аёллар ва болалар тақдири ижодининг мағзини ташкил этган Хадича Суат Дарвишнинг «Кимса», «Гўёки», «Юрак», «Уч Фотима» каби романлари ватандошларидан кимларгадир ёқмади. Уни Совет Иттифоқининг дўсти бўлганлиги учун хушламадилар. Адиба эса бунга жавобан «Мен нима учун Совет Иттифоқининг дўстиман?» китобини ёзди.

«Ҳа, мен Совет Иттифоқининг дўстиман, —деб ёзди адиба, — чунки, бу мамлакат юртимнинг дўсти эканини биламан, бу мамлакат ўрнатаётган дўстона алоқалар Ватанимнинг манфаатларига мос эканига ишончим комил».

Ўз ҳаётини ўз Ватани, халқи тақдирига тиккан ёзувчиларни на таъқиб, на қийноқ ва на ўлим йўлдан қайтара олади. Энди уларга ёвузликнинг кучи етмайди. «Қаламимни тортиб олдилар барибир куйлайман, куч манбаим туганмас», — деб, ёвузлик устидан тантана қилган эди.

Эзгуликни куйлаётган дунё адабиёти бир-биридан баҳра олиб қад кўтаряпти. Биринчи Тошкент конференциясида атоқли совет шоири Николай Тихонов халқларнинг ана шу хилма-хил адабиётини дарахтга ўхшатган эди. «Бу дарахт, — деган эди у, — ўсиб, тобора янги томирлар отади, унда янги новдалар, янги шохлар пайдо бўлади. Натижада, дарахт шу қадар ўсиб кетадики, унинг соясида мингларча киши дам олиши мумкин. Ўсаётган адабиётнинг ҳам мана шундай сояси миллионларча кишиларга бошпана ва ўз кучларини тиклаш жойи бўлиб қолади».

Бугун ўз конференцияларининг йигирма беш йиллигини нишонлаш тантанасига йиғилган ёзувчиларнинг ҳар бири билан хаёлан суҳбат қиламан. Назаримда, улар ҳам бор овоз билан:

«Кўксимизда халқ қалби уриб турибди», дейишаётгандек!

Йўлдош СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

ТУТАШ БОҒЛАР

Ўзбекистоннинг бугунги бепоён боғлари ҳақида сўз кетар экан, халқимиз қадимқадим замонлардан бери боғлар барпо қилиб келганлигини, яшайдиган жойи бўйрадек бўлса ҳам, дов-дарахт ўстиришга эътибор берганлигини айтиш лозим. Халқимиздаги боғ барпо этишга бўлган бундай фазилат жуда қадимий.

Фарғона водийсини олайлик. Водий сўзининг ўзиёқ боғ-роғ, кўз қувнайдиган яшиллик эканлигидан далолат беради. Водийда яйдоқ ҳовлини учратиш қийин. Ҳонадонлардаги ишкомларни, саф тортган олма, нок дарахтлари, анорзорларни кўриб ҳавасингиз келади. Шохларини синдираман, деб турган сархил мевалар сизни ҳайратга солади.

Сўнгги йилларда республикамизда боғдорчиликка алоҳида эътибор берилаётганлиги қувончли ҳол. Мирзачўл ва Қарши даштидаги асрлар давомида қумлар кўчиб юрган саҳроларда ҳам бугун шовуллаган боғлар барпо этилмоқда. Мана ишлаб чиқариш барча областларда кескин ривожланяпти.

Бугун бизда боғдорчилик ва узумчиликнинг ўзига хос мактаблари бор. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти ҳамда унинг областлардаги филиалларида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, диққатга сазовордир. Бу ерда меванинг янгиданянги ажойиб навлари вужудга келди. Боғдорчиликда бир қатор прогрессив усуллар жорий этиладиган бўлди. Институт директори — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд Мирзаев, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Жалолиддин Мирзоҳидов ўртоқлар Ўрта Осиёда биринчи бўлиб тоғ ён-бағирларида боғ-роғлар барпо этиш асосларини ишлаб чиқдилар, Туркистон тизма тоғлари бағрида катта-катта мевали боғлар барпо этдилар.

Боғдорчилик ҳақида гап кетганда, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё областлари боғбонлари амалга ошираётган ишлар ҳақида алоҳида сўз юритишга тўғри келади. Биргина Самарқанд областининг соҳибкор ва боғбонлари ҳар йили давлатга 50 минг тоннадан кўпроқ хўл мева, 150 минг тоннага яқин узум топиришга муваффақ бўляптилар. Бухоро областининг Ўртачўл, Жилвон, Малик чўлида ташкил этилган янги боғдорчилик совхозлари минг тонналаб ҳосил бера бошлади

Еримиз сахий. Бугун боғбон ва соҳибкорларимиз етиштираётган узум ва олмалар, ўрик ва шафтолилар қардошларимиз дастурхонини ҳам безаётганлиги янада қувончли.

Ҳали республикамизда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришнинг жуда катта резервлари яшириниб ётганлигини таъкидлаб ўтишимиз керак. Айниқса, янгидан ўзлаштирилаётган ерларда, тоғли зоналарда кўплаб боғдорчиликка ихтисослаштирилган совхозлар ташкил этиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрлигига қарашли хўжаликлар ҳам манзарали дарахтлар билан бирга мевали дарахтлар ва токзорларни кенгайтириш йўлидан бормоқдалар.

Ўзбекистон — тўкин дастурхон! Келажакда она заминимизда етиштириладиган ноз-неъматлар янада мўл ва сифатли бўлиши шубҳасиздир.

С. СУЛТОНОВ



МАФТУНКОР ОБИДАЛАР

«Мен — Регистон,
Қадим Самарқандннг юраги...»

Худди шундай сўзлар билан бошлайди кекса Регистон ўз монологини. У сўзга кириши билан атрофга сукунат инади. Ҳамма жим бўлиб, Регистонни тинглайди. Кўкка бўй чўзган озодлик ҳақида гапиради. Турли рангдаги чироқлар бетиним ёниб-ўчади. Отлар кишнаши, аёллар ноласи ва ниҳоят «Аврора» овози қалбингизни ларзага солади.

Ҳа, мана бир неча йилдирки, Самарқандда мамлакатимизда ягона ҳисобланган нурли-овозли панорама ишлаб турибди. Регистонни ўз ҳолига келтиргани ва нурли панорамани ишга солганлиги учун самарқандлик бир группа меъмор ва усталар Ҳамза мукофотига сазовор бўлган эдилар. Бибихоним, Шоҳизинда ансамбларида ҳам ана шундай таъмирлаш ишлари авж олдириб юборилди.

Дарвоқа, фақат Регистон ёки Самарқандгагина эмас, Ўзбекистонимиздаги аксарият тарихий обидаларга иккинчи умр бағишланаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бибихонимдаги Жоме масжиди гумбазининг ўз ҳолига келтирилиши, қадимий бўёқларнинг таркибидаги ўттиз элементнинг тикланиши жаҳон миқёсидаги муҳим воқеа деб ҳисобланмоқда.

Маълумки, Ўзбекистонда архитектура санъати жуда қадимий анъанага эга. Биргина Самарқандда эмас, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз сингари шаҳарларимизда турли асрларда бунёд этилган мадраса, масжид, минора ва мақбаралар шакли ҳамда бўёқларининг турфалиги билан бир-биридан фарқ қилади. Шундай бўлиш табиий. Чунки ана шу обидаларнинг ҳар бирида ўша аср архитектура санъати ўз муҳрини босган. Давлатимиз томонидан муҳофаза қилинадиган бу бинолар орасида минг йиллиги ҳам, юз йиллиги ҳам бор.

Бухородаги Сомоний мақбараси, Арк, Калон (Арслонхон) минораси Хивадаги Ичон қалъа каби обидалар келажак авлодларнинг ҳам маданий мулки, фахри бўлиб қолади.

Бу табаррук обидаларни ҳар йили турли қитъалардан минглаб кишилар келиб зиёрат қилишади. Уларнинг қай бирида бўлманг, хорижий тилларда ҳайрат билан сўзлаётган кишиларни кўрасиз.

Албатта, тарихий обидаларни муҳофазага олишнинг ўзи етарли эмас. Улар узоқ умр кўриши учун ўз вақтида таъмирлаб туриш талаб этилади. Сўнгги йилларда Бухородаги обидаларга иккинчи умр бахш этишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Нодир девонбеги ансамблининг ўз ҳолига келтирилганлиги, Ситораи Моҳи Хоса сарой-боғининг янада гўзаллаштирилганлиги фикримизнинг далили бўла олади.

Шу билан бирга республикамизда янги обидалар бунёд этилаётганлиги янада қувончли. Тошкентдаги В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи, метро станциялари, Самарқанддаги Советлар уйи, Жиззахдаги область театри ва бошқа кўплаб бинолар XX аср обидаси бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Ҳамма санъатлар сукут сақлаганда, архитектура тилга киради, деган нақл бор. Ҳа, обидалар сукут сақлаётгандай бўлса-да, асрлар ҳақида, қўли гул одамлар тўғрисида ҳикоя қилаверади.

Н. САЙҚАЛИЙ

Ҳурматли редакция! Сўнгги пайтларда «мешчан» ва «мешчанлик» сўзлари кўп тилга олинадиган бўлди.

Яқинда Тошкентдан бир студент ўртоғим келди. У билан маҳалладаги обрўли кишилардан бириникига бордик. Қизнинг отаси чет эл гарнитурини сеп қилиб берган экан, бунни кўрган студент оғайним: «гирт мешчанликнинг ўзи-ку бу» деб қолди. У келин-куёв либослари-ю, жиҳозларидан ҳам «мешчанлик ҳиди келяпти», деб айблади. Эртасига эса, ўша дўстим билан райондаги раҳбарлардан бирининг уйига бордик. Мезбон яхши кутиб олди. Ичкарига таклиф этди. Меҳмонхонанинг юқори томонида ранг-баранг муқоваларда даста-даста қилиб терилган китобларни кўрган оғайним «мезбон ҳам мешчан экан, сўраб кўринг, ўзи мана шу китобларнинг бирортасини ўқиганмикин!» деди.

Хулпас, мана шунақа гаплар. Мешчанликни қандай тушуниш мумкин! Ўша студент оғайним ҳақми ёки мешчанликдан «мешчанликнинг» фарқи борми! Шулар ҳақида муфассалроқ билишни истардим.

Қашқадарё **Бегмат ХОЛМАТОВ**

Ҳурматли редакция! Кўпдан бери бир нарса менга тинчлик бермайди. Баъзан шундай одамлар учраб қоладики, улар «эл қатори» юрганида одамга ўхшайдию, жиндай амал поғонасига кўтарилиб олгач, ўзгаради-қўяди. Ўзига ишониб топширилган вазифани суиистеъмол қилади. Феъли ғализлашгани етмагандек, халқ мулкини талон-тарож қилади, порахўрликка ўрганади. Эл учун ажратилган маблағдан ўмариб, қўша-қўша иморатлар солади, машиналар олади. Тағин, ўрни келса халоллик ҳақида сафсата сўқиб, одамларга даҳдаҳа ҳам қилади. Айтинг-чи, бу ҳам мешчанлик, худбинлик эмасми!

Ваҳобжон АЛИЕВ

Андижон

Ҳурматли Бегматжон!
Ҳурматли Ваҳобжон!

Уткир ҲОШИМОВ

«МЕН—СЕН ЭМАСМАН»

ИККИ ХАТГА БИР ЖАВОБ

Гарчанд иккалангиз ёзган мактуб республикамизнинг турли чеккаларида битилган бўлса-да, гарчанд икки хил жиддий саволни ўртага қўйган бўлсангиз ҳам, фикрларингиз кўп жиҳатдан муштарак. Шу боисдан бир қаламкаш сифатида мактубларингизга севимли газетамиз орқали жавоб ёзиб, бу борада ўзимни ҳам кўпдан буён ўйлатиб келаётган фикрларни сизлар билан ўртоқлашишга журъат этдим.

Чиндан ҳам, кейинги пайтларда «машчан», «мешчанлик», «мешчанларча муносабат» деган иборалар тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Матбуотда, радио-телевиденияда бу мавзуда анча-мунча баҳслар бўлди. Бунинг боиси нима? Нима учун кейинги йилларда мешчанлик айниқса хунук кўринаяпти.

Аввало, «мешчан» деган сўзнинг келиб чиқиш маъноси қандай? «Ўзбек Совет энциклопедияси»да шундай деб ёзилган: «Мешчанлар — —полякча шаҳарлик, демак. Улуғ Октябрь революциясига қадар Россиядаги турли тоифадаги шаҳар аҳолиси (ҳунарманд, майда савдогар ва бошқалар) машчанлар деб аталган. 1775 йилги губерния ислоҳотига кўра умумий маблағи 500 сўмдан ошмаган шаҳар аҳолисининг савдо ва ҳунармандлик билан шуғулланган қисми мешчанлар табақасига киритилган...»

Демак «мешчан» деган сўз дастлаб ҳеч кандай салбий маънога эга бўлмаган. Кейинчалик эса маъноси ўзгариб, салбий хусусиятни англатувчи сўзга айланган.

Бегматжон! Сиз ўз хатингизда мешчанликдан «мешчанликнинг» фарқи борми, деб сўрабсиз. Жуда ўринли савол. Чиндан ҳам, одамнинг уйида нечта гилами бўлса мешчан бўлмайдию, нечтага етса «мешчан»га айланиб қолади? Машинаси йўқ одам мешчан эмасу, машинали одам мешчанми? Уйида рангли телевизори, замонавий магнитофони бор одамни мешчан санаш керагу, рангсиз телевизор кўрадиган одам мешчан бўлмайдими? Агар масалага шу тариқа қарайдиган бўлсак, турмушга интилишига монелик қилган бўлмаймизми! Ахир, партиямиз, ҳукуматимиз совет кишиларининг фаровонлигини янада ошириш учун бекорга ҳаракат қиляптими? Кўриниб турибдики, чиройли, тўкис маданий турмуш кечириш истаги билан мешчанлик ўртасидаги фарқни илғаб олиш анчайин осон нарса эмас. Аммо фаровон турмуш билан мешчанликнинг жуда катта фарқи бор. Гап шундаки, маданий баркамол одамдан мешчан шахсни ажратиш қийин эмас. Менимча, ҳар қандай маънавий бойликни моддий нарсага бемалол алиша оладиган ва бу билан ўзини бахтли санайдиган одам — мешчан бўлади. Чамамда, мешчанликнинг бош хусусияти мана шу. Бироқ бу иллатнинг илдизлари ҳам, қирралари ҳам кўп.

Мешчанлик туйғуси кеча пайдо бўлган гап эмас. Унинг тарихи узун. Бундан юз йил илгари, ундан нарида ҳам шундай одамлар бўлган. Қандай қилиб бўлмасин, бошқаларникидан ажралиб турадиган, гижинглаган от миниб юришни, ҳамманикидан сайроқироқ бедана эга бўлишни энг катта бахт ҳисоблаган кишилар биз ҳозир мешчан деб атайдиган одамларнинг бир тоифаси бўлган. Бундай кишиларни халқ мешчан демаса ҳам «олифта-қуруқ бойваччалар» деб атаган. Бироқ, меҳнаткаш халқ ҳарчанд ғаши келмасин, «ҳа энди бойвача-да, тўйида энг таниқли баччани ўйнатмаса, кўнгли жойига тушармиди, пули кўп бўлганидан кейин кўнглига сиққан номаъқулчиликни қилади-да», деб кўя қолган. Бизнинг жамиятимиз эса туб моҳияти билан бундай қуруқ ялтироқликни ёмон кўради. Шунинг учун ҳам мешчанлик муносабатига кишиларимиз ҳазар қилиб, ижирғаниб қарайди. Аммо бу азбаройи бировнинг «топиш-тутиши»дан куюниб, ичи қоралик қилиш эмас. Гап шундаки, мешчанлик — тараққиётимизга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтирадиган хавфли иллат. Ҳалол одамлар мешчанликка, шиллиқ қуртга қарагандек жирканиб қараши ана шундан. Хўш, бу зарарлар нимада кўринади!

Аввало, ҳаётимизда учраб турадиган (афсуски камаймаётган) мешчанлик қарашлари қачон пайдо бўлди. Мамлакатимиз кўп йиллар мобайнида мислсиз синовлардан ўтди. Улуғ Октябрь инқилоби, Гражданлар уруши, очарчилик, коллективлаштириш йилларининг машаққатлари, Иккинчи Жаҳон уруши.... Ниҳоят, узоқ кутилган Ғалабадан кейин кишилар енгил нафас олди. Одамларга ўхшаб тўкис яшаш, яхши еб-ичиш, чиройли кийиниш деган истаклар пайдо бўлди. Бу ниҳоятда табиий ҳоҳиш эди. Партиямиз, давлатимиз эл-юрт фаровонлиги учун максимал шароит яратишга интилди. Ҳозир ҳам бош мақсад шундай. Бироқ урушдан кейин пайдо бўлган табиий истак айрим одамларни қаноатлантирмай қўйди. Улар қандай қилиб бўлмасин бошқалардан ажралиб туришга, қай йўл билан бўлмасин озроқ заҳмат чекиб, кўпроқ роҳат қилишга интиладиган бўлишди. Бора-бора бу истак янада худбинроқ, хавфлироқ бошқа бир орзуни етаклаб келди. «Боламиз ҳеч қандай машаққат чекмасин, ҳамма нарса бадастур бўлсин», деган гап аксарият кишиларнинг шиорига айланиб қолди. Бир қарашда бу — яхши орзу. Аммо бундай шиор бора-бора жуда хунук оқибатларга олиб келиши мумкин.

Мешчанликнинг шу қадар «ранг-баранг», «ажабтовур» кўринишлари борки, бирма-бир санаб чиқиш учун ҳам анча вақт керак бўлади. Бир вақтлар Италия бойваччалари булбул тилидан тайёрланган таомга ружу қўйишгани ҳақида ярим афсона, ярим ҳақиқат гаплар бор. Хўш, нима учун айнан булбулга, тағин ўзига эмас, тилини ейишга бунчалик «ихлос» қўйишган улар? Ахир, битта бойваччанинг меш қорнини тўлдириш учун камида юз-икки юз булбулни қириб ташлаш керак-ку! Қолаверса, булбул гўшти шунчалик ширинми! Умуман, эс-ҳуши жойида одам булбулни ўлдиришни, бунинг устига тилидан қовурдоқ қилиб ейишни тасаввур қила оладими! Маънавий баркамол, гўзалликдан завқланадиган, имони бут одам учун бориб турган ҳақорат бу! Аммо мешчан учун бундай вахшийликнинг ҳеч қандай ёмон жойи йўқ. У бошқалар кўрмаганини кўргиси келади. Шу билан завқланади, мақтанади. Маънавий хазинани моддий нарсага алишиш дегани мана шу. Албатта, бизнинг замонда булбул тилидан қовурдоқ еб кўрадиган даражада қабоҳатга журъат қиладиган мешчанлар йўқ. Бироқ уларнинг интилишлари бошқачароқ тарзда намоён бўлади. Бундай кишилар янги қурган участкасига энг қиммат-баҳо санъат асарини илиб қўйишни хоҳлайди. Бу ишни ҳам бировдан қолиб «қулоғини кесмаслик» учун қилади. Ўша асарни ким яратганини эса билмайди. Умрида музейга бормайди. Бунинг унга кераги ҳам йўқ. У ўзининг уйида шундай қиммат-баҳо (пул маъносида қиммат-баҳо) нарса борлигини кўрсатиб мақтанса бас. Аслида бу асарни у пайтава қилиб ўрашдан ҳам тоймайди.

Бегматжон! Сиз студент дўстингиз билан меҳмонга борган ўша район раҳбарларининг бири мешчанми — йўқми, унисини айтолмайман. Аммо, агар у, чиндан ҳам, ўша ноёб китобларни шунчаки, ўзининг «маданиятли» эканини кўрсатиб қўйиш учун асраб юрган бўлса, ўзи ўқимаса, унда дўстингиз айтган гап тўппа-тўғри бўлади. Мен китоб йиғувчи мешчанларнинг энг даҳшатлисини ўз кўзим билан кўрганман. Бир одамникига борсам, жаҳон адабиётининг 200 томли хазинасини хона жиҳозларига «подцвет» қилиб тахлаб қўйибди. «Мана буни хазина деса бўлади!» —деб хитоб қилсам, мезбон ўзича тушунди. «Бу ўлмас —йитмас мол, йил сайин қиммати ошиб бораверади, беш-олти йилдан кейин сотсам «Волга» оламан!» деди. Соқоли қиртишлаб олинган, яраншиқли кийинган бу одам кўзимга эртаклардаги хазинани яшириб ётган аждаҳо бўлиб кўринди. У ўша китобларни бировга ўқитиш у ёқда турсин, қўл ҳам тегиздирмайди. Ҳолбуки, бу китобларни минглаб одамлар ўқиши, биров олим, биров адиб бўлиши мумкин эди. Жиллақурса, уларни ўқиган одамлар руҳан бойроқ, қалбан тозароқ бўларди. Мана сизга мешчанликнинг маънавий зарари.

Давоми саккизинчи бетда

ЗИЙНАТГА АЙЛАНГАН ОЛАМ

ХАЛҚ амалий санъати қадимдан мавжуд. Республикамизда халқ орасидан чиққан истеъдодли усталарни бирлаштириб турадиган уюшма амалий санъат соҳасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Уюшмага юзлаб усталар жалб қилинган.

Республикамизнинг турли бурчакларида яшаётган кўплаб ижодкор усталар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш халқ амалий санъати равнақи учун катта аҳамиятга эга.

Шаҳрисабз, Чироқчи, Шеробод, Бойсун, Ургут, Чимбой районларида бўлсангиз, ҳали музейларда қўйилмаган ажойиб жулхирс, жулпўшт, жойпўш, патли ва патсиз гиламларни учратасиз.

Бу халқ амалий санъати намуналарида инсоннинг заминга, табиатга, ўзи яшаётган муҳитга, коинотга бўлган чексиз муҳаббати ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам халқ ижоди умрбоқийдир. Ленинграддаги Эрмитажда XII асрга оид ўзбек усталари ясаган сопол ўйинчоқлар сақланади. Гарчи, ўйинчоқларда ранглар ўчиб кетган бўлса-да, кишини мафтун қилади. Яна бир қизиқ томони, улар бухоролик Ҳамро Раҳимова ясаган ўйинчоқларга ўхшаб кетади.

Ҳамро Раҳимова Бухоро областининг Уба қишлоғидан. У ҳозир ҳаёт бўлганда, 85 ёшга тўлган бўларди. Ҳамробибининг ўйинчоқсозлик ҳунари унутилиб кетгани йўқ. Унинг ишини ҳамқишлоқлари давом эттиришмоқда. Кубаро Бобоева ясаган ушшуклар ўзига хослиқда Ҳамробибиникидан қолишмайди. Қишлоқдаги 43 мактабда ўқувчилар бу қадимги ҳунарни ўрганишлари учун тўгарак ишлаб турибди. Республикамизнинг Қашқадарё область, Ульянов район Касби қишлоғидаги 73 яшарлик Анбармомо Сатторова, Сурхондарё область, Денов шаҳрида акаука Зуҳуровлар ҳам ўйинчоқсозлик санъатини давом эттиришмоқда.

Нима учун бу ўйинчоқларни қадрлаймиз?

Халқ усталари яратган бу ўйинчоқларда тасвирланган ҳайвонлар афсонавий, улар ҳаётда учрамайди. Киши хаёлотини бойитадиган лойда яратилган бу «эртаклар» ижодкорлари қанча кўнгил тусли накшлар кўзини олади.

Хоразмда лаганни «бодия» дейишади. Айниқса, Хонқа бодияси ўзининг мовий нурланиб туриши билан гўзал. Бодия ичида ишланган рангли тошлар зумрад ранг беради. Гўё кичик кўл кафтингизда тургандек туюлади.

Ишқорда ишланган Риштон лаганларига сариқ қўзигуллар солинган, ўсимликнинг нозик барглари бир-бирига мутаносиб равишда чирмашиб туради.

Ғиждувон лаганлари эса ранг ва чизиқларга бой. Нақшлар тартиб билан жойлаштирилган. «Косагар» деб ном олган ғиждувонлик уста зеб беришни рангдан эмас, лойдан бошлайди.

Шерободга борганмисиз? Бу ерда саратон қуёшига монанд сопол лаганларни учратасиз. Усталар бадиий пайса, шунча яхши. Улар — болалар қувончига қувонч қўшишади. Тасаввурларини чархлашади.

Таниқли рус санъатшуноси Ю. Халаминский ўзбек халқ амалий санъати ҳақида кўп ёзган. «Тўғрисини айтсам, — деб айтганди у, — мен коллекцияни ёктирмайман. Табиий муҳитидан ажратиб олинган ҳар қандай буюм ўз қадр-қимматини, маъносини, ҳатто гўзаллигини йўқотади. Мен учун буюмлар — бу саёҳат давомида тақдир дуч қилган ажойиб одамлар билан бўлган унутилмас учрашувлардан хотира тарзида гавдаланади».

Дарҳақиқат, сиз агар халқ амалий санъати намуналарини улар яратиладиган ерда томоша қилсангизгина, ҳақиқий мўъжизани ҳис қиласиз. Ўзбек усталари қўлидан чиққан сопол лаганлар ҳам шундай. Улар турли воҳада турлича рангда товланади.

Агар Шаҳрисабз лаганларини томоша қилсангиз, улар сариқ-қизил рангда сирланганлигини кўрасиз. Бу сирда олтинсимон симсим чизиқлар тортилган. Анғоб суви берилган лаганлардаги қизил, сариқ, оқ ва қўнғир тусли накшлар кўзни олади.

Хоразмда лаганни «бодия» дейишади. Айниқса, Хонқа бодияси ўзининг мовий нурланиб туриши билан гўзал. Бодия ичида ишланган рангли тошлар зумрад ранг беради. Гўё кичик кўл кафтингизда тургандек туюлади.

Ишқорда ишланган Риштон лаганларига сариқ қўзигуллар солинган, ўсимликнинг нозик барглари бир-бирига мутаносиб равишда чирмашиб туради.

Ғиждувон лаганлари эса ранг ва чизиқларга бой. Нақшлар тартиб билан жойлаштирилган. «Косагар» деб ном олган ғиждувонлик уста зеб беришни рангдан эмас, лойдан бошлайди.

Шерободга борганмисиз? Бу ерда саратон қуёшига монанд сопол лаганларни учратасиз. Усталар бадиий буюмлар заводи тепасига «Шеробод тупроғидан гўзаллик яратамиз» деб бежиз ёзиб қўйишмаган. Бу ерда ижод қилувчи ака-ука қулол Ашурбоевларнинг нақшин қўзалари Сурхон водийсида «Шеробод холодильниги» деб ном қозонган. Бундай ўзига хос ижод маҳсулотлари республикамиз шаҳар ва қишлоқларида кўплаб учрайди. Улар ўз санъатларини қалб даъвати билан яратишади.

Яқинда бир белбоққа битилган терма ўқиган эдим. Бу термага усталар дилидаги топиб ёзилган:

Осмонга қарасам,
Нақкошлик мачит.
Замнинга қарасам,
Гули равон чит.
Осмонга учар қушман,
Заминдаги бир тушман.
Зийнат қилдим оламни,
Ўзим кетар эмишман.

Нодир НОРМАТОВ

ҚАЛБ БЎРОНЛАРИ

Ҳурматли редакция!

Мен газета саҳифаларида эълон қилинаётган таниқли санъаткорлар ҳақидаги мақола ва очеркларни ҳамда улар билан бўлаётган учрашувларни қизиқиб ўқиб бораман. Бу ўша санъаткор дунёси билан яқиндан танишишимга ёрдам беряпти. Мен, айниқса, хушовоз эстрада хонандаси Ботир Зокиров ижросидаги қўшиқларни севиб тингларман. Ҳар гал унинг ширали овозини эшитганимда гўё янги мусиқий дунё очгандай бўламан. Унинг ижросидаги қардош ва хорижий халқларнинг қўшиқлари ҳам жозибали чиқади. Энг муҳими, у қайси тилда қўшиқ айтмасин, барибир тингловчи қалбини забт этади, ҳаяжонга солади. Уни қайта-қайта тинглагинг келади.

Газета орқали Ўзбекистон ССР халқ артисти Ботир Зокиров билан суҳбат уюштиришингизни илтимос қиламан.

Совриддин ШАРИПОВ

Шаҳрисабз райони

МУҲБИР. Ботир ака, редакциямизга келган мана бу мактубларнинг кўпчилиги санъат мухлисларидан. Улар санъатимизнинг айниқса, эстрада қўшиқчилигимизнинг истиқболи ва муаммолари тўғрисида куюниб ёзишган. Масалан, сирдарёлик Собитжон Рустамов ўз мактубида, бугунги кунда эстрада қўшиқларининг оммавийлашиб бораётганлигини тан олган ҳолда, баъзи ёшларимизнинг классик қўшиқларимизни назар-писанд қилмаётганликларидан ташвишланиб ёзади. Эстраданинг бундай оммавийлашиб бораётганлиги ҳақида Сиз қандай фикрдасиз?

Ботир ЗОКИРОВ. Редакцияга шундай баҳсталаб мактубларнинг келиб тургани яхши. Газетхон дўстимнинг мактубида озгина бўлса-да, жон бор. Хўш, нега шундай бўляпти? Мен бунинг биринчи сабабчиси ёшларнинг ўзи деб биламан. Уларнинг кўпчилиги маданий меросни, узоқ тарихга эга бўлган мусиқа санъатимизни илдизини яхши билишмайди. Баъзи бир тоифа ёшларимиз нуқул бақириқ-чақириқдан иборат енгил-елпи куй-қўшиқларнинг гадоси бўлиб қолишаяпти. Шовкин ва бемаъни ҳаракатларни ўзида мужассамлаштирган бундай қўшиқ ёки куйдан лаззат олиб бўлмайди. Уларнинг умри ўткинчи.

Энди эстраданинг оммавийлашиб кетаётганлиги масаласига келсак, бу тўғри. Лекин эстрадада ҳам эстрада бор. Бу ҳали биз учун маълум маънода янги санъат. Шунинг учун ҳам у, аввало, халқимизга манзур бўлиши ва сингиб кетиши керак. Гапнинг сирасини айтганда, у кўпроқ ёшларимиз орасида оммавийлашиб боряпти. Масалан, «Ялла» ансамблининг кейинги йилларидаги бир-иккита қўшиқлари халқимиз орасида ҳам шуҳрат топди. Бунинг сабаби ўша қўшиқларнинг музикаси ва айтилиш йўли миллий оҳангларимизга, услубларимизга яқин. Ҳар қандай санъат асари ўз миллий тарихий замини билан мустаҳкам чатишиб кетмас экан, у санъат профессионал бўла олмайди. Шу жиҳатдан «Ялла»нинг бу изланишларини қўллаб-қувватласа арзийди.

Фикрим янада тушунарлироқ бўлсин учун операдан бир мисол келтирай. Маълумки, Европада бу санъат ниҳоятда оммавийлашиб кетган. Бизнинг ўзбек санъатимизга ҳам бу жанр кириб келди. Дастлаб, томошабинлар уни яхши қабул қилмади. Чунки у ҳали янги санъат эди. Бундай санъатни халқ бирдан қабул қилиши қийин. Хўш, операни халқимиз орасига олиб кириш учун нима қилиш керак эди? Бу саволга Сулаймон Юдаковнинг «Майсаранинг иши» операси жавоб бўлади, деб ўйлайман. Шу асар саҳнага чиқиши билан халқ театрга гурра-гурра кира бошлади. Чунки бу асар миллий оҳанглар ва топилмалар билан бойитилиб, халқимизнинг руҳига мос бўлиб тушди. Агар ҳозир ҳам шундай халқчил опера асарлари яратилса, аминманки, театр залларидан ўрин топиш амримаҳол бўлиб қолади. Ва шундай қилсакгина бу санъат халқимиз орасида яна ҳам оммавийлашиб кетади, деб ўйлайман. Ёки музиканинг симфония жанрини олайлик. Бу ҳам бизда янги санъат. Ҳали уни халқимиз орасида жуда оммавийлашиб кетди, деб айтолмаймиз. Бунга асосимиз йўқ. Чунки, бизнинг кўпчилик композиторларимиз ўтириб ижод қилади. Ўтириб деганим — музика мактабию, консерваториядан олган таълими билан. Ахир, бу билимлар билан симфония яратиб бўлмайди. Россияда, Европа мамлакатларида симфониянинг улуғ намуналари бор. Бу жанрни ҳам халқимиз орасида оммавийлашадиган йўлларини топишимиз лозим. Назаримда, симфонияда халқ «ҳазм» қиладиган ўзига хос оҳанглар бойлиги етишмаяпти...

Хулоса қилиб айтганда, эстрадамизнинг халқимиз орасига кириб бораётганлиги яхши. Бундан кейин ҳам бу жараён чуқурлашиб боради. Аммо ҳали эстрадада кўп изланишлар олиб борилиши керак.

М. Агар янглишмасам, сиз бир пайтлар «Мюзик-холл» группасини тузиб, анча шуҳрат қозонган эдингиз. Сўнг группа тарқаб кетди. Бунинг ўзига хос сабаблари бўлса керак, албатта.

Б. З. Мен 1957 йилда биринчи Ўзбек давлат эстрада оркестрини тузишда қатнашганман. Бу оркестр Ўзбекистонда эстраданинг ривожланишига катта асос солди. Гарчи «Мюзик-холл» сал кейинроқ, 1972 йилда тузилган бўлса-да, бироқ бунга ҳам ўша эстрада оркестри туртки бўлди. Бу Урта Осиёдаги биринчи ва Иттифоқимиздаги учинчи «Мюзик-холл» эди. «Мюзик-холл» бу эстраданинг энг юксак чўққиси ҳисобланади. У эстрада ансамбли, яккахон қўшиқчи ва раққосалар ансамбли, драматик актёр, цирк артистлари сингари бир қанча жанрларни ўзида мужассамлаштиради.

Дастлабки, муваффақиятларимиз ёмон бўлмади. Кейин турли сабабларга кўра группа тарқаб кетди.

М. Уни қайта тиклаш мумкинми?

Б. З. Албатта, мумкин. Эстрада оммавийлашиб, халқимиз орасидан ўз ўрнини топиб бораётган бир пайтда бизга «Мюзик-холл» жуда керак. Баъзилар эстрадани енгил санъат дейишади. У қанчалик енгил бўлса, шунчалик мураккаб!

Айни пайтда республикамизнинг турли жойларида қанча артистлар, масхарабозлар, дорбозлар ва кулги усталари бор. Улар бир четда ўзлари билан ўзлари овора бўлиб ётибди. Агар шулар бирлаштирилиб, яхшигина бир «Мюзик-холл» тузилса ёмон бўлмайди. Ҳақиқий миллий санъат аввало ўз юртида кўкаради, ўсади, сўнг у интернационал санъатга айланади.

М. Ботир ака, кўпчилик газетхонларимиз ўз мактубларида сизнинг телевидениеда нега кам чиқаётганлигингиз сабабини сўрашибди.

Б. З. Телевизорнинг кўп яхши хусусиятлари бор. Айниқса, у ёш санъаткорни элга тез танитади. Лекин нукул телевизор атрофида ўралашиб қолиш хавфли. Ёшлигимда менда ҳам шундай қусурлар бўлган. Томошабинга айтадиган дурустроқ нарсамиз бўлмаса ҳам телевизорга чиқишга қизиқиб айтаверганмиз. Бундай чиқишларнинг умри қисқа эканлигини ўша вақтларда тушунмаганмиз...

Ҳозир телевизорга чиқишдан олдин узоқ мулоҳаза қиламан. Чунки бугунги томошабин, унинг талаби ҳам бошқача. Уни енгил-елпи қўшиқлар билан алдаб бўлмайди.

Телевизор санъаткор билан томошабин ўртасидаги пристма. Шунинг учун ҳам телетомошабинни зериктириб қўйишдан қўрқаман. У экранга шунчаки лоқайд қарашини истамайман.

Умуман, санъаткор телевизордами, саҳнадами, қаерда бўлмасин, юрагидаги бўронларни (агар у юракда бўлса), томошабин қалбига кўчириши керак.

М. Сиз бир қатор фильмларда роллар ҳам ижро этгансиз. Кино ижодингизда қандай роль ўйнайди?

Б. З. Тўғрисини айтсам, кино менинг ижодимда унча катта аҳамиятга эга эмас. Агар мен у билан жиддий шуғулланганимда бошқа гап эди. Умуман, кинодаги иштироким тасодифий ҳол.

Сўнгги пайтларда ижро этган ва ўзимга ёққан ролларимдан бири «Даҳонинг ёшлиги» фильмида Ибн Синонинг отаси Абу Абдуллоҳ образи. Бу фильмни таниқли кинорежиссёр Элёр Эшмуҳамедов суратга олган.

М. Ботир ака, баъзи ўзбек эстрада қўшиқчилари халқ қўшиқларини бузиқ талаффузда куйлашади. Айниқса, бу ачинарли ҳол ёш хонандалар Леонид Макеев ва Малика Алимованинг қўшиқларида сезилади. Уларнинг ҳатто оддий сўзларни тўғри айта билмаслиги кишининг ғашига тегади. Ёки эстрадада шундай қилиш мумкинми?

Б. З. Йўқ, сира мумкин эмас. Менимча, санъаткор айтаётган қўшиғининг сўзларини тушуниб, тўғри талаффуз қилмагунча айтмаслиги керак. Бизда кўпчилик ижрочилар қўшиқ айтаётганда текстнинг фикрига ё сўзига эмас, музикасига кўпроқ эътиборни қаратади. Баъзилар эса майда жиҳатларига аҳамият берадию, сўзини эсидан чиқариб қўйишади. Оқибатда, у нимани айтаётганни ўзи билмайди. Бу қўшиқчи учун, қўшиқ учун — офат!

Бизда сўздан кўра, куйга эътибор кучли бўлгани учун ҳам кўпгина эстрада қўшиқларимиз халқ қалбидан жой ола билмаяпти.

Телевизорга чиқаётган ва саҳнада қўшиқ айтаётган баъзи санъаткор ҳақида ҳам бу фикрни айтиш мумкин. Шундоқ экранга ё саҳнага чиқадию, қаққайиб туриб «қўшиқ» айтаверади. Юзида ё туришида ҳеч қандай ифода сезмайсиз. Томошабинни ҳаяжонга солиш мумкин бўлган сўзларни, сатрларни шунчалик ҳиссиз, лоқайд айтишадики (юқорида айтган ҳолатда туриб) томошабиннинг энсаси қотади. Оқибатда, қўшиқ унга юқмайди. Классик ё мақом қўшиқлари бўлганда бошқа гап. Бу қўшиқлар санъаткордан кўпроқ вазминликни, босиқликни (бу ҳам меъёридан ошмаслиги керак) талаб қилади.

Назаримда, ҳар бир қўшиқнинг такрорланмас ўз ранги, ўз хушбўй ҳиди бўлади. Ана шу бўёқларни, исларни тингловчи қалбига етказиш керак. Ушандагина санъаткор ўз вазифасини бажарган бўлади. Тўрт қатор шеърни пала-партиш ёдлаб, уни бирор ўткинчи музикага амаллаб мослаштирган кишини санъаткор деб бўлмайди.

Мен французча, арабча, афғонча ва ҳиндча қўшиқлар айтганимда, аввало, ўша қўшиқларнинг мазмунини, сўзларини тўла тушунишга ҳаракат қиламан. Чунки айтилаётган қўшиқнинг мазмунини тушунмасдан томошабинга рўбарў бўлсангиз, кулгили аҳволга тушиб қоласиз.

Менимча ҳиссиз, дардсиз айтилган қўшиқдан томошабин ҳеч нарса олмайди.

М. Ботир ака, ижоднинг кўп турлари билан қизиқасиз. Мухлисларингиз Сизни рассом сифатида ҳам танишади. Эҳтимол, улардан баъзиларини газетада эълон қилишга розилик берарсиз? Тасвирий санъат билан шуғулланиш ижрочилик фаолиятингизга таъсир қилмайдими?

Б. З. Мен ёшлигимдан тасвирий санъат билан шуғулланаман. Анча-мунча картиналар чизиб қўйдим. Рассомлик билан шуғулланиш менинг ижрочилик фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Қўшиқларимда ўз ифодасини тополмаган фикрларимни, туйғуларимни бўёқларда акс эттиришга уринаман. (У қўшни хонага чиқиб, ўз картиналаридан бир нечтасини олиб келди). Булар турли йилларда ишланган «Оқшом», «Автопортрет», «Бухоро манзараси», «Саратон» сингари картиналарим. Ҳозир «Анор пишганда» деб номланган туркум асар устида ишлаяпман.

Мен тасвирий санъатга қизиқишим туфайли баъзи нарсаларни айтишни истардим. Бир неча йилдирки, Ҳамид Сулаймонов номидаги Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институти томонидан «Шарқ классиклари меросидан» деб номланган китоблар нашр этилмоқда. Бу жуда ҳайрли иш. Лекин китобларда эълон қилинаётган расмлар Шарқ миниатюрасига сира ўхшамайди. Китоб мазмунига тўғри келмайди. Парнография, холос. Ахир, уйингда бировнинг бесўнақай кийими бўлса, қанчалар кулгили аҳволга тушасан кишк. Назаримда, буни жиддий ўйлаб кўриш керак.

М. Юморга қандай қарайсиз?

Б. З. Юморни жуда яхши кўраман. Улфатлар билан йиғилганда, дўстлар даврасидаския айтишни ёқтираамн. Менимча, самимий юморни, кулгини тушунган одамнинг дили пок бўлади.

М. Ботир ака, сизнинг проза билан ҳам шуғулланишингиз газетхонларга маълум. Дастлабки ҳикояларингиз эълон қилингандан буён орадан анча вақт ўтди. Агар сир бўлмаса айтинг-чи, ҳозир ҳам ҳикоялар ёзаяпсизми?

Б. З. Тўғри, прозада унчамунча машқлар қилдим. Уларнинг бир қисми эълон қилинди ҳам. Машқларим ўқувчига маъқул тушдими йўқми, бу менга қоронғу. Лекин энди прозага бошқача ёндошиб, бошқача ёзиш керак. Мен баъзи ёш прозаик дўстларимнинг ҳикоячиликда қўллаётган экспериментларини кўриб шунга амин бўлдим. Аммо ҳамма эксперимент ҳам оммавийлашиб кетмаслигини унутмаслигимиз лозим. Жимжимадор сўзлар билан проза яратиб бўлмайди.

Газетхонларга маълум бўлса керак. «Суғд элининг қоплони» (Композитор Икром Аббаров билан ҳамкорликда) операсининг либреттосини ёзганман. Асар ҳақида қисқа қилиб шуни айтиш мумкинки, унда одамзотнинг тақдирини одамзот ҳал қилади деган бир ғоя ётади...

Ҳозир эса ўзимни драматургияда ҳам синаб кўриш учун баъзи изланишлар олиб боряпман.

М. Ботир ака, яна шу ўринда эстрадага доир савол бераман.

Б. З. Марҳамат.

М. Маълумки, сўнгги йилларда республикамизнинг бир қатор область ва шаҳарларида эстрада ансамбллари тузилмоқда. Уларнинг баъзилари халқ тилига тушмоқда. Лекин негадир бу ансамбларда кескин, ўсиш бўлмаяпти. Сизнингча бунинг сабаблари нимада?

Б. З. Менимча, «Ялла»дан бошқа эстрада ансамбллари ҳали изланишда. Ҳатто қўшиқ мухлисларининг эътиборини анчагина қозонган «Садо» ва «Наво» ансамбллари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Лекин бу коллективларнинг изланишларида ютуқлар бор. Ана шу ютуқларни янада мустаҳкамлаш лозим. Қайсики, янги тузилган ансамблда изланиш, ўрганиш пухта бўлмаса, ўсиш ҳам бўлмайди. Бошқа соҳаларда бўлгани каби санъат ҳам тер тўкишни талаб қилади.

М. Кўпчилик газетхонлар ўз мактубларида истеъдодли хонанда Наталья Нурмуҳамедова ижоди билан қизиқадилар. Бу хонанданинг ижрочилик фаолияти ҳақида сизнинг фикрингиз қандай?

Б. З. Ҳақиқатан ҳам, у истеъдодли хонанда. Унинг ижоди менга яқин. У бир вақтлар «Мюзик-холл»да қатнашган.

Наталья шу йил Москвада ўтказилган VII Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсида ва яқинда Ялтада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ социалистик ҳамдўстлик мамлакатларнинг энг яхши қўшиқлари ижрочилари конкурсида ҳам биринчи ўринларни эгаллади. Ана шу муваффақиятлардан кўрининб турибди, келажакда ундан яхши эстрада қўшиқчиси чиқади. Унинг услуби кўпроқ жазивий жанрга яқин бўлиб, ўз овози билан музика товушларини уйғунлаштирибди. Лекин унинг репертуарида халқ қўшиқлари кам. Репертуарни шу жиҳатдан бойитиш устида Наталья ҳам ишлаши, ҳам изланиши керак, назаримда.

М. Инсон ҳилма-хил туйғулар ва кечинмалар оғушида яшайди. Ана шундай инсонга хос бўлган туйғулардан бири — ҳасад туйғусига сиз қандай қарайсиз?

Б. З. Мен ҳасаднинг на қора, на оқини биламан. Санъаткорнинг ёмон ишидан хулоса чиқараман, яхши ишидан қувонаман. Иложи борича ҳасаддан узоқ юраман. Ҳасадчи одам юзига қоракуя суртиб олганга ўхшайди.

М. Қайси рақамни яхши кўрасиз ва нима учун?

Б. З. Ўн тўрт ва етти рақамларини. Ўн тўртда кўп марта ишларим ўнгидан келган. Ҳаётимдаги яхши воқеалар ҳам ўн тўрт рақами билан боғлиқ. Еттини нега яхши кўришимни аниқ айтолмайман. Лекин ҳар гал саҳнага чиқишдан олдин еттигача санайман. «Етти-кетди», дейману саҳнага чиқиб кетаман.

М. Қайси ҳикматли иборани яхши кўрасиз?

Б. З. Ҳикматли сўзларни, мақолларни халқ тафаккурининг юксак меваси деб биламан. Менга айниқса, кўнгли очиқ, сахий одамлар тўғрисидаги ҳикматли иборалар, мақоллар ёқади. Ҳаётда ҳам шундай хислатларга эга бўлган одамларни қадрлайман.

М. Ҳозир қандай янги қўшиқлар устида ишлаяпсиз?

Б. З. Тугамаган иш ҳақида олдиндан бир нарса дейиш қийин. Ҳозир катта программа устида ишлаяпман. Бу программадаги қўшиқлар бир неча туркумдан иборат. Бу программадан, асосан, Шарқ халқларининг қўшиқлари ўрин олади.

М. Ботир ака, самимий суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатни Ашурали ЖУРАЕВ олиб борди



САФАРБАР АФРИКА АДАБИЁТИ

БУГУНГИ курашаётган Африка адабиёти олдида мураккаб ва масъулиятли вазифалар турибди. Мустамлакачилар зулми барҳам топгани билан озодлик ва мустақиллик учун кураш мавзуи янгича аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда Африка кескин мафкуравий кураш майдонига айланган. Империализм ва янги мустамлакачилик кучлари мустақил ривожланиш йўлига кирган мамлакатларни бўғиб ташлашга, уларни иқтисодий жиҳатдан қарам қилиб олишга, прогрессив вазифалардан чалғитишга ҳаракат қилмоқда. Шундай мураккаб шароитда давр Африка зиёлилари, жумладан, ёзувчилар олдига масъулиятли, катта талабларни кўймоқда.

Янги ҳаёт қуриш, чинакамига мустақил давлат яратишнинг мураккаб, машаққатли жараёни ҳақида ҳаққоний ҳикоя қилиш, янги давр кишилари образларини яратиш прогрессив Африка ёзувчиларининг диққат марказида турибди. Кениялик атоқли ёзувчи, халқаро «Нилуфар» мукофотининг лауреати Нгуги Ва Тхионгонинг «Ватанга қайтиш» китоби шу актуал проблемага бағишланган. Автор Африка адабиётларига, ривожланиб келаётган ёш мамлакатлар олдида турган муҳим ижтимоий-маънавий масалаларга муносабатда объектив реалликка таянади, синфий позициядан келиб чиқади. Нгуги Ва Тхионго жамиятни қора ва оқ танларга эмас, балки эзувчи ва эзилувчиларга, ҳўжа ва қарамларга бўлади. «Биз биринчи навбатда жаҳон меҳнаткашларининг бир қисмимиз, ундан кейингина қора танларимиз», деб ёзади адиб.

Нгуги Ва Тхионго Африканинг ёзувчи ва шоирлари ижоди ҳақида ёзар экан, адабиётнинг энг муҳим вазифаларидан бири — миллий бюрократик буржуазиянинг сиёсий, ижтимоий позициясини фош қилиш масаласини кўтариб чиқади. Воле Шойинканинг «Интерпретаторлар», «Жаҳолат даври», Айи Квеи Арманинг «Гўзаллар ҳали туғилгани йўқ», «Парчалар», Чинуа Ачебенинг «Халқдан чиққан одам» ва Нгуги Ва Тхионгонинг «Қонли яп-роқлар» романлари айнан шу хусусида.

Нигериялик машҳур ёзувчи Воле Шойинканинг ижодий диапазони жуда кенг. У оир қанча шеърий тўпламларнинг автори, драматик асарлари эса Европа саҳналарида ҳам катта қизиқиш билан қарши олинмоқда. Муаллифнинг «Интерпретаторлар» романи янги Нигериянинг қарама-қаршиликларга тўла ижтимоий ҳаёти, миллий низолар, анъаналарнинг ҳозирги ҳаётдаги аҳамияти ҳақида ҳикоя қилади. Асарда жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш учун курашаётган ёшлар — ҳаёт соҳиблари образлари ёрқин яратилган.

Империализм, янги мустамлакачилик кучлари ҳар хил йўллар орқали Африка зиёлилари ва кенг халқ оммаси онгини заҳарлаш мақсадида турли омиллардан фойдаланмоқдалар. Ғарб «оммавий маданияти» баъзи мамлакатларда жиддий ижтимоий конфликтларга сабаб бўлмоқда. Бундай «маданият»нинг ижтимоий функцияси кишини қўрқитиш, уни пассивликка ундаш, китобхон ёки томошабиннинг иродасини букиш, эртанги кунга бўлган ишончни сўндиришга қаратилган.

«Негритюд» — «қора эстетика» тарафдорлари эса қора Африкани ҳаммадан устун қўйиш шнори билан чиқмоқда. Бу — ўтмишга танқидий муносабатда бўла олмаслик иллати қора танларни юқори қўйиш руҳидаги шовинизм, панафриканизм ғояларига олиб келиши мумкин. Кенг маънода эса ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан майда буржуазия қарашларига монанд, «Африка социализми» каби утопик тушунчаларни туғдириши мумкин. Африка шароитида патриархал қабила ҳаётига асосланиб яратилиши керак бўлган бундай «бахтли ва адолатли жамият» тўғрисида нигериялик Оби Игбуна, ганалик Бедиако Азаре, кениялик Али Мазрун ва бошқалар асарлар ҳам яратганлар.

Совет китобхонларига таржималар орқали тақдим этилаётган нигериялик Чинуа Ачебе, кениялик Нгуги Ва Тхионго, сенегаллик Сембен Усмон, жанубий африкалик Алекс Ла Гума, Питер Абрахамс ва бошқаларнинг асарлари ўзбек адабиёт мухлисларининг китоб жавонларидан доимий ўрин эгаллаган.

«Бугдой дони» (ўзбек тилида негадир «Мумби» деб аталган) романи ҳам ер ва мустақиллик учун олиб борилган курашга бағишланади. «Болакай нидоси» романидаги каби авторни бу асарида ҳам характернинг, шахснинг шаклланиши қизиқтиради. Роман ёзувчининг ўз ватани ҳақидаги чуқур ва жиддий мулоҳазалари маҳсулидир.

Асарда ўзининг бўлажак «халоскорлик» миссиясини амалга оширмоқчи бўлган сотқин Муго образи озодлик учун ҳақиқий курашчи Кихика образига қарама-қарши қўйилган. Мугога ўзининг сотқинлиқ қилгани сира тинчлик бермайди. Асар охирида Муго қўлга киритилган озодлик кунини нишонлашга тўпланган халойиқ олдида ўз сотқинлигини бўйнига олади: кишиларнинг нафратига учраганига қарамай, унинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлади.

Асарда озодлик учун курашнинг кенг манзараси тасвирланган. Кураш ва сотқинлик, бурч ва муҳаббат масалалари бир-бири билан боғлиқ ҳолда ёрқин очилган. Ёзувчининг ютуғи қаҳрамонлар психологиясини теран тадқиқ этганида яққол кўринади. Асар композицион жиҳатдан оригиналлиги билан ҳам эътиборни тортади.

Осиё ва Африка адиблари ўзлари инсониятнинг ажралмас бир бўлаги эканликларини тобора чуқур ҳис қилмоқдалар. Улар ижодида халқларнинг интернационал бирдамлиги, дўстлик ва қардошлик мавзуи чуқурлашиб бормоқда. «Инсоният ажралмасдир, — деган эди машҳур ҳинд ёзувчиси Мулк Рож Ананд, — сайёрамиздаги одамлар терисининг ранги билангина фарқланади. Инсоният оиласининг ҳар бир вакили миллий анъаналарига асосланиб туриб, фақат ўзи учун эмас, Ер шарида яшовчиларнинг ҳаммаси учун ҳам бойлик яратади ҳамда шу билан ягона умумжаҳон маданиятини қуришда қатнашади».

Талъат СОЛИҲОВ,

Нуриддин ҒИЕСОВ

ИЖОДИЙ СОЮЗЛАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЁЗУВЧИ—НАШРИЁТ—КИТОБХОН

20 сентябрь куни Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи партия ташкилотининг очиқ партия мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишни союз партия ташкилотининг секретари **Раҳмай Файзий** очди. Республика Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари **Саъдулла Кароматов** КПСС Марказий Комитетининг (1983 йил) июнь Пленуми қарорлари асосида «Ёзувчи —нашриёт — китобхон» мавзуида доклад қилди.

—Кейинги йилларда, — деди нотиқ, — совет кишиларининг бой маънавий ҳаётини, тинчлик йўлидаги қаҳрамонона курашларини ёритишга бағишланган кўплаб асарлар яратилди. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, «Ёш гвардия» нашриётларида китоб чиқариш юзасидан бирмунча ижобий ишлар қилинди.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти рус тилида «Ўзбек совет прозаси», «Ўзбек совет поэзияси» сериясида китоблар чиқаришни бошлаб юборди. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг ташаббуси билан рус ва ўзбек тилларида «Ўзбек классик адабиёти» 30 томлигини нашр этиш мўлжалланмоқда.

«Ёш гвардия» нашриётида ҳам кўплаб бадиий асарлар босилмоқда. Лекин шу билан бирга, бу нашриётлар ишларида жиддий нуқсонлар ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунда китобнинг ғоявий-бадиий етуклиги билан бирга унинг ташқи кўриниши ҳам катта ахамиятга эга. Шунга қарамай, нашриётларимизда чиқарилаётган китобларнинг сифати жуда паст. Ташқи бадиий безаклари бўгунги китобхон диди ва талабига мос эмас. Графикачи рассомларни кўпайтириш ва тарбиялаш устида жиддий иш олиб борилмаяпти.

Таассуфки, бадиий адабиёт асарларини нашр этишда республика Иттифоқда охирги ўринларда бормоқда. Болалар китоблари нашр қилиш ҳам талабга жавоб бермайди. Бу жиддий камчиликларнинг ҳаммасига қоғоз танқислиги баҳона қилиб кўрсатилмоқда. Лекин бу баҳона асосли эмас. Қоғоз кам деган нашриётларда кўпгина чет эл ёзувчиларининг иккинчи даражали асарлари 300—500 минг нусхада чиқарилмоқда.

Республикамизда жуда кўп талантли ёзувчилар бор. Уларнинг китобларини магазин пештахталаридан топиб бўлмайди. Лекин нашриётлар бу ёзувчиларнинг энг яхши асарларига 30 — 60 минг нусхадан ортиқ тираж бермайди.

Сўнгги пайтларда китоблар полиграфик жиҳатдан замонавий талаб даражасида чиқмаётир. Тўғри, бадиий безалиши жиҳатдан айрим китобларимиз ҳар йили Бутуниттифоқ конкурсларида совринлар олмоқда. Ҳа, дипломлар, ёрлиқлар бор. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу конкурс ва кўрикларда «ғолиб» чиққан китоблар конкурс учун чиқарилган махсус нашрлардир, ё нашрлардан алоҳида ишланган нусҳалардир. Ваҳоланки, барча китобларни конкурслар учун чиқарилган нашрлар даражасига кўтариш пайти аллақачон келган.

Нашриёт планлари тез-тез ўзгариб туради. Айрим планда бор китоблар пландан тушиб қолиб, унинг ўрнига бошқа китобларнинг чоп этилиш ҳоллари ҳам кўзга ташланмоқда. Айрим китобларнинг босмадан чиқиши судралиб, 4—5 йилга чўзилмоқда.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитети ва бадиий адабиёт чиқарувчи нашриётлар йиллик ва перспектив планларини Ёзувчилар союзи билан яқин ҳамкорликда ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқ.

Адабий- бадиий адабиётларни пропаганда қилишда қатор нуқсонлар мавжуд. Нашриётлар томонидан китобхонлар талаблари ўрганилмаяпти. Китобхонлар конференцияларини ўтказиш, жойларда ёзувчилар билан биргаликда учрашувлар ташкил этишга кам эътибор берилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўп.

Коммунизм қураётган халқнинг маънавий оламини бойитишда, кишиларимизни жамиятнинг етук ватанпарвар фарзандлари қилиб тарбиялашда бадиий адабиётнинг роли бениҳоя катта. Бу масала КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шундай экан, юқорида айтилган камчиликларни тугатишга жиддий киришмоқ лозим.

Доклад юзасидан бўлиб ўтган музокарада Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **Сарвар Азимов**, Ёзувчилар союзи партия ташкилотининг секретари **Раҳмат Файзий**, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири **Одил Ёқубов**, «Шарқ юлдузи» журналининг бош редактори **Ҳафиз Абдусаматов**, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг директори **Жуманиёз Жабборов**, «Ёшлик» журналининг бош редактори **Эркин Воҳидов**, «Ёш гвардия» нашриёти бош редактори ўринбосари **Аҳмаджон Мелибоев**, ёзувчи **Ёқуб Ҳаимов** сўзладилар.

Мажлис принципиаллик ва талабчанлик руҳида ўтди.

ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ. 1978 ИЙЛ.

С. МАҲКАМОВ фотолари

ҚУТЛАЙМИЗ!

ТАРЖИМОН ВА МУҲАРРИР



БУНДАН роса эллик йил муқаддам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтида марксизм-ленинизм классикларини таржима қилиш сектори тузилган эди. Ўша вақтдан буён ўтган ўн йилликлар мобайнида ушбу сектор бир неча авлод вакилларининг ижодий меҳнат самараси ўлароқ, В. И. Ленин Асарларининг 45 томлик тўплами, доҳийнинг икки ва уч томлик «Танланган асарлари», К. Маркс ва Ф. Энгельснинг икки томлик ва уч томлик «Танланган асарлари» ҳамда «Капитал»нинг уч жилди ва бошқа энг муҳим асарлари ўзбек тилида нашр этилди.

Сўнг эса В. И. Ленининг 55 томлик Тўла асарлар тўпламини таржима ҳамда нашр этишга киришилди ва бу ғоят улкан илмий-ижодий меҳнат муваффақиятли якунланди.

Ғиёс Неъматович Неъматов мана ўттиз йилдирки, юқорида тилга олинган йирик нашрларни ўзбек тилига таржима ва таҳрир этиш, бу ишларга бевосита бошчилик қилишга муҳим ҳисса қўшиб келаётир.

Маълумки, Маркс, Энгельс, Ленининг доҳиёна асарларини таржима ва таҳрир қилиш учун аввало, марксизм-ленинизм фанини пухта билмоқ, жаҳон пролетариати устозларининг асарлари ёзилган даврни, мақсадини, ўзига хослигини ва бошқа муҳим жиҳатларни чуқур тушунмоқ, улардаги ҳар бир фикр, ҳар бир ибора ва сўзнинг ўзбек тилидаги энг мос эквивалентини топиб ишлатмоқ даркор. Ҳуллас, доҳийларнинг буюк асарларини нашрга тайёрлаш таржимон ва муҳаррирдан илмий ҳамда бадиий таржимани баб-баравар пухта эгаллашни, сўз заргари бўлишни тақозо этади.

Ғиёс Неъматов ана шу соҳада катта маҳорат ортирди. У Маркс, Энгельс ва Ленининг қатор йирик асарларини, масалан, «Капитал» I томидаги бир неча бобларни, В. И. Ленин Тўла асарлар тўпламидаги бир неча томни, КПСС съездлари ва Марказий Комитет Пленумларининг бир қанча материалларини, «КПСС Программаси» ва «КПСС Устави»ни ўзбекчага таржима қилди. У «СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)» таржимасининг муҳаррирларидан биридир. КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, марксча-ленинча фалсафа ва илмий коммунизм дарсликлари ва ўқув қўлланмалари, партия маорифи системасида ўрганиладиган энг зарур адабиётларни таржима ҳамда таҳрир этишда фаол қатнашди.

Ғ. Неъматов айниқса В. И. Ленин 55 томлик Тўла асарлар тўпламини нашр қилишда таржимон, муҳаррир ва бевосита ташкилотчи сифатида иштирок этганлиги билан ҳақли равишда фахрланади, бу жуда муҳим ишга у бутун билими ва тажрибасини сарфлаган.

Шунингдек, у яқинда чоп этилган «Русча-ўзбекча луғат»нинг муаллифларидан биридир.

Ғиёс Неъматовнинг партия олдидаги хизматлари муносиб тақдирланган. У — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Шу кунларда Ғиёс Неъматов ишлаётган Партия тарихи институтининг коллективи, дўсту биродарлари уни 60 ёши билан муборакбод этадилар ва ижодига янги парвоз тилайдилар.

Илҳом СУЛТОНОВ

ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШИ

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри партия ташкилотининг йиллик ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Бунда театр партия ташкилотининг секретари, СССР халқ артисти **Зикир Муҳаммаджонов**, театр директори, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси **Туроб Тўла**, Ўзбекистон Театр жамияти правлениеси президиумининг раиси, СССР халқ артисти **Сора Эшонтўраева**, Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетининг секретари **Холида Турсунова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Турғун Азизов, Еқуб Аҳмедов, Рихси Иброҳимова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Турғун Ҳонтўраев, Толиб Каримов** ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Мажлисда театр партия ташкилотининг бир йиллик фаолиятига яқун ясалди ва репертуарни бойитиш, томошабинларни жалб этиш, спектакллар савиясини юксалтириш юзасидан янги мавсумда қилинадиган ишлар ҳақида фикр юритилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Маданият бўлими мудирининг ўринбосари **С. Л. Морозов** иштирок этди.

ХАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

МЕЪМОРЛАР ПЛЕНУМИ

Уч мингинчи йилга қадам қўяётган она шаҳримизни меъморларимиз келажакда янада гўзалроқ, замонавийроқ шаклда қурмоқни истайдилар. Аммо буни амалга ошириш осон эмас. Аҳоли сони йилдан йилга ўсиб, Иттифоқимиздаги йирик саноат марказларидан бири бўлиб қолаётган Тошкент меъморлари олдида ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган кўплаб муаммолар бор. Жумладан, шаҳарда қурилаётган иморатларнинг атрофини кўкаламзорлаштириш, кўча ва хиёбонлардаги дов-дарахтларни об-ҳаёт билан таъминлаш кўнгилдагидек эмас. Жуда кенг кўламда олиб борилаётган бинокорлик ишлари, айниқса, ер ости йўллари ва метронинг очиқ усулда қурилаётган жойларида кўплаб чанг кўтарилиб, шаҳар ҳавосини ифлослантирмоқда. Меъморлар лойиҳалашда бундай муаммоларни ҳам қатъий ҳисобга олишлари зарур. Тошкентдаги баъзи тарихий обидаларни сифатли қилиб таъмирлашга ҳам жиддий эътиборни қаратиш керак.

Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи правлениесининг навбатдаги пленумида ана шулар ҳақида сўз юритилди.

Тошкент шаҳрининг бош архитектори, СССР Давлат мукофоти лауреати **С. Одилов** юбилей арафасида пойтахт меъморлари қўлга киритган ютуқларга якун ясаб, келгуси режалар ҳақида доклад қилди.

Музокарада сўзга чиққан Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг архитектура тарихи сектори мудири **М. Бўлатов**, архитектура кандидати **М. Лифановская**, тураржой биноларни меъморчилиги ижодий комиссиясининг раиси **Ю. Мирошниченко** ва бошқалар шаҳар қурилишида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақидаги фикрларини ўртоқлашдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Маданият бўлими мудирининг ўринбосари **С. Л. Морозов** иштирок этди.

КОМПОЗИТОРЛАР СОЮЗИДА

Яқинда союзнинг музикашунослик ва музика танқиди комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда октябрь ойида Самарқандда ўтказиладиган музикашуносларнинг II Халқаро симпозиумига тайёргарлик ишлари тўғрисида комиссия раиси, санъатшунослик кандидати Тўхтасин Ғофурбеков ахборот берди.

Шунингдек, комиссия йиғилишида музикашунослар олдида турган шу куннинг бир қатор муҳим масалаларига онд тадбирлар белгиланди.

* * *

«БАҲОР» концерт залида композиторлардан Мирсодиқ Тожиевнинг 11-симфонияси ва Дилором Сайдаминованинг байрам увертюрасини Ўзбекистон ССР халқ артисти, профессор Зоҳид Ҳақназаров раҳбарлигидаги хизмат кўрсатган республика Давлат симфоник оркестри коллективи ижро этди.

О. ЧАПЛИГИНА.

ДЎСТЛИК КЎПРИКЛАРИ

1958 йилда бўлиб ўтган Осиё ва Африка мамлакатлари тараққийпарвар ёзувчиларининг биринчи конференциясида туғилган «Тошкент руҳи» икки қитъа ёзувчиларининг интернационал дардмлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаб келмоқда. Бўлиб ўтган барча конференцияларда тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш масаласи диққат марказида турди. Бу икки қитъа адиблари яратаётган асарларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Иттифоқда шу асарларни СССР халқлари тилларига, жумладан, ўзбек тилига таржима этиш ҳамда нашр қилиш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон нашриётлари, айниқса, кейинги йиллар ичида Осиё ҳамда Африка мамлакатлари адабиётларини чиқаришга муҳим ўрин ажратмоқдалар. Файз Аҳмад Файз, Агостиньо Нето, Муин Бсису, Сулаймон Лойиқ, Ғулом Панжшириий, Назрул Ислом, Маҳмуд Дарвиш, Абдураҳмон ал-Ҳомисий сингари шоирларнинг тўпламлари, таниқли ҳинд адиби Субҳас Мукержининг «Очлик», Алекс ла Гуманинг «Туманлар мавсумининг сўнгида», япон адиби Такео Арисманинг «Аёл», Сембен Усмоннинг «Ҳарматтан —иссиқ шамол» романлари, анголалик ёзувчи Луандино Виейранинг «Қалб жароҳати» ҳикоя, қиссаларидан иборат китоблари ўзбек ўқувчиларининг маънавий мулкига айланди.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти бу йил китобхонларга Ф. Бойқуртнинг (Туркия) «Ироззанинг қисмати», Масужининг (Япония) «Қора ёмғир» романлари, Б. Варманинг (Ҳиндистон) «Дайдилар» ҳикоялар тўпламлари, У. Законий, А. Фараж, Али Сафийнинг асарларидан иборат «Машҳур воқеалар китоби» каби китобларни тақдим этди.

Бундан ташқари, конференцияга бағишлаб «Тирик хотирот» шеърлар ва ҳикоялар тўплами ҳам нашр қилинмоқда. Унга москвалик адабиётшунос В. Коткин тартиб берган. 25 мамлакатдан 45 шоирнинг асарлари жамланган бу китоб Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа қилиш Совет комитетининг раиси С. Азимовнинг «Навқирон балоғат» деб номланган сўзбошиси билан очилади.

«Ёш гвардия» нашриёти ҳам кейинги йилларда Рабиндранат Тагорнинг «Донишманд Роҳа» асари ва ҳикоялар тўплами, Азиз Несиннинг «Футбол қироли» китоби, социалистик мамлакатлар ёзувчиларининг асарларидан тузилган «Атрофимдаги одамлар» тўпламлари, Вьетнам ёзувчиси Нгуен Динь Тхининг «Оташ ва осмон» китобларини чиқарди.

Нашриётда, айниқса, Осиё ва Африка мамлакатлари адибларининг ёшлар ва болалар ҳаётидан олиб ёзилган асарларини нашр этишга кўпроқ эътибор берилмоқда. Ўттиздан ортиқ ҳикояни ўз ичига қамраб олган «Осиё овози» тўплами, турли халқлар эртакларидан иборат «Эртаклар ороли», «Жаҳон халқлари эртаклари» тўпламлари, атоқли турк шоири Нозим Ҳикматнинг «Ошиқ булут» эртаклар китобининг нашр қилиниши бунинг далилидир. Булар ва бошқа яна ўнлаб асарлар шу кунларда конференциянинг 25 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган китоб кўргазмасида намойиш этилади. улар халқларимизни бир-бирига яқинлаштириш, дўстлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлади. Ҳа, китоблар — чин дўстлик кўприкларидир.

ТЎЙГА ТЎЁНАЛАР

АЛЕКСАНДРОВ номидаги Совет армияси академик ашула ва рақс ансамблининг Тошкентда гастроллари муваффақиятли давом этмоқда. Республикамиз пойтахтининг 2000 йиллигига ва ансамбль ташкил этилганлигининг ярим асрлик юбилейига бағишланган концерт программалари ўлкамиз меҳнаткашларида катта таассурот қолдирмоқда.

Мамлакатимизда ва чет элларда ҳам донг таратган бу ансамблнинг репертуаридa 1700га якин қўшиқ ва рақс бор. Улар орасида турли халқларнинг музика санъати намуналари учрайди. Ансамбль бу йил бир қанча хорижий Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарда бўлди.

— Гастроль сафарлари коллективимизни ижодий кўрикдан ўтказиш билан биргаликда репертуаримиз бойишига ҳам хизмат қилади,— дейди ансамбль раҳбари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва СССР Давлат мукофотларининг лауреати, СССР халқ артисти Борис Александров. — Чунки ҳар бир халқнинг ўзи ёқтирган куй ва қўшиқлари бўлади. Улардан ҳамиша ниманидир ўрганасан, фикрларингни бойитасан. Янги қўшиқлар туғилади. Ўзбекистон ҳам ана шундай қадимий ва оҳангларга бой ўлкалардан. Бу сафаримиз Тошкентнинг тўйига мучосиб армуғон бўлади. Айниқса, бу гастролимиз Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари VII конференцияси арафасида бўлиб ўтаётганлиги янада қувончлидир.

Ансамблнинг репертуаридан рус классик қўшиқлари билан биргаликда, совет халқининг қаҳрамонона курашини куйловчи «Катюша», «Алёша», «Тачанка», «Муқаддас уруш» сингари оммалашиб кетган қўшиқлар ҳам муносиб ўрин эгаллаган. Янги куй ва қўшиқларнинг туғилишида композитор Б. Александров ҳамда ансамбль репертуар бўлимининг раҳбари В. Добронравовнинг хизматлари катта.

Коллектив бу сафарги гастроль сафарига янги қўшиқ ва рақслар билан келган. Б. Александровнинг улкан тўйга атаб ёзган «Тошкент» одаси, Д. Тухмановнинг «Тошкент», И. Лученконинг «Қирқ бешинчидан мактублар» қўшиқлари биринчи бор шу ерда янграйди. Бундан ташқари, концерт программасига ранг-баранг композициялар киритилган. Гастроль республикамиз шаҳар, қишлоқлари бўйлаб давом этмоқда.

ПРЕСС-БЮЛЛЕТЕНЬ

ВСЕ ФЛАГИ В ГОСТИ

МЕЖДУНАРОДНЫЕ СВЯЗИ — ПИСАТЕЛЕЙ

дорогой борьбы и побед

МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

24 сентябрь куни «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг конференция залида Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг навбатдаги анжуманига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни матбуот марказ раҳбари Одил Ёқубов очди.

Конференция ишида СССР Ёзувчилар союзининг секретари Юрий Воронов ва СССР ёзувчилар союзининг чет эллар билан алоқа қилувчи комиссиясининг раиси Александр Косоруков қатнашдилар. Улар анжуманнинг ўтказилиш тартиби ва матбуот ходимларининг конференция ишидаги вазифалари хусусида гапирдилар. Шунингдек, улар муҳбирларнинг саволларига ҳам жавоб бердилар.

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Андижон район марказида 500 ўринли янги «Правда» номидаги ёзги кинотеатр ишга туширилди. Кинотеатр ҳашар йўли билан қисқа муддатда қурилиб, РСДРП II съездининг 80 йиллик юбилейи нишонланган кунларда кинофильмлар намойиш қила бошлади.

Киноетатр биносининг тез кунда қурилишда район кинолаштириш дирекциясининг Т. Бўронбоев бошлиқ шофер киномеханиклари ҳам фидокорона меҳнат қилдилар. Район аҳолиси Ватанимиз киностудияларида ишлаб чиқарилган янги бадиий ва ҳужжатли фильмларни ўз вақтида томоша қилмоқдалар.

Н. ИНОҚОВ

ШЕЪР ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ

СВЕРДЛОВ номидаги концерт залида катта шеърият кечаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Туроб Тўла кечани оча туриб, Тошкентнинг 2000 йиллиги, ёзувчи ва шоирларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, уларнинг дунёда тинчликни сақлаш борасидаги сай-ҳаракатлари хусусида алоҳида тўхталди, Осиё ва Африка ёзувчиларининг VII конференцияси ҳам ана шу йўлдаги катта қадам эканлигини таъкидлади.

Шеърият кечасида ранг-баранг ёрқин қўшиқлар куйланди. Адабиётимизнинг улкан шоирлари — Ҳамид Олимжон, Зулфия, Шароф Рашидов, Миртемир шеърлари билан айтилган қўшиқлар шеърият ихлосмандлари томонидан қизгин кутиб олинди. Туроб Тўла, Рауф Парфи, Шукур Қурбон Тошкент ҳақидаги, гражданлик руҳидаги ва лирик шеърларидан ўқишди.

Кечада янграган қўшиқларни шоир ва хушовоз хонанда Дадахон Ҳасанов ижро этди.

Е. ХУЖАМБЕРДИЕВ

«ТУСМОЛ» МУҲОКАМАСИ

ҲАМЗА номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг бадиий кенгаши Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Тусмол» деган янги трагикомедиясининг муҳокамасини ўтказди. Театрнинг директори ва бадиий раҳбари, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Туроб Тўла раислигида бўлган йиғилишда СССР халқ артистлари Сора Эшонтўраева, Зикир Муҳаммаджонов, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Зайнаб Садриева, Саъдихон Табибуллаев, Ойдин Норбоева, Турғун Азизов, драматурглар Иззат Султон, Машраб Бобоев, санъатшунос Тошпўлат Турсунов ва бошқалар сўзга чиқиб, пьесада шу куннинг маънавий-ахлоқий масалалари тилга олинганини таъкидладилар, асарга янада сайқал бериш борасидаги ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ўртоқлашдилар.

«Тусмол» саҳналаштириш учун театр планига киритилди.

П. МОЛОТНИКОВА,
театрнинг адабий эмакдоши

МИТТИ ТЕЛЕВИЗОР

Япониянинг «Касис компьютер компани» компанияси дунёда энг кичик ҳажмдаги телевизорларни сотишга чиқара бошлади. Телевизорнинг оғирлиги 350 грамм, бўйи эса 8 сантиметр ва эни 11,8 сантиметр келади. Компания вакиллари ва конструкторларнинг фикрича, янги митти телевизор сайёҳларга, шаҳардан ташқарида сайр этувчиларга ва ҳар хил ишқибозларга жуда қўл келади. Ундан транспортда ҳам, касса олдида навбатда турган пайтда ҳам, театр фойеларида ҳам ва умуман, телетомошабинлар хоҳлаган жойларида фойдаланишлари мумкин. Янги телевизор аёллар сумкасига бемалол сиғади.

СУРАТДА: сотувга чиқарилган митти телевизор

Азиз НЕСИН
(Туркия)

ДЎСТЛАР ДАВРАСИДА

МЕН руслардай хушфеъл, хушмуомала халқни кўрмаганман. Ҳатто тилини биласангиз ҳам, дилингизга йўл топишади.

Шанба оқшоми, соат икки яримга яқинлашмоқда. Мен Горький кўчаси бўйлаб, Марказий телеграфдан меҳмонхонага қайтардим. Пушкин майдонига етганимда йўлимда бир киши учраб, рус тилида ниманидир сўрай кетди.

Мен олдинига кайфи ошиб қолган йўловчи шунчаки чениш сўраяпти деб ўйладим. Енимдан бир қути сигарет чиқардим. У кулимсираб, ёнидан сигарет қутисини олиб кўрсатди. Биз ёнма-ён кета бошладик. У туркча, мен эса русча бир оғиз ҳам сўз билмаймиз. Ишониш қийин, аммо биз бир-биримизни тушунардик. Пушкин ҳайкали ёнига борганимизда у таклиф қилди.

— Келинг, ўтирайлик.

Мен унинг гапини шундай тушундим. Биз хиёбондаги курсилардан бирига ўтирдик. У Пушкин ҳақида ҳикоя қила бошлади.

— Менга Пушкин жуда ҳам ёқади, — дедим.

— Сиз унинг шеърларини биласизми? — сўради у.

— Оз-моз,—дея жавоб бердим,—у худди туркка ўхшаб сева олади. Шунинг учун ҳам Пушкинни севаман. Туркнинг қалбида севги учқунланса, муҳаббати йўлида жонини ҳам аямайди...

— Йўқ. Пушкин ўз номусини ҳимоя қилаётиб ҳалок бўлган—жавоб берди у.

Биз баҳслаша кетдик. Тилларимиз бошқа-бошқа бўлса-да, чинакамига тортишардик.

Биз ўрнимиздан турдик. Яна йўлда давом этдик Энди мен гапга тушиб кетдим. У гоҳо сўзимни бўлиб, ниманидир сўраб қўяр, мен жавоб берар эдим.

Маяковский майдонига етиб келдик. Суҳбатимиз шоир ҳайкали қошида давом этди. Кейин дўстона қучоқлашиб, хайрлашдик. Мен бу учрашувдан жуда-жуда мамнун эдим. У ҳам мамнун бўлгандир деб ўйлайман. Бирдан унинг исмини сўрамаганлигим ёдимга тушди. Орқасидан қичқирдим, аммо у эшитмади. У ҳам исмимни сўрамади, ким эканлигим билан қизиқмади. Меҳмонхонага етиб келганимда соат тўрт бўлган эди.

Тонг отди. Шу куни якшанба эди. Мен таржимон дўстим билан хотинимдан келадиган хатни олиш учун Ёзувчилар союзига бордик. Якшанба бўлгани учун эшик берк эди. Қўнғироқ қилдик. Ҳузуримизга бир аёл чиқди. Биз ундан хатни олишимиз мумкинми деб сўрадик. У «Бугун якшанба» ёки «Хатни ололмайсизлар» демади. Олдин ичкарига таклиф қилди. Беш минутча нима ҳақидадир гапирди. Кейин олдимизга бир киши келди. Мен интиқ бўлиб кутаётган хатни ололсак керак деб суюндим.

— Биласизми, ахир бугун якшанба-ку, — деди у киши.

— Ҳа, — дедим мен.

— Якшанба куни ҳаммаёқ берк бўлади.

— Хайр, — рус тилида қисқа жавоб қилиб, ташқарига чиқландим.

Ҳалиги киши мени мириқиб гурунглашадиган одам деб ўйлади шекилли, ҳадеганда хайрлашгиси келмасди.

— Агар якшанба бўлмаганда, бошқа куни келганингизда эди, хатингизни албатта олардингиз.

— Албатта.

— Сизга ёрдам беролмаганимдан жуда хижолатдаман.

— Катта раҳмат! Хайр, — дедим рус тилида.

— Биласизми, кеча шанба эди.

— Ҳа.

— Агар кеча келганингизда эди, унда хатингизни олган бўлардингиз.

— Албатта.

— Аммо кеча тушгача келишингиз лозим бўларди. Чунки шанба куни тушликдан сўнг ҳеч кимни тополмайсиз... Албатта, хатингиз келган бўлса, олишингиз мумкин, аммо келмаган бўлса ололмайсиз.

— Катта раҳмат... Хайр...

— Ҳозир сизга айтаман: эртага душанба.

— Биламан.

— Агар эртага келсангиз, хатингизни оласиз.

— Раҳмат.

— Аммо ўн иккигача ва бешдан кейин келиб юрманг; ҳеч кимни тополмайсиз. Сиз соат учда кела оласизми? Эртага банд бўлсангиз, сешанба ёки пайшанба кунлари келишингиз мумкин.

Ҳалиги киши астойдил менга ёрдам қилишни истаганидан, сергаплиги ҳам ғашимга тегмас, ҳамон орқамдан эргашиб келар эди.

— Агар хат келган бўлса, эртага албатта оласиз, — энди унинг гапини эшик ортидан эшитдим.

Эртаси куни душанба эди. Мен бир рус ўртоғим билан Сатира театри ёнида учрашишим керак. Ўша ўртоғим Сатира театри ўзим яшаётган меҳмонхонага яқин эканлигини айтганди.

Дарҳақиқат, театр мен истиқомат қилаётган «Пекин» меҳмонхонаси қаршисида экан. Аммо мен бундан бехабар эдим. Русча ҳарфларга тишим ўтмаганидан, «Сатира театри» деган каттакон ёзувни ўқий олмабман.

— Кечирасиз, — дея бир йўловчига мурожаат қилдим. — Сатира театри қаерда?

Турк қўли билан «Мана рўпарангда!» деб шартта кўрсатиб қўя қоларди. Аммо сўзамол, ҳиммати баланд рус тушунтира кетди:

— Ўнг томонга қараб уч юз метрча юрасиз, у ерда ер ости йўлига кўзингиз тушади. Ўша йўлдан кўчанинг нарига томонига ўтасиз. Кейин...

Енимизга шляпа кийган аёл келди:

— Қаёққа бормоқчисиз?

— Сатира театрига!

— Нега у кишига узоқ йўлни кўрсатяпсиз? — деди у ҳалиги кишига. Менга ўгирилиб тушунтирди:

— Мен сизга яқинроқ йўлни кўрсатаман. Маяковский ҳайкалини кўряпсизми? Ахир Маяковскийни биласиз, тўғрими? У бизнинг буюк шоиримиз. Ҳар бир сўзи — замбаракнинг ўқи. Хуллас калом, ҳайкални қоралаб боравересиз...

Ҳалиги киши аёлга эътироз билдирди:

—Машиналарни кўрмаяпсизми? Ўтолмайди бу ердан. Яхшиси, ўтиш жойидан боргани маъқул.

Кексароқ бир киши келиб гапга қўшилди:

— Сиз хорижиймисиз? — деб сўради у инглиз тилида.

— Ҳа.

— Сатира театрига бормоқчимисиз?

— Ҳа.

—Нега унга энг қисқа йўлни кўрсатмаяпсизлар?—дея эркак билан аёлни койиди ва бутунлай бошқа йўлдан театрга боришни тушунтира кетди. Улар баҳслашиб туришганда чиройликкина рус қизи келиб қолди. Бахс авжига чиқди. Мен бир четга чиқиб, уларни кузата бошладим. Қизчанинг фикрича, яхшиси таксига ўтирганим маъқул экан. Яна бир киши келиб қўшилди. Азбаройи қизишганидан улар мени ҳам унутиб юборишди, ўзимча секин юриб кетдим. Бирдан учрашмоқчи бўлган ўртоғим олдимдан чиқиб қолди, у мени кутаётган экан. Кўчани шундоқ кесиб ўтсам бас, уни кўрарканман.

— Мени осон топдингизми? — сўради у.

— Жуда осон топдим. — дедим.

Ўртоғим ҳам Сатира театрига боришнинг энг осон йўлини тушунтира кетди. Ваҳоланки, биз театр эшиги ёнида турган эдик.

— Мен билиб олдим, — дедим миннатдор бўлиб.

— Кейинги гал йўлни осонгина топиб оласиз:

Руслар ана шундай олийҳиммат ва дилкаш кишилар. Улар билан яқиндан танишсанг, чин юракдан ёқтириб қоласан.

Ш. ОТАБОЕВ таржимаси

«Шум бола» чойхонаси бугун ҳар қачонгидан ҳам гавжум ва серфайз. Чойхўрлар хандасида катта анжуман—байрам руҳи!

Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг VII конференцияси иш бошлади. Қўли қўлига, оёғи ерга тегмай кулги шинавандларига хизмат қилаётган Шум бола чойхонага таниқли турк ёзувчиси Азиз Несин, қадрдонимиз Насриддин Афанди ва Африка халқларининг қизиқчиси Си Жехони таклиф этди.

ҚИШЛОҚДА сайр қилиб юрган Си Жехо маст ухлаб ётган қозига дуч келиб қолди. Унинг эгнидаги чопонини ечиб, ўзи кийиб олди.

Қози уйғониб қараса, чопони йўқ. Хизматкорларини излашга юборди. Улар Си Жехони тутиб, қози ҳузурига келтиришди.

— Чопонни қаердан олдинг? — деб сўради қози.

— Мен буни маст бўлиб ўлиндай чўзилиб ётган одамдан ечиб олувдим. Мабодо сизники бўлса, узр. Марҳамат, олишингиз мумкин.

— Йўқол бу ердан! қичқирди қози. — Бу менинг чопоним эмас.

* * *

СИ ЖЕХО бир куни болохонада ухлаб ётганда, қўшниси чақириб қолди:

— Ҳой, Си Жехо!

Си Жехо ўрнидан туриб, пастга қаради:

— Нима дейсиз?

— Бу ёққа тушинг, азизим, гап бор.

Си Жихо пастга тушди.

—Нима дейсиз?

— Соатингиз неча бўлди.

— Мен билан юринг, айтаман.

Қўшниси билан болохонага чиқишгач, Си Жихо деди:

— Соатим саккиз кундан бери юрмаяпти.

— Нега энди шуни пастда айта қолмадингиз? — деди қўшниси жаҳл билан.

— Ўзингиз нега гапингизни болохонада турганимда айтмадингиз? — жавоб қилди Си Жехо.

* * *

Бир қози жуда хотинбоз эди. Тез-тез уникида меҳмон бўлиб турадиган Си Жехо ҳар сафар қозини уялтирарди:

— Ўзингиз қози бўла туриб хотинларни йўлдан урганги уялмайсизми? Шарманда бўласиз-а. Ҳеч бўлмаса худодан қўрқинг.

Қози ўйланиб қолди. Унинг уйида хизмат қиладиган чиройли жувон буни кўриб, қозидан сўради:

— Сизга нима бўлди, хўжайин?

Қози Си Жехонинг гапини айтди.

— Бор-йўғи шуми? — ҳайрон бўлди хизматкор аёл. — Унда мени Си Жехоникига юбориб, бир пастдан сўнг ўзингиз ҳам тўсатдан кириб боринг. Томошани ўзингиз кўрасиз.

Қози розилик берди.

Хизматкор аёл Си Жехоникига борди. Си Жехо уни биринчи кўришидаёқ севиб қолди ва мурувват кўрсатишини сўраб, ялина бошлади.

Аёл шарт қўйди:

— Майли, мен рози. Лекин сен аввал тўрт оёқлаб юрасан. Мен эса сени эгарлаб, минаман.

Си Жехо кўнди.

Аёл унинг елкасига эгар солиб, устига энди минган эдики, хонада қози пайдо бўлди.

— Аёлларни йўлдан урманг, деб насиҳат қилган сенмидинг, Си Жехо! — кулди у.

— Сизнинг мана шундай эшакка айланиб қўлишингиздан қўрққандим-да, тақсир.

Қози енгилганини тан олиб, Си Жехога совға-салом ҳадя қилди.

О. ОЧИЛОВ таржимаси

АФРИКА ЛАТИФАЛАРИ

НАСРИДДИН Афанди туш кўрибди. Тушида кимдир унга тўққиз танга узатибди. «Ҳеч бўлмаса ўн танга бер», дебди Афанди. Бир маҳал у уйғониб кетибди, қараса кафти бўм-бўш эмиш. Шунда у дарҳол кўзини юмиб, қўлини чўзибди: «Майли, тўққиз тангани беравер».

* * *

ЎЛИМ тўшагида ётган Афанди хотинига дебди:

—Қани, хотинжон! Энг яхши кийимларингни кийиб, ясаниб ол, сочларингни юв, жилмайиб юр. Иложи борича ўзингни бежирим кўрсатишга ҳаракат қил, сўнг ёнимга кел.

—Сени шундай оғир аҳволда қандай ёлғиз ташлаб қўяман? Ясанишга бало борми? Ўлсам ҳам бунга рози бўлмайман. Нима ҳожати бор ўзи? Сен мени шунақа виждонсиз, ярамас хотин деб ўйлайсанми?

—Йўқ хотинжон, — дебди Афанди, —қаёқдаги бемаъни нарсаларни ўйлаб юрибсан. Мақсадим бутунлай бошқа. Кўриб турибманки, жоним омонат. Азроил атрофимда айланиб юрибди. Агар у сени шу фариштадай ясанган ҳолатда кўрса, мени тинч қўйиб, сени кўзларимиди... Мақсадимни энди тушунгандирсан?

* * *

АФАНДИ қози эди, ҳузурига айёр, бой-бадавлат бир киши содда қўшнисини судраб келибди.

—Туш кўрсам, у мендан қарз экан. Сўрасам, қарзидан тоняпти.

—Сен ҳақсан! — деди Афанди бироз ўйга толиб. Аммо қонунда тушдаги қарзни тўлаш кўзда тутилмаган. Бориб ухла. Мабодо, яна ўша тушни кўрсанг, уйғонмай олдимга чопиб кел, шунда қарзингни ундириб бераман.

* * *

ШАҲАР қозиси Афандини жуда ёмон кўрарди. Бир куни Афанди иш билан қозиникига борибди. Уйга яқинлашаётганда қози деразадан мўралапти-ю дарҳол ғойиб бўлипти. Афанди эшикни тақиллатипти. Хизматкор чиқиб сўрапти:

—Сенга ким керак?

—Мен қозини кўрмоқчи эдим.

—Хўжайин уйда йўқ, — жавоб берибди хизматкор,— у бозорга кетган.

—Ундай бўлса хўжайнингга айтиб қўй, бозорга кетаётганда калласини деразага қўйиб кетмасин, бўлмаса одамлар уни уйда экан, деб ўйлашади.

* * *

АФАНДИНИНГ олдига саводсиз қўшниси хат олиб чиқиб, ўқиб беришни илтимос қилипти.

—Ўқишни билмайман, — дебди Афанди.

—Қўшниси хайрон бўлиб, унга бошдан-оёқ тикилибди:

—Ўқишни билмас экансан, бошингдаги катта саллага бало борми?

Афанди дарҳол саллани бошидан олиб, қўшнисига узатибди:

—Гап саллада бўлса, мана ўзинг ўқий қол.

Ш. КАРИМОВ таржимаси

ШАРҚ ЛАТИФАЛАРИ

Рассом С. САЛОҲИДДИНОВ

Рассом Р. АБДУЛЛА

Боши бешинчи бетда

«МЕН—СЕН ЭМАСМАН»

ИККИ ХАТГА БИР ЖАВОБ

Бегматжон! Сиз айтган тўй масаласи, сеп масаласини ҳам бир ёқлама баҳолаб бўлмайди. Тўй — халқимизнинг қадимий удуми. Жуда яхши одат. Тўй баҳонасида узоқ-яқин қариндош-уруғлар, дўст-биродарлар дийдор кўришади. Яхши тилаклар, яхши ниятлар айтилади. Бунинг ҳеч бир зарарли жойи йўқ. Бироқ кейинги пайтларда бу борада жуда кўп ташвишли фикрлар айтилаётгани бежиз эмас. Гап шундаки, тўйни ўзини кўрсатиб оқибат қарзга ботиш ҳам мешчанлик. Тасаввур қилинг, келинпошшанинг отаси оддий хизматчи, 150 сўм маош олади. Тўрт боласи бор. Битта қизига чет эл гарнитури олгандаёқ «бели чиқиб» кетади. Ота қарзини узиш учун ўзини ўтга-чўққа уради. Шунча дарангдурунг шартмиди, шунча исрофгарчилик шартмиди, дейдиган одам йўқ. Тасаввур қилинг, қуёв энди институтни битирган ёш мутахассис. Маоши ўзига яраша. Бу ёнда қуёвнинг отаси ҳам тўй туфайли инқиллаб юрибди. Келин билан қуёв-ку, ҳали жамиятга беш тийинлик фойда келтиргани йўқ. Нимага энди улар «шоҳона» шароитда яшаши керак, бирга-лашиб меҳнат қилиб топгани ширин бўлмайдими, дейдиган одам йўқ. Қолаверса, келин «ҳеч ким кўрмаганни кўргиси» келади. Қўйиб берса ўз эрига ўз муҳаббатини сотишдан ҳам қайтмайди. Қуёв тўғри йўлдан бориб керагидан ортиқ пул тополмагач, эгри йўлга киради. Давлат киссасига, халқ мулкига қўл чўзади. Мана сизга мешчанликнинг жамият манфаатига зид моддий зарари!

Кейинги пайтларда мешчанликнинг бундай кўринишлари фақат тўйда эмас, таъзия-маросимларда ҳам кўзга ташланяпти. Баъзи таъзиялларга борсангиз, ажратолмай қоласиз, азами, тўйми! Отаси ёки онаси ҳаётлигида вақти келса беш сўмлик совға билан кўнглини овламаган фарзанд уларнинг вафотидан кейин минглаб сўм сарфлаб «ўзини кўрсатади». Шаҳардаги қабристонлардан бирида айланиб юрганимда, баҳайбат мармар хотирага кўзим тушди. Фарзанди отасига тош ўрнатибди-да, тагига «Ўғлингиз фалончидан» деб ўз исмини ёзиб қўйибди. Ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим. Ҳеч ким ўзини кўрсатиб оқибат қарзга ботиш ҳам мешчанлик. Тасаввур қилинг, келинпошшанинг отаси оддий хизматчи, 150 сўм маош олади. Тўрт боласи бор. Битта қизига чет эл гарнитури олгандаёқ «бели чиқиб» кетади. Ота қарзини узиш учун ўзини ўтга-чўққа уради. Шунча дарангдурунг шартмиди, шунча исрофгарчилик шартмиди, дейдиган одам йўқ. Тасаввур қилинг, қуёв энди институтни битирган ёш мутахассис. Маоши ўзига яраша. Бу ёнда қуёвнинг отаси ҳам тўй туфайли инқиллаб юрибди. Келин билан қуёв-ку, ҳали жамиятга беш тийинлик фойда келтиргани йўқ. Нимага энди улар «шоҳона» шароитда яшаши керак, бирга-лашиб меҳнат қилиб топгани ширин бўлмайдими, дейдиган одам йўқ. Қолаверса, келин «ҳеч ким кўрмаганни кўргиси» келади. Қўйиб берса ўз эрига ўз муҳаббатини сотишдан ҳам қайтмайди. Қуёв тўғри йўлдан бориб керагидан ортиқ пул тополмагач, эгри йўлга киради. Давлат киссасига, халқ мулкига қўл чўзади. Мана сизга мешчанликнинг жамият манфаатига зид моддий зарари!

Кейинги пайтларда мешчанликнинг бундай кўринишлари фақат тўйда эмас, таъзия-маросимларда ҳам кўзга ташланяпти. Баъзи таъзиялларга борсангиз, ажратолмай қоласиз, азами, тўйми! Отаси ёки онаси ҳаётлигида вақти келса беш сўмлик совға билан кўнглини овламаган фарзанд уларнинг вафотидан кейин минглаб сўм сарфлаб «ўзини кўрсатади». Шаҳардаги қабристонлардан бирида айланиб юрганимда, баҳайбат мармар хотирага кўзим тушди. Фарзанди отасига тош ўрнатибди-да, тагига «Ўғлингиз фалончидан» деб ўз исмини ёзиб қўйибди. Ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим. Ҳеч ким ўзини кўрсатиб оқибат қарзга ботиш ҳам мешчанлик. Тасаввур қилинг, келинпошшанинг отаси оддий хизматчи, 150 сўм маош олади. Тўрт боласи бор. Битта қизига чет эл гарнитури олгандаёқ «бели чиқиб» кетади. Ота қарзини узиш учун ўзини ўтга-чўққа уради. Шунча дарангдурунг шартмиди, шунча исрофгарчилик шартмиди, дейдиган одам йўқ. Тасаввур қилинг, қуёв энди институтни битирган ёш мутахассис. Маоши ўзига яраша. Бу ёнда қуёвнинг отаси ҳам тўй туфайли инқиллаб юрибди. Келин билан қуёв-ку, ҳали жамиятга беш тийинлик фойда келтиргани йўқ. Нимага энди улар «шоҳона» шароитда яшаши керак, бирга-лашиб меҳнат қилиб топгани ширин бўлмайдими, дейдиган одам йўқ. Қолаверса, келин «ҳеч ким кўрмаганни кўргиси» келади. Қўйиб берса ўз эрига ўз муҳаббатини сотишдан ҳам қайтмайди. Қуёв тўғри йўлдан бориб керагидан ортиқ пул тополмагач, эгри йўлга киради. Давлат киссасига, халқ мулкига қўл чўзади. Мана сизга мешчанликнинг жамият манфаатига зид моддий зарари!

Ана энди, Ваҳобжон, сиз ташвишланиб ёзган шахсий манфаат масаласига ҳам етиб келдик. Ҳаётимизда ўзига ишониб топширилган вазифани сидқидилдан бажараётган, ўз қўл остидагиларни мислсиз меҳнат жасоратига ундайдиган, ўзи ҳам бу соҳада ўрнак бўладиган ажойиб раҳбарлар, чинакам коммунист йўлбошчилар кўп. Жуда кўп! Аммо сиз ўз хатингизда тасвирлаган «амалдорлар» ҳам, афсуски, йўқ эмас. Бунақалар «оддий», «тўпори» мешчанлар эмас. Булар китоб ҳам ўқийди, театрга ҳам боради, кези келса, ҳаммага ақл ўргатади, иложини топса, арзимаган баҳона билан авантюристларча даҳдаҳага ўтади. Аммо унинг кўнглида мешчанликнинг энг мудхиш белгиси — ўз манфаатини ҳамиша биринчи ўринга қўйиш нияти ҳукмрон. У арзимаган амалга эришиш учун «керакли» одамларнинг оёғини ялайди, ҳафсала билан ялайди. Иши битиши билан ўша одамлар «керексиз»га айланади. Энди у ўз навбатида янги — «керакли» кишиларни излайди. Яна оёқ ялашга тушади. «Керакли» одамларга қанчалик елпатак бўлса, қўл остидагиларга шунчалик зуғум қилади. Асосий мақсади ўзига топширилган вазифани сидқидилдан бажариш эмас. Мақсад —ўз ишини битириш: курсида маҳкамроқ ўтириш, иложи бўлса тағин бир поғона кўтарилиш. Тўғри йўл биланми, эгри йўл биланми, пора биланми, қандай бўлмасин, мавқеини мустаҳкамлаш. Энг аввало, шахсий манфаатини ўйлаш унинг қон-қонига сингиб кетади. Бора-бора унинг учун умуман одамзод икки тоифага ажралиб қолади: «фойдали» ёки «фойдасиз». «Фойдали»ни тепкилайди. Одамлар аҳмоқ эмас. Унинг қимлигини биладилар. Бу дегани шуки, сиз ёзган тоифадаги мешчанлар ўзи эгаллаб турган каттамикичикми ўрнини қиладилар, айрим кишилар назарида адолат, ҳақиқат деган муқаддас тушунчага шубҳа туғдиради. Мана сизга мунофиқлик билан қўшилиб кетган мешчанликнинг энг жиддий ижтимоий зарари!

Ҳар қандай мешчанлик заминида, аввало, шахсий манфаатпарастлик ётади, Албатта, биз ҳеч қачон шахсий манфаатни жамият манфаатига зид қўймаймиз. Негаки, жамиятнинг ўзи шахслар йиғиндисидан иборат. Лекин жамият манфаатидан ўз манфаатини устун қўйиш халқ манфаати, Ватан манфаатига зид келади. Нуқул ўз манфаатини кўзлаш ниҳоятда хавфли иллат туғдириши мумкин. Ҳали биз «болаларимиз машаққат чекмасин» деган бир қарашда ниҳоятда табиий кўринадиган тушунча охир-оқибат хатарли натижаларга олиб келиши мумкин, дедик. Мешчанликнинг бу кўринишиқандай «вояга етиб», қанақа «мева» беришини мантиқан кузатиб кўрайлик. Табиийки, ҳаммамиз ҳам фарзандимиз бахтли бўлишини хоҳлаймиз. Бироқ болага етарли шароит яратиб бериш билан хоҳлаганча шароит яратиб бериш ўртасида жиддий фарқ бор. Боланинг оғзидан чиққанини муҳайё қилинаверса, бора-бора у ўзининг тенгдошларидан «устун» эканини сеза бошлайди. Қолаверса, мешчан ота-она болага «фалончи билан гаплашма», «фалончи билан ўйнама», «улар сенинг тенгинг эмас», деб қулоғига қуяди. Энг хавфли иллат ана шундан бошланади. Мешчанинг боласи — «ҳаваскор мешчанча» сўнг «семириб», ҳақиқий мешчанга айланганини ўзи ҳам билмай қолади. Бошқалар велосипед минса, у мотоцикл миниши керак, бошқалар «Москвич»да юрса, у «Волга»да юриши керак, бошқалар пальто кийса, у почапўстин кийиши керак ва ҳоказо. Эҳтимол, у тенгқурларидан дурустроқ ўқиши ҳам мумкин. Аммо бундай мешчан ҳеч қачон, ишонч билан айтаманки, ҳеч қачон ҳақиқий маданиятли инсон бўла олмайди. Негаки, маданиятнинг туб моҳияти мушкул пайтда одамларга яхшилик қила билиш, керак пайтида адолатни ҳимоя қилишдан иборат. Мешчан ўз манфаати учун оқни-қора, қорани—оқ деб тураверади. Борингки, мешчанлик муҳитида ўсган йигит ёки қиз мактабни битиради. Мешчан ота-она минг ҳунарини қилиб солиб, уни институт курсисига ўтқазиб ҳам қўйди. Энди, шу студентдан яхши мутахассис чиқадими? Билмадим, мен бунга қўшилолмайман. Айтайлик, бунақа мутахассис врач ўрнига қотил, юрист ўрнига порахўр бўлиши ҳеч гап эмас. Орамизда бундай «мутахассислар» кўпайса, охир-оқибат нимага олиб боради! Мана сизга мешчанликнинг яна бир ижтимоий зарари.

Ниҳоят мешчанликнинг янги бир белгиси ҳақида икки оғиз сўз. Жиноят кодексида унчалик кескин жазо чораси белгиланмаган бир жиноят бор. Бу — лоқайдлик. Йўқ, мешчан одамни тамомила лоқайд деб бўлмайди. Ўз манфаатига зид ҳаммадан баландроқ айюҳаннос солади. Бироқ ўша вазият ўзига зарар келтирмаса, миқ этмайди. Масалан, автобусда чўнтагига киссавур қўл суқса, у ддлаб оламни бузади, худди ўша киссавур бировни шилаётганини кўрса тескари қараб туради. Ўз ҳовлисидан қўшниси элликта ғишт олиб кетса ёқасига ёпишади, ёнидаги қурилишдан бирор бир машина ғиштни ўмариб кетса парво қилмайди. Ўз томорқасидаги олмага қўшни бола тош отса қулоғидан чўзади, колхоз боғидан бирор бир тонна олмани ўғирласа иши бўлмайди. Негаки ўзиники тўрвада—давлатники ўртада. Ҳолбуки давлат ҳам ўзимизники. У буни ўйлаб ўтирмайди. Унинг учун ўзи тинч бўлса, қулоғи тинч бўлса бас. Мана сизга мешчанликнинг тағин бир жиддий зарари!

Бегматжон! Ваҳобжон! Бу гаплардан қандай хулоса чиқарса бўлади? Менимча, мешчанлик моҳиятини бир жумла билан ифодалаш анча мушкул. Бироқ умуман бундай қарашни лўндароқ ифодалаш учун баъзи якунларни айтсак бўлади. Назаримда мешчанлик фалсафаси мана бундай: «Мен — бошқача одамман. Мен — сен эмасман! Болам ҳам сенинг болангдақа эмас. Биз —бошқа одаммиз. Кўриб қўй, ҳавасинг келсин!» Мана, мешчанлик фалсафаси!

Бегматжон! Сиз айтганингиздек, мешчанликнинг фаровон яшашга интилишдан фарқи бор. Фаровонлик —меҳнат билан, ҳалол меҳнат билан эгизак. Агар одам жамиятга беришдан кўра, кўдроқ юлиб олишни ўйласа, агар бу ишни ўзини кўрсатиб қўйиш учун қилса (хоҳ ошкора, хоҳ яширин) у мешчанга айланиб қолганини ўзи ҳам билмайди. Энди хатнинг бошидаги фикрга қайнарига эшикдан чиқиб кетганга ўхшайди. Биров дунёга келиб, ҳаёт деб аталмиш чиройли бинога ақалли битта ғишт қўйиб кетишни ўйлайди, бошқа биров эса шу бинодан жилла-қурса битта ғиштни ўпириб кетиси келади!» Ажойиб фалсафа! Дунёнинг адолатини қарангки, ҳаёт деб аталмиш муҳташам бинога ақалли битта ғишт қўйган одам нимадир қолдиради, ҳаёт деб аталмиш гўзал бинодан ғишт ўмариб олган кимса ўша ғиштни ўзи билан қўшиб «у ёққа» олиб кетолмайди. Фалсафадан нари туриш ниятида чин дилдан ёзган хатим сизларни ўйлатса, бошим осмонга етган бўларди.

Азиз газетхонлар!

Сиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига обуна бўлдингизми? Обуна баҳоси бир йилга 5 сўм 16 тийин, олти ойга 2 сўм 58 тийин.

Газетанинг навбатдаги сони 2 октябрда чиқади

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 тийин

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»

Орган союза писателей Узбекистана и Министерства культуры Узбекской ССР.

Бош редактор: Одил ЁҚУБОВ

Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Рамз БОБОЖОН, Собир БОБОЕВ, Барот БОЙҚОБИЛОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош редактор ўринбосари), Саъдулла ҚАРОМАТОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Назир САФАРОВ, Ўлмас УМАРБЕКОВ, Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул секретарь), Тўлепберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Лазиз ҚАЮМОВ, Малик ҚАЮМОВ, Сора ЭШОНТУРАЕВА.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент—700029, Ленин кўчаси 41.
ТЕЛЕФОНЛАР: Бош редактор — 33-52-91, 32-57-42, қабулхона — 32-54-71; бош редактор ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул секретарь — 33-49-93, 32-58-49; БУЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; поэзия ва проза — 32-55-78; санъат — 32-56-48; сатира ва юмор — 32-56-49; фотолаборатория — 32-58-95.

Р-19351. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети матбуотининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. Индекс 64593 Б. 3253. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14